

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ

Нормухаммад Шайдуллаев

ФАЛСАФА

(ахлоқшунослик, эстетика, мантик)

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ



Наманган – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий дастур асосида тайёрланган «Фалсафа (ахлоқшунослик, эстетика, мантик)» фанидан маърузалар матни ахлоқшунослик, эстетика, мантик фанининг мақсади, муаммолари, вазифалари, асосий мезоний тушунчалари ва қонун-қоидаларини ёритишга бағишланган.

Масъул муҳаррир

А.Ҳусайнов, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Такризчилар

М.Нишонов, фалсафа фанлари доктори, профессор

М.Ҳожимирзаев, фалсафа фанлари доктори, профессор

Ушбу маърузалар матни Наманган муҳандислик-қурилиш институти ўқув-услубий кенгашининг 2017 йил «___» _____ ____ сонли мажлис қарори билан тасдиқланиб, амалиётга тавсия этилган.

К И Р И Ш

Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ислом Каримов.

Талабалар «Фалсафа (ахлоқшунослик, эстетика, мантик)» фанини ўзлаштириш жараёнида ахлоқшунослик фанининг ахлоқ фалсафаси сифатидаги моҳияти, унинг илмий-амалий аҳамияти, ахлоқнинг таркиби ва вазифалари, эстетиканинг гўзаллик, санъат ва тарбия фалсафаси сифатида моҳияти ва илмий-амалий аҳамияти, тафаккурнинг асосий хусусиятлари, мантиқий шакллари ва қонунлари, билиш жараёнида мантиқнинг тутган ўрни тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, ахлоқшуносликнинг асосий тушунча ва тамойили, эстетик тафаккур тараққиёти, эстетик онгнинг моҳияти ва таркиби, эстетик фаолият, эстетиканинг асосий тушунчалари, формал мантиқ қонунлари ҳақида билиш, ахлоқ, эстетика, мантиқнинг иқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ ва бошқа фанлар билан ўзаро муносабатини таҳлил қилиш, «ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги», замонавий комил инсонни тарбиялашда ахлоқшунослик фани эришган ютуқлар, санъатнинг моҳияти, вазифалари ва эстетик-бадиий тарбия вазифалари ва турлари, ҳар жиҳатдан баркамол фуқаролик жамияти аъзоси, замонавий шахсни тарбиялашда эстетика эришган ютуқларнинг катта ўрин эгаллашини билиш, тилнинг вазифалари, тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш, хулосавий билимлар ҳосил қилиш, далиллаш, муаммоларни яратиш ва ҳал этиш, фаразни илгари суриш ва асослаш, илмий назариянинг мантиқий тузилиши тўғрисида муайян билимга эга бўлишлари талаб этилади.

«Фалсафа (ахлоқшунослик, эстетика, мантик)» фани жамиятдаги янгилашни жараёнида ўзига хос ўрнига эга. Зеро, демократик ва ҳуқуқий давлатнинг фуқаролари, айниқса, ёшларнинг ахлоқий, эстетик, ақлий камолот даражасига масъуллик ва баркамол авлодни тарбиялаш учун ахлоқий қадриятлар билан йўғрилган ҳаётбахш мафкура бор. Муҳтарам 1-Президентимиз И.Каримов «халқни буюк келажак ва улғувор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили, динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналарга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли комил инсонни тарбиялаш ва яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий истиқлол мафкурасининг теран илдизи бўлган фалсафа фани зиммасида эканини алоҳида таъкидлаганлар. «Фалсафа (ахлоқшунослик, эстетика, мантик)» фанининг вазифаси қуйидагилардир:

– олий қадрият бўлган ахлоқнинг миллийлик ва умумбашарийлик хусусиятларини таҳлил этиш, унинг ҳаётдаги юксак мавқеини талабалар онгига сингдириш, ҳалол, пок, ростгўй мутахассис бўлиб етишда одоб-ахлоқ аҳамиятини талабаларга теран англатиш, фанни ўқитиш ва ўрганишда ижодийлик, илмийлик, тарихийлик ва холислик тамойилларига амал қилиш;

– эстетик қадриятларнинг миллий ва умумбашарий жиҳатларини таҳлил этиш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиш, талабаларда гўзалликка, улуғворликка муҳаббат ҳиссини шакллантириш, ҳақиқий санъат асарларининг миллат ва жамият ҳаётидаги улкан маънавий ҳодиса эканини уқтириш, уларда санъатни чуқур тушуниш малакасини ҳосил қилиш, техника эстетикаси ва дизайннинг саноатни гўзаллаштиришдаги, эркин, демократик жамият тараққиётидаги беқиёс аҳамиятини англатиш;

– талабаларга тўғри муҳокама юритишнинг мантикий шакллари ва қоидаларини ўзлаштириш, мустақил фикрлаш маданияти ривожидан тутган ўрнини тушунтириш, муаммоларни яратиш ва бартараф этиш, фаразларни илгари суриш ва асослаш қоидалари, савол-жавоблар қилиш, баҳс юритиш сир-асрорларини ўргатиш, илмий билимларнинг мантикий тузилиши билан таништиришдан иборат.

«Фалсафа (ахлоқшунослик, эстетика, мантиқ)» фанининг аҳамияти талабаларда эзгуликка эътиқод, Ватанга, миллатга, инсониятга муҳаббат ҳиссини шакллантириш ва юксак даражага кўтаришда, ёшларнинг комил инсон бўлиб етишларига кўмаклашишда, шахс сифатида ҳам, фуқаролик жамияти аъзоси сифатида ҳам – ҳар жиҳатдан гўзалликка ошно, юксак эстетик дид эгаси қилиб тарбиялашда, фикрлаш маданиятини ўстиришда, тўғри муҳокама юритишнинг усуллари, қоидалари, мантикий масалаларни ечишда, далиллаш ва танқид жараёнини тўғри тушунишда, баҳс-мунозарани бошқариш малакасини ҳосил қилишда намоён бўлади.

«Фалсафа (ахлоқшунослик, эстетика, мантиқ)» фанидан ўтиладиган семинар машғулотларига ажратилган соатлар

№	Мавзулар номи	Соат
1.	Ахлоқий тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари	2
2.	Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар. Ахлоқшуносликнинг асосий тушунчалари	2
3.	Шахс ахлоқий тарбияси	2
4.	Эстетик тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари	2
5.	Эстетиканинг асосий тушунчалари	2
6.	Бадий асарни эстетик идрок этиш ва эстетик тарбия	2
7.	Мантиқ илми предмети ва аҳамияти. Мантиқ фани ривожининг асосий босқичлари	2
8.	Тушунча. Ҳукм.	2
9.	Хулоса чиқариш. Далиллашнинг мантикий асослари	2
	Жами	18

1-мавзу. Ахлоқий тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари

1. Ахлоқшунослик – ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, тараққиёти ҳамда инсоннинг оила ва жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганадиган қадимий фалсафий фан
2. Қадимги Шарқ ахлоқий тафаккур бешиги сифатида
3. Қадимги дунё мумтоз ахлоқшунослиги. Сукрот ва Афлотуннинг ахлоқий қарашлари.
4. Ўрта асрлар мусулмон Шарқи ва Оврўпа ахлоқшунослиги. Диний-ҳадисий йўналиш ахлоқшунослиги
5. Энг янги давр ахлоқшунослигидаги асосий йўналишлар

Ахлоқшунослик ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, хусусиятлари, жамият тараққиётидаги ўрни ҳақидаги фандир. «Ахлоқ» арабча сўз бўлиб, хулқ сўзининг кўплиги, хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия деган маъноларни англатади. Ҳозирги вақтда бу тушунча жамиятнинг ахлоқий ҳаётида юз берадиган барча жараёнлар мажмуини ҳам акс эттиради.

Жамият ахлоқий ҳаёти – кишиларнинг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий фаолияти, оиласи ва кундалик турмушида юзага келадиган ўзига хос муносабатлар шаклидир. Ахлоқ тушунчаси умумий тушунча сифатида ахлоқшуносликнинг тадқиқот объектини англатса, яқка тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг ўзига хос кўринишини англатади. Хусусан, ахлоқ «одоб», «хулқ-атвор» маъноларида ҳам ишлатилади. Аслида «ахлоқ» ва «одоб» тушунчалари бир-биридан мазмун жиҳатидан фарқ қилади.

Одоб – инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатлардир.

Ахлоқ – жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси дир. Ахлоқ инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган ахлоқий тамойил ва меъёрлар мажмуидир.

Ахлоқ ижтимоий ҳодиса сифатида кишилик жамияти вужудга келиши билан бир вақтда жамоалар билан шахс ўртасидаги эҳтиёж ва манфаатларга хизмат қилувчи алоқа тарзида вужудга келган.

Тарихий тараққиётда ахлоқ инсоннинг табиий хислатларини ўзгартирувчи, яратувчилик фаолияти шаклида умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми, шахсни ҳар томонлама камол топтирувчи маънавий-ижтимоий омилларидан бири, кишиларнинг ички туйғу ва ҳиссиётларини ўстириб, умуминсоний моддий ва маънавий қадриятларини англаб етиш, уларни асраш ва келгуси авлодларга етказиш йўлининг энг афзали, оила ва кундалик турмушда мавжуд бўлган оилавий бурч, ўзаро ҳурмат, садоқат, ор-номус каби анъаналарни авлоддан-авлодга ўтказиш асосида давом эттириш воситаси, адолатли жамият

қуриш ва унда бой-бадавлат, тинч-тотув, бахтли яшаш ғояси сифатида мунтазам ривожланиб келган ва ривожланаверади.

Ахлоқий тафаккур тараққийнинг асосий босқичлари. **Илк ахлоқий қарашлар бундан уч ярим минг йиллар илгари юзага келган. Қадимги Шумерда топилган миҳхат ва гилтахталарда ёзиб қолдирилган панднома, матал ва мақоллар ўша давр халқлари ҳаётида ахлоқнинг ўрни ҳақида тасаввур беради. Жумладан, шумерликларнинг эзгулик, ҳақиқат тамойиллари бўлган худолари мадҳ этилган қўшиқлар, алқов-гимнлар халқнинг ҳамжиҳатликда яшашга, эзгуликка йўналтирувчи ахлоқий меъёр ва қоидалар вазифасини ўтаган.**

Қадимги Миср ва Бобилда ахлоққа доир қарашлар эпос, халқ дostonлари, пандномаларда баён этилиб, айримлари бизгача етиб келган. «Пхотатен ўғитлари», «Хўжайиннинг ўз қули билан ҳаётнинг мазмуни ҳақида суҳбати», «Гильгамеш» эпоси, «Арфист қўшиғи» каби битикларда «бахт», «бурч», «адолат», «ҳаётнинг мазмуни» каби ахлоқий мезоний тушунчалар тавсифланиб, ахлоқий меъёрлар хусусида фикр юритилган.

Қадимги Турон ва Эрондаги ахлоқий тафаккур зардуштийлик дини негизида шаклланиб, унинг асосий ғояси «Авесто»да ўз аксини топган. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш мазкур ғоянинг асосини ташкил этади. Бунда Ахурамазда эзгулик, Ахриман ёвузлик кучларининг тимсоли сифатида кўрсатилади ва эзгулик худоси мадҳ этилади. Эзгулик худоси кишиларни бахт-саодат, камолат сари етаклайди.

«Авесто»да **«эзгу сўз, эзгу фикр ва эзгу амал» ғояси илгари сурилган**, «яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатарда қолганда кўмаклашиш, ёвузликка қарши, кишилар бахт-саодати учун курашга шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, ўз маслақдош биродарлари билан дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшашга интилиш эзгу амалдир». Инсон ўз фикр-хаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, чунки ҳасад яхши ниятни, бурч ва адолат туйғусини йўқотади.

«Авесто»да инсоннинг ахлоқсизлигини ёвузлик, ёмонликка қўл уриши учун ҳам олдиндан жазо бўлиши ва у дунёда бундай кишиларга бериладиган жазо ҳақида фикр юритилади. Унда келтирилишича, одамзот ҳаётининг иккинчи даври Зардуштнинг диний ислоҳотлари билан боғлиқ фаолияти бўлиб, 3000 йиллик курашдан сўнг, Зардуштнинг фарзанди бошчилигида дунёда осойишталик ва фаровонлик даври юзага келади. Ахриман енгилади. Учинчи даврда қиёмат қойим бошланади ва ўликлар тирилиб, ҳамма ишлардан воқиф бўлган Худо ҳузурига ўз қилмишлари ҳақида ҳисоб бергани боришади. Эзгу амал билан машғул бўлганлар жаннатга киритилади, ёвуз ишлар билан шуғулланганлар жаҳаннам азобига маҳкум бўладилар.

Қадимги дунё ахлоқий тафаккури Ҳиндистон, Хитой ва Юнонистонда юксак тараққий босқичига кўтарилган. Ҳинд ахлоқшунослигида ведачилик етакчи ўринни эгаллайди. «Ведалар» диний-фалсафий мазмунга эга бўлган муқаддас битиклар бўлиб, унга кўра, жамият тўрт табақага – браҳманлар (қоҳинлар), кшатрийлар (ҳарбийлар),

вайшелар (ер эгалари, савдогарлар, хунармандлар), шчудрийлар (куллар)га ажратилади. Ҳар бир табақа муайян даражадаги туғма ахлоққа эга бўлиб, қохинлар юксак ахлоқ эгаси, куллар эса ахлоқан тубан одамлардир.

Буддавийликда ахлоқий фазилатлар туғма бўлмасдан, улар ҳар бир шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш, камол топтириш натижасида шаклланиши эътироф этилади. Будда (мил. ав. 567-488 й.) таълимотини «тўрт олий ҳақиқат» ташкил этади: *ҳаёт азоб-уқубатлардан иборат, азоб-уқубатларнинг сабаблари бор, сабабларни англаш ва халос бўлиш мумкин, азоб-уқубатлардан халос бўлиш, уларни бартараф этиш йўллари бор ва уларни билиб олиш мумкин. Ҳақиқатга эришиш учун ахлоқий тамойил ва меъёрларга (ёмонлик қилишдан, ёлгон гапиришдан, ўзрилиқ қилишдан, ҳис-туйғуларга ортиқча берилишдан сақланиш, маст қилувчи ичимликлардан ўзини тийиш, турмуш ўртоғига хиёнат қилмаслик, зебу зийнатга берилмаслик) қатъий риоя қилиш лозим.*

Қадимги Хитой ахлоқий тафаккури даочилик ва конфуцийлик таълимотлари негизда шаклланган. Лао-цзи фикрича, борликда «дао» деб аталадиган, унинг уйғунлигини таъминлаб турадиган объектив қонуният амал қилади. Инсон ҳам ана шу қонуниятга бўйсунди ва оқибатда ахлоқий комилликка йўл тутди, ундаги барча салбий хислатлар, ахлоқсизликлар даога нисбатан хилоф хатти-ҳаракат натижасидир.

Конфуцийнинг ахлоқий қарашлари «Сухбатлар ва мулоҳазалар» китобида афоризм, ҳикмат ва пандномалар шаклида баён этилган. Унинг фикрича, инсон тақдирини «Осмон» қонуни белгилайди, одамларнинг табақага бўлиниши, қисматни ўзгартириб бўлмайди. *Император – осмон ўғли, у осмон остидагиларнинг барчасига ота. Демак, подшо – подшо, ота – ота, мулозим – мулозим, ўғил – ўғил бўлиши даркор. Инсон бу қонуниятларни ўрганиб, ўзлаштириб олиши учун жамиятдаги ўрни, мавқеи, даражаси ва бурчини яхши билиши зарур.*

Қадимги Юнон ахлоқий тафаккури ривожига Демокрит, Сукрот, Афлотун, Арасту, Эпикур катта ҳисса қўшганлар. Демокрит (мил. ав. 460-370 й.) *ақл инсон маънавияти, ахлоқи негизини ташкил этади ва унинг такомил билан бахтга эришиш мумкин* деган ғояни илгари сурган. Унинг фикрича, *донолик (ақллилик) ахлоқий фазилатларни, хусусан, яхши фикрлаш, яхши хулқ-атвори ҳосил қилади.*

Сукрот (мил. ав. 469-399 й.) фикрича, донишмандлик ўзгармас ва мутлақ табиатга эга бўлиб, ўз-ўзини англашдан бошланади. Сукрот фикрича, тартиб бўлмаса, жамият барқарор ривожланмайди. Кишилар қонун-қоидаларга бўйсунганларидагина ахлоқий фазилатга эга бўладилар.

Сукротнинг *«нимаики қонуний бўлса, ўша адолатлидир»* сўзлари ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотмаган. Сукротнинг фикрича, *фалсафанинг марказида ахлоқ масалалари турмоғи лозим ва бу масалаларнинг қандай тарзда ҳал қилиниши жамият ҳаёти равнақини белгилайди.*

Афлотун (мил. ав. 347 й.) ахлоқ илоҳий асосга эгалиги, давлатни бошқариш, сиёсатни амалга оширишда ахлоқ алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаган.

Арасту (мил. ав. 384-322 й.) ахлоқшуносликни «амалий фалсафа» деб таърифлаб, уни «этика» деб номлаган. Арасту ихтиёр эркинлигини ахлоқ тузилмасининг асосий таркибий қисми деб кўрсатган. Афлотундан фарқли, Арасту ахлоқни руҳнинг туғма хусусияти эмас, балки тафаккур билан бевосита ихтиёр эркинлиги натижасида ҳосил қилинадиган фазилат дейди.

Арасту *инсон маънавий баркамолликка ўзида эзгу фазилатларни шакллантириши билан эришади*, деб ҳисоблайди: *«маънавий баркамол инсон ақл билан фазилат бирлигида амал қиладиган кишидир. Фазилат инсон қўлга киритган сифатдир»*.

Ўрта асрларда ахлоқий тафаккур мусулмон Шарқида юксак тараққиёт даражасига кўтарилган. Агар бу даврда Ғарбда турғунлик ҳукм сурган бўлса, Марказий Осиёда Уйғониш даври юз беради. Бу даврда ахлоқшуносликда икки йўналиш: машшойийунлик (арастучилик) ва тасаввуф фалсафий-диний таълимоти ривожланган.

Абу Наср Форобий (873-950)нинг ахлоқий қарашлари *«Фозил одамлар шаҳари»*, *«Шаҳарни идора этиши китоби»*, *«Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола»* асарларида баён этилган. Форобий *ахлоқий камолотга эришиши инсоннинг ўз қўлида эканлиги, бунга тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаши орқали эришилиши, барча халқлар бахтга эришиши учун бир-бирлари билан ҳамкорлик муносабатида бўлишлари кераклигини уқтирган*.

Абу Райхон Беруний (973-1048) *«бурч»*, *«номус»*, *«яхшилик ва ёмонлик»*, *«адолат»*, *«виждон»* мезоний тушунчалари доирасида ҳар қандай билим инсоннинг ахлоқий камолотига хизмат қилиш кераклигини тушунтиради.

Абу Али ибн Сино (980-1037)нинг ахлоқий қарашлари *«Соломон ва Ибсол»*, *«Ҳайй ибн Яқзон»* каби асарларида баён этилган. Ибн Сино ахлоқий фазилатларни тарбия маҳсули деб ҳисоблайди. Камолотга интилиш яхшиликдир. *«Яхшиларнинг яхшилиги нимада? Хоксорлик, беминнат саховат ҳамда мукофот тама қилинмаган хизматда»*.

Ибн Рушд (1126-1198) ихтиёр эркинлиги масаласи устида фикр юритади. Унингча, инсон хулқ-атвори билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар азалдан белгилаб қўйилмайди, инсон ихтиёр эркинлигига эгадир. Бундай эркинликни инкор этиш Яратувчининг моҳиятига зиддир, зотан инсоннинг ахлоққа зид хатти-ҳаракатларини тақдири азал битиклари деб бўлмайди. Ўз бандаларига ёмонлик соғиниш, уларни ёвузликка бошлаш Яратувчи сифатига кирмайди.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқида тасаввуф диний-фалсафий таълимоти VIII-IX асрларда Марказий Осиёга кенг ёйилди. Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Махдуми Аъзам ва бошқа мутасаввифлар тасаввуф ва тариқатлар ривожига катта таъсир кўрсатдилар.

Яссавийлик тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавий (1103-1166)нинг ахлоқий қарашлари туркий тилда битилган *«Девони ҳикмат»*да акс этган.

Яссавий талқинида Худо ҳақиқат ва эзгулик тимсолидир, Худога эришиш учун қилинган барча амаллар ахлоқий фазилатлардир.

Хожа Абдухолик Ғиждувоний (1103-1220) инсонни маънавий ахлоқий комилликка олиб боровчи йўллар (рашҳа)ни ишлаб чиққан. *Хуш дар дам (зикр вақтида ҳар бир чиқаетган нафас хушёрлик билан чиқмоғи, гафлатга тушмаслик лозим, ҳар нафас олиб чиқариш пайтида Аллоҳни зикр қилиш даркор), назар бар қадам (тариқат аъзоси қаерда бўлмасин ҳар бир қадамига назар солиши, огоҳ бўлиб юрмоғи лозим), сафар дар ватан (соликнинг ёмон одатдан хушхулқликка йўналиши), хилват дар анжуман (зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бўлиш зарурлиғи) кейинчалик нақшбандийлик тариқатининг асосий тамойилига айланган.*

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) тасаввуфни маънавий-ахлоқий таълимот даражасига кўтарган нақшбандийлик тариқатининг асосчисидир. Тариқат асосида «дил ба Ёру даст ба кор» («кўнғил Худода, қўл ишда бўлсин») деган динийлик ва дунёвийликни мужассамлаштирган шиор ётади. Зеро, *илоҳийлик билан йўғрилган ахлоқийлик инсоннинг бахт-саодатига йўналтирилган бунёдкорлик ишларида намоён бўлади.*

Кубровийлик тариқатининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро (1154-1226)нинг ахлоқий қарашлари «Усули ашара», «Фавойиҳ ул-жамол» асарларида баён этилган.

Тариқат ўн ахлоқий қоида асосига қурилган: *таважжух – Худога ўз ҳоҳиши билан юзланиш, зуҳд фид дунё – ҳар қандай лаззатдан ўзини тийиш, таваккул – Аллоҳга эътиқод ва бу йўлдан ҳар қандай нопок нарсалардан воз кечиш, қаноат – ҳар ишда сабрли бўлиш, узлат – хилватни ихтиёр қилиш, мулозамат аз-зикр – зикр билан машғул бўлиш, вақтни зое ўтказмаслик, муҳаббат – Худога чин дилдан эътиқод қилиш ва ўзини бағишлаш, нафсни енгиш, муроқабат – тафаккур қилиш, мушоҳада – Аллоҳни зот ва сифати билан тафаккур қилиш, ризо – Аллоҳ ризқига, қийинчилик, касаллик, яхшилик ва ёмонликни бирдек қабул қилиш ва илоҳий баркамолликка эришиш.*

Темурийлар ҳукмронлиғи даврида нақшбандийлик тариқати маънавий-ахлоқий таълимот сифатида халқ мафкурасига айланиб, халқни мўғул истилосига қарши курашга, бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш учун хизмат қилган. Амир Темурнинг «Куч-адолатда» деган шиорининг мазмуни тариқатнинг «дил ба ёру даст ба кор» тамойили билан йўғрилган.

Абдурахмон Жомий (1414-1492), Алишер Навоий (1441-1501) нақшбандийлик тариқати тамойиллари асосида ижод қилиб, унинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда ибрат намуналарини кўрсатганлар.

Абдурахмон Жомий асарларида инсонийлик, бахт, бурч, яхшилик ва ёмонлик каби ахлоқий мезоний тушунчалар таҳлил қилган. Жомийнинг «Баҳористон» асари ахлоқ қомуси деб улуғланган бўлса, Алишер Навоий инсонни олий қадрият даражасига кўтариб, уни коинот гултожи деб атаган: *Инсон бахт-саодатга ўзида ахлоқий фазилатларни шакллантириш орқали эришади. Инсон бу дунёга бир марта келар экан, инсон бўлиб, инсоний сифатларни ўзида касб этиб яшамоғи керак.*

Оврўпада XV асрдан бошланган Уйғониш давридаги ахлоқий қарашлар гуманизм-инсонпарварлик ғоялари таъсирида ривожланадики, бунга Лоренцо Валла, Макиавелли катта ҳисса қўшганлар.

Л.Валла (1407-1457) «Ҳақиқий ва ёлғон эзгулик», «Ихтиёр эркинлиги ҳақида» асарида барча жонзотларнинг табиатан ўзини асрашга ва изтиробдан қочишга интилишини таъкидлайди. Валла муҳаббат, ихтиёр эркинлиги масалаларини биологик тамойил асосида изоҳлайди: *муҳаббат лаззатга ўхшаш ҳиссий идрок этишидир, ихтиёр эркинлиги эса ҳар бир кишининг яхши яшаши учун интилиши ва ёмонликдан қочишидир.*

М.Макиавелли (1469-1577) ахлоқ масалаларини дин, сиёсат билан бевосита боғлиқ тарзда талқин этади. Унинг бундай қарашлари «Подшоҳ», «Тин Ливейнинг биринчи декадаси» асарларида баён этилган.

Немис мумтоз фалсафаси вакиллари И.Кант (1724-1804) ва Ф.Гегель (1770-1831) янги давр ахлоқшунослиги ривожига катта ҳисса қўшганлар.

И.Кант «Хулқлар метафизикаси», «Ахлоқ метафизикаси» асарларида буйруқ (империатив) хатти-ҳаракатнинг мазмунига боғлиқ бўлмаган ҳолда хулқ-атворнинг ялпи умумий қонуни бўладиган қоидага амал қилишни талаб этадиган «ахлоқнинг олтин қоида»си ғоясини илгари сурган. Мазкур қоиданинг муҳим талаби: *«... фақат шундай қоидага мувофиқ ҳаракат қилки, унга амал қилиши баробарида унинг энг умумий қонун бўлиб қолишини хоҳлаб қолишинг мумкин бўлсин».*

Кант фикрича, инсоннинг табиий майллари иродага таъсир ўтказди ва айна пайтда ирода эркин ақл ёрдамида ўрнатилган қонунга бўйсунди. Бу ахлоқий мажбурият амр сифатида қатъий империатив мутлақ буйруқ мавқеига эгадир. Ахлоқийликнинг мезони адолатдир. Кант абадий тинчлик ғоясини илгари сурган.

Ф.Гегель черковнинг таркидунёчилик ахлоқига қарши чиққан ва ҳар қандай фазилат «хузур-ҳаловат бахш этса, шунчалик саодатга элтади» деб, ахлоқшунослик масалалаларини ҳуқуқ, сиёсат билан боғлаган ҳолда, ахлоқий империатив ҳақидаги фикрларини баён этади: *«Қонунлар ҳаракат қилмайди, фақат инсон ҳаракат қилади».*

Гегель фикрича, эзгулик эрк даражасига кўтарилган ихтиёр, амалга оширилган эркинлик, оламнинг мутлақ сўнгги мақсади. Ёвузлик зарурият, лекин рўй бермаслиги керак. Виждон муқаддас, қўл етмас нарса, инсоннинг ўз-ўзига пок ишончи, эзгуликни билиш ва англашдир.

Энг янги давр ахлоқшунослиги **иррационализм** (лот. Irrationalis-ғайри ақлий) таъсирида ривожланиб, экзистенциячилик, прагматизм, позитивизм, руҳий таҳлил каби ахлоқий йўналишлар вужудга келган.

Немис файласуфи Карл Ясперс (1883-1969) томонидан илгари сурилган экзистенциячилик (лот. *existentia* – мавжудлик) XX аср ахлоқшунослигидаги етакчи йўналиш бўлиб, кишининг ҳар лаҳзада ҳаёт ва ўлим оралиғида кечадиган ички кечинмалари мавжудлиги асосий масала сифати олиб қаралган. Бу қарашлар кейинчалик фашизмнинг ғоявий қуроли, мафкураси сифатида юзага чиққан. Ясперс инсондаги зўрлик,

шавқатсизликка мойил биологик жиҳатларни унинг маънавий-ахлоқий жавобгарликдан озод ҳолатдаги мавжудлиги тарзида талқин қилган.

Экзистенциализм вакиллари инсонни ўз ҳаётини инсонийлик вазифасини бажариш учун қурбон қилган мавжудот сифатида қарайди. К.Ясперс анъанавий маънавий меросни эгаллаш инсон ахлоқийлиги даражасини белгиловчи омил сифатида намоён бўлади, деб ҳисоблайди.

Экзистенциализмга франциялик Жон Пол Сартр (1905-69) томонидан гуманизм руҳи сингдирилган. Ч.Пирс, Ж.Дьюн томонидан ишлаб чиқилган прагматизм фалсафаси Америкада оммалашган. Прагматизмда ахлоқий тамойил ва меъёрлар кишининг фойдали фаолияти талабларига бўйсунди. *Ахлоқ киши хатти-ҳаракати, феъл-атворининг меъёрлари эмас, балки унинг истак ва ниятларидир. Ва улар ҳар бир кишининг ўз ҳоҳиши, ўз мақсади бор бўлгани учун уларда шунга мувофиқ, ўзи учун нима яхши ва нима ёмон эканлигини аниқлашга ёрдам берувчи ахлоқий меъёр-ўлчовлари бўлади.*

Рухий таҳлил таълимоти асосчиси Зигмунд Фрейд (1856-1939) ахлоқий масалаларни киши руҳиятидаги *онгсизлик* асосида таҳлил этган. Инсон шахси учта – Ид, Эго, Суперэго компонентларининг ўзаро бирлигидан ташкил топади. Фрейд фикрича, онгсизлик инсон шахсидаги марказий компонент бўлиб, инсон танасининг ички эҳтиёжидан келиб чиқади. Онгсизликда ҳеч қандай замон таъсири бўлмайди, унда ҳеч қандай яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам йўқ ва ахлоқий меъёрларга ҳам бўйсунмайди.

Инсон шахсидаги Эго ва Суперэго компонентлари бевосита Ид билан боғлиқдир. Эго Ид негизида, Суперэго эса Эго заминида вужудга келади. Шахсдаги барча ахлоқий фазилатлар, хулқ-атвор талаблари Суперэго компонентида мужассамлашади ва маънавий ахлоқий тақиқлар қатламини ҳосил қилади.

Эрих Фромм (1900-1980) инсон қалбининг ахлоқий талабларга муносабатини таҳлил этган. Унинг фикрича, ёвузлик инсоний ҳодиса, у инсонийлик ҳолатидан ортга қайтиш, инсонга хос ақл, муҳаббат, эрк хусусиятларини йўқ қилишга бўлган интилиш, айни пайтда, фожиавий ҳолатдир. Эзгулик инсон мавжудлигини тобора ўз моҳиятига яқинлаштиради, ёвузлик инсон турмуш тарзи билан ўз моҳиятининг ўсиб боровчи бегоналашуви демакдир. Инсоннинг ҳақиқат сари интилиши замирида бешафқатлик, бурчи замирида шухратпарастлик ётади. *Муҳаббат ҳаракат, фаолликдир, севиш – олиш эмас, беришдир. Муҳаббат асосида қурилган никоҳ жуфтлашган икки худбиннинг ҳамдўстлигидир. Агар инсон ўз ярмини топши ва севиш бахтига муяссар бўлган бўлса, бошқа жуфт излашга интилмайди, бутун борлигини севгилисига бўлган муҳаббатга сарфлайди, аксинча, бундай бахтдан бебахра кишилар муҳаббат қийинчиликларини енгиш учун йўл қидириб, ўзларига ярашмаган ишлар билан машғул бўладилар.*

Шундай қилиб, энг янги давр ахлоқшунослигидаги оқим ва йўналишлар (ғайризўравонлик, ҳаётга эҳтиром, руҳий таҳлил ва бошқалар) бир-бирини инкор этмаган ҳолда тўлдириб, янги фикрлар билан бойитган.

2-мавзу. Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар. Ахлоқшуносликнинг мезоний тушунчалари

1. Ахлоқий тамойилларнинг амалиётда намоён бўлиши, уларнинг бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқлиги
2. Ахлоқий меъёрларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти
3. Ахлоқшуносликдаги фазилат ва иллат атамаларининг қутб тушунчалар сифатидаги моҳияти
4. Муҳаббат – ахлоқшуносликнинг кенг қамровли мезоний тушунчаси (категорияси) сифатида. Муҳаббат ва нафрат
5. Эзгулик мезоний тушунчаси. Эзгулик ва ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик, эзгулик ва ёвузлик. Яхшилик ва ёмонлик тушунчаси
6. Адолат, бурч, виждон, номус. Идеал, ҳаётнинг маъноси ва бахт

Ахлоқшуносликда қўлланиладиган барча тушунчалар ахлоқий мезоний тушунчалар, ахлоқий тамойиллар ва ахлоқий меъёрларга бўлинади. Ахлоқий тамойиллар умуминсоний мазмунга эга, яъни ирқи, миллати, мазҳаби турлича кишилар учун бирдек талаб ҳисобланади. Ахлоқий тамойиллар инсоннинг олий қадрият сифатидаги моҳиятини белгилайдиган ватанпарварлик, тинчликпарварлик, инсонпарварлик, жумардлик, эрксеварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик, зиёлилик, ўзбекчилик, меҳмондўстлик тарзида намоён бўлади.

Инсонпарварлик – инсоннинг том маънодаги моҳиятини белгиловчи ахлоқий фазилат бўлиб, унинг муҳим белгиси инсоннинг инсонга олий қадрият сифатида муносабатда бўлишидир. Саховатпешалик, яъни бор нарсасини ҳеч кимдан қизғанмаслик, қалбини кибру ҳаво, гина-қудрат, қаҳр-ғазабдан пок тутиш, халқ хизматида бўлиш, барчага меҳр-мурувват кўрсатиш ва бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмаслик инсонийликдир.

Эркпарварлик – инсоннинг ўз кадр-қиймати, озод ва эркин яшаш мақсади йўлидаги саъй-ҳаракати бўлиб, эркпарварлик у ёки бу мамлакат, миллат, халқнинг бошқа давлат, миллат томонидан истило қилиниши натижасида юзага келади. Мамлакат учун энг оғир, машъум кулфат – мустамлака, миллат, эрксизлик ва қарамликдир. Истиқлол ва эркинлик юрт учун олий неъматдир. Ҳаётининг маъносини эркпарварликда деб билган инсонлар келажак авлодлар учун идеал бўлиб қоладилар. Тарихда халқ эрки ва озодлигига эришиш учун ўз умрини бағишлаган халқ қаҳрамонлари мангуликка дахлдор шахс сифатида эътироф этилган.

Эркинлик кишининг ўзлигини англаши, мустақил фикрлашида намоён бўлади. 1-Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, «фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлидир». Эркпарварлик покликни, ҳалолликни талаб қиладиган юксак ахлоқий тамойилдир.

Тинчликпарварлик – уруш, қон тўкилишини инкор этиш, тинч-тотув яшашга интилиш, душманлик ва тажовузкорликка қарши курашишдир. Тинчликпарвар инсонлар Ер юзида тинчлик ўрнатиш учун тинимсиз кураш олиб борганлар, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишга

чакирганлар, фидойиликлари учун қувғин қилинганлар, қамокқа олинганлар, ҳаттоки ўз Ватанларидан бадарға қилинганлар.

Ватанпарварлик ва миллатпарварлик тамойиллари кишининг энг юксак туйғуси – она Ватани, миллати, халқига бўлган муҳаббатини ифодалайди. Бу тушунчалар ижтимоий моҳиятга эга бўлса ҳам, конкрет шахс хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Инсоннинг адашиб содир этган айби, гуноҳини кечириш мумкин, лекин Ватанга хиёнат қилишдек гуноҳ кечирилмайди. Ватанпарварлик – миллатпарварлик тамойилининг ўзига хос намоён бўлиш шаклидир. Ўз миллати билан маънавий-руҳий бирликда бўлганлар миллатпарвардир. Бу инсоннинг ўзи мансуб бўлган халқнинг маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини қадрлашида, уларга содиқлигида намоён бўлади. Миллатпарварлик миллатчилик эмас, ўз миллатини сева олмаган одам бошқа миллатни ҳам сева олмайди, асл миллатпарвар ўзлигини англаган ҳолда миллати билан фахрланади. Жадиидчилик ҳаракати намояндалари Мунаввар қори, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий – миллат эрки ва озодлиги учун жонини қурбон қилган фидойилардир.

Фидойилик – бошқалар манфаати йўлида ўз манфаати, ҳаётини қурбон қилиш, юксак олий мақсад сари интилиш, бошқаларни хавфдан озод қилиш, беғараз ёрдам бериш, мухтарам 1-Президентимиз И.Каримов ибораси билан айтганда «элим деб, юртим деб ёниб яшашдир».

Зиёлилик – инсоннинг маънавий-маърифий юксаклиги, қалбидаги ички нур, зиёси билан белгиланадиган хатти-ҳаракат мажмуидир. Зиёлилик ҳар жиҳатдан намунавийликдир. Зиёлиси улуғланган жамият юксак тараққиётга эришади, зиёлилик юксак маънавиятдан далолатдир.

Меҳнатсеварлик – аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият тури бўлиб, меҳнат жараёнида эҳтиёж қондирилади, шахснинг очилмаган қирралари кашф этилади, ўзлиги намоён бўлади, ўзгалар билан муносабатга киришади. Меҳнатсеварлик ҳалоллик, интизом, тартиб ва иштиёқ, интилишни талаб этади. Меҳнатга пул топиш нуктаи назаридан ёндашиш инсонни меҳнатдан бездиради. Инсон меҳнат туфайли юксакларга кўтарилади, унинг замирида ўз манфаати, Ватан, халқ, оиласи учун хизмат қилиш каби олийжаноб мақсадлар ётади.

Жўмардлик (альтруизм) – ўз манфаатидан бошқалар манфаатини устун кўйиш, муҳтожликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш, беминнат хайрия, одамийликнинг энг юқори чўққиси, илоҳийлик сифатларига эга бўлишдир. Жўмардлик ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган, набийлар, орифлар ва валий зотларга хос хусусиятдир.

Ўзбекчилик – миллатнинг энг яхши анъаналарига садоқат туйғусидан келиб чиққан, ўзбекларга хос бағрикенглик, кўни-кўшничилик, муросасозлик, бошқалар хизматиغا қамишдан бел боғлаб хизмат қилиш, маслақдош, саховатли, кечиримли бўлишдир. Шунингдек, ўзбекчиликнинг салбий жиҳати ҳам борки, катта қарз эвазига доврўғи етти маҳаллага етадиган тўйлар қилиш, ким ўзарга ош тарқатиш, инсон қадрини пул билан ўлчаш меъёр бузилиши натижасида иллатга айланган.

Ўзбекона лутф, ҳол сўраш, бемор кўшнининг кўнглини олиш каби тамойилларга бошқа халқлар ҳамиша ҳайрат, эҳтиром, ҳавас билан қарайдилар. Ғарбда таклиф қилинмаган киши уйга киритилмайди, ўзбекларда эшикдан кириб келган нотаниш киши ҳам киши “меҳмон атои худо” деб ҳурмат билан қарши олинади. Шарқда фарзандлар ёшлигидан катталарга салом беришга ўргатилгани ҳолда, Ғарбда танимаганга салом берилмайди ва ҳаказо.

Ахлоқий меъёрлар – бир хилдаги иш-амалларга жорий қиладиган умумий буйруқ ва тақиқ орқали кишилар хатти-ҳаракатини тартибга солувчи ахлоқ-одоб талабларининг муайян шаклидир. Ахлоқий меъёрлар икки хил кўринишда а) ахлоқий муносабатларнинг таркибий қисми шаклида б) ахлоқий онг шаклида мавжуд бўлади.

Ахлоқий меъёрларнинг биринчи шакли кишиларнинг бир хилдаги хатти-ҳаракатлари туфайли келиб чиққан ва барча учун бажарилиши шартли қонун-қоидаларга айланган. Иккинчи шаклида ахлоқий меъёр инсон онгида ўз аксини топган муайян қоида (буйруқ сифатида намоён бўлади, масалан, «қилма», «ўлдирма», «ўғирлама») кўзга ташланади.

Ахлоқий меъёрлар маънавий ва амалий ҳодисаларнинг синтези сифатида нима қилиш мумкин ва нима қилиш мумкин эмаслиги, у ёки бу шароитда қандай ҳаракат қилиш керак ва инсон нимадан тийилиши лозимлигини кўрсатган ҳолда хулқни тартибга солади. Ахлоқий меъёрлар – ахлоқий қонун-қоидаларнинг киши фаолияти (ростгўйлик, ҳалоллик, инсофлик, ширинсуханлик, камтаринлик, босиқлик)нинг ички сабабига (мотиви) айланишининг бошланғич талабларидир.

Ростгўйлик – кишининг ҳақиқатга бўлган ахлоқий танлови бўлиб, ростгўй одам ҳақни ноҳақ, ноҳақни ҳақ демайди, ҳамиша яхшилик, эзгулик йўлини тутди. Шўролар мафқураси таъсирида халқимиз ёлғон, алдов, нопоклик, ҳаромхўрлик, мунофиқлик инканжасида қолди. Сўз билан иш бирлиги йўқолган, қоғоздаги жимжимадор сўзлар ўз ҳолича қолган пайтда кишилар ҳалоллик, ростгўйлик устидан кулиш даражасига етди, ростгўй одам рост сўзлагани учун ишдан ҳайдалди, жиноий жавобгарликка тортилди, ҳалол инсон ҳаромхўр, мунофиқ, ҳар қандай қинғир ишни тўғри қилиб юборадиган кимсалар қурбони бўлди. Мустақиллик туфайли миллий-маънавий қадриятлар тикланиб, «ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони»га айланди.

Ҳалоллик – инсоннинг ўз кучи билан меҳнат қилиши, топган мол-мулки, обрўси, жамиятда тутган ўрни, хулқининг тўғрилигидир. Бир умр бахтли яшаш истагида бўлган инсон ҳаётини ҳалоллик асосига қуради.

Хушмуомалалик – ўзга кишиларга бўлган ички ҳурматнинг ташқи кўриниши бўлиб, инсоф, ақл, илм, олийжаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулойимлик каби белгилари мавжуд. Хушмуомалалик – кўнгилдаги ардоқли фикр, энг ноёб ҳис-туйғу, эзгу ниятларни яқинлар билан баҳам кўриш, ҳар қандай ҳолатда осойишталик, вазминлик, хотиржамлик билан иш тутишдир. Хушбичим либос инсонни қанчалик

чиройли, гўзал кўрсатса, хушмуомалалик ҳам инсонни шу қадар жозибадор ва латофатли қилиб кўрсатади.

Машойхлар тан жароҳати битар, кўнгил жароҳати битмас дейдилар. Ширинсуханлик – тоза рух манбаи, кўнгил малҳами, асал каби тотли ва роҳат бахш этгувчидир. Кўнгил хазинасининг қулфи тил бўлса, хазина калити сўздир. Ширинсухан инсон маърифатли, очиқ чехрали, гўзал хулқли бўлиши билан бирга, энг ёмон сўзни ҳам «қоғозга ўраб», кўнгилга тегмайдиган қилиб айтади, маломатга ўрин қолдирмайди.

Камтарлик – кишининг ўзи ва ўзгалар қадрини англаши ва баҳолай билишидир. Сув ўтни ўчиргани каби, камтарлик ҳам ғурурни безаб туради. Нокамтарлик ақл етишмаслигидан далолатдир. Ортиқча камтарлик шахсининг яширин такаббурлигини кўрсатади, яъни сохта камтарлик манманликдир. *Камтарликнинг зидди такаббурлик, худпарастлик бўлиб, бундай кишилар ўзига бино қўйиб, ҳар бир қилган иши ўзига яхши кўринади, ўзини бошқалардан устун қўяди. Ҳадисда такаббурлик шайтон ишидир дейилган.*

Камтарлик инсонни улуғлайди. Одам каср жадвалига ўхшайди: одамнинг ўзи каср сурати бўлса, маҳражи унинг фазилат ва иллатларидир. Маҳраж қанча катталашса, сурат шунча кичраяди, яъни инсон қанча камтарин бўлса, шунча улуғсифат ва салобатли кўринади.

Мардлик – қалбнинг буюк фазилати бўлиб, кўрқув нималигини билмай, ўлимга мардона тик борган киши чинакам мард саналади. Мард кулфат ва хатар, қийинчиликларни хотиржам ва вазминлик билан қарши олади. Ўзгаларнинг нолайиқ хатти-ҳаракатлари, озор ва инжиқликларини сабр-тоқат билан кечирриш ҳам мардликдир. Мард одам ўз сўзида туради.

Дўстлик – муқаддас тушунча, илоҳий туйғу бўлиб, хокисор одамлар ўртасида мустаҳкам қарор топади ва ўзаро ҳурмат-эҳтиром туфайли кучаяди. *Дўстлик инсон ҳаётидаги энг ноёб нарса, энг юксак девор, мустаҳкам қўрғон, сув билан таъминланган ишончли қалъадир. Инсон характери ва ақлини у танлаган дўст ҳамда ўқиётган китобидан билиши мумкин. Дўстлик туфайли инсон бахтиёр ва дўстлар қувончи ҳамма нарсадан устундир. Ёшликда тугилган дўстлик мустаҳкам ва лаззатлидир. Битта ҳам ҳақиқий дўсти бўлмаган одамга яшашнинг ҳожати йўқ.*

Дўстлик замирида ирода, дид ва фикрларнинг тўла уйғунлиги ётади. Ишонч дўстликнинг биринчи шарти бўлиб, ҳаммага дўст бўлган одам аслида ҳеч кимга дўст эмас, лўттибоз, шунчаки муросасоздир.

Одоблилиқ – яхши тарбия кўрганлик, ўзини тута билиш, хулоса чиқаришда шошилмаслик, ўзгалар фикрини тинглаш, ширинсўзликдир.

Ҳаёлилиқ – ўзини турли ножўя хатти-ҳаракатлардан тийиш, уялиш, хижолат тортиш демакдир. Ибн Сино фикрича, «инсонда доимо турадиган хусн ва латофат ҳаё билан ифбат бўлиб, ҳаёсиз юз жонсиз жасад каби», ҳаёсиз инсон имонсиздир. Кўрқоқ, пасткаш, мунофик кишилар ҳаёсини йўқотгани учун ҳар қандай тубан ишга қўл урадилар ва бундан заррача хижолатга тушмайдилар.

Иффат – ҳалол ва гўзал бўлмаган нарсадан ўзини тийиш, ўта покликдир. Иффат туфайли инсон нафсини ҳайвоний лаззатлардан тияди. Токи инсоннинг кўли, тили, қулоғи, кўзи иффатли бўлмагунча, ўзи ҳам иффатли бўла олмайди. Сабр – қаноат қилиш, ҳаёт қийинчиликларини чидам билан енгишдир. Инсоннинг ғазабини боса билиши, сабабини билмасдан норозилигини ошкор этмаслиги, истакларини жиловлай олиши, кучли ирода соҳиб бўлиши сабрдан далолатдир.

Оддийлик – ахлоқий баркамолликнинг олий шарти, ўзини кўз-кўз қилмаслик, бошқалардан ажралиб туришга ҳаракат қилмаслик, олий мақсад йўлида камтарона ҳаёт кечиришдир. Л.Толстой фикрича, «*кучли одамлар ҳамини оддийдирлар*». Оддийлик дунёдаги энг қийин фазилят, оддий бўлиш – буюк бўлишдир.

Ахлоқий тамойиллар умумлашган ахлоқий тушунчалар бўлса, ахлоқий меъёрлар уларни муайянлаштиришга хизмат қилади, яъни ахлоқий тамойилларга риоя қилиш учун қандай ахлоқий хислатлар зарурлиги ва ирода қай тарзда намоён бўлиши кераклигини кўрсатади. Инсон ҳамма нарсанда, ҳатто камтарликда ҳам меъёрни билиши керак.

Бўлажак банк ходими, иқтисодчи, менежер, ғазначи, ҳисобчи, молиячи, маркетинг, муҳандис ахлоқда хушмуомалалик ва одоблилик, оддийлик ва камтарлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, очиққўнғиллик ва дангаллик, саҳийлик ва муруватлилик, ўзаро ҳурмат ва самимийлик, сиполик, босиқлик ва ҳ.к. мужассам бўлиши лозим.

Ахлоқшунослик инсон хатти-ҳаракатини фазилят ва иллат тушунчалари асосида таҳлил этади. Ахлоқийлик фазилят, ахлоқсизлик иллатдир. Бу тушунчалар бир-бирини инкор этган ҳолда, бир-бирини тақозо этади. Адолат билан зулм, саҳийлик билан ҳасислик, дўстлик билан душманлик, камтарлик билан такаббурлик, хушмуомалалик билан қўполлик ўртасидаги муносабат орқали фазилят ва иллат англашилади.

Ахлоқшуносликнинг мезоний тушунчалари нисбий, кутбли (*муҳаббат, нафрат, эзгулик, ёвузлик, яхшилик, ёмонлик, адолат, адолатсизлик, бурч, масъулиятсизлик, номус, номуссизлик, виждон, виждонсизлик, бахт, бахтсизлик*) характерга эга бўлиб, шахс ва жамият маънавий ҳаётининг мезони вазифасини ўтайди.

Муҳаббат – кенг қамровли мезоний тушунча, олий туйғу бўлиб, инсонни эзгу ишларга чорлайдиган, уни танимайдиган даражада ўзгартириб юборадиган, ақл, ҳаёл, қалб ва вужудни эгаллаб олган барча туйғулар ичида энг қудратлидир. Ҳамма нарсанинг чегараси бор, фақат ишқ-муҳаббат чегара билмайди. Муҳаббат меъёр, анъана, қонунга бўйсунмаган ҳолда, инсонга улкан масъулият юклаб, жасоратга чорлайди.

Муҳаббатнинг объекти манфаатсиз гўзалликдир. Буюк қалбли кишилар муҳаббатни улуғлаб, унинг қадрига етадилар. Ҳамма дарднинг давоси бўлгани ҳолда, ишқ-муҳаббатни дори-дармон билан даволаб бўлмайди. *Муҳаббат ўлимдек кучли ва шишадек мўртдир. Ўзини яхши кўрган одам бошқани севишга салоҳияти йўқ. Кимдир севиш учун инсон унинг бахтида ўз бахтини топиши лозим. Муҳаббат инсонни камолотга*

чорлайди, шунга кўра, ёшлар учун муҳаббат ахлоқий идеал ҳисобланади. Муҳаббатнинг Аллоҳга, Ватанга, миллатга, инсониятга, ота-онага, фарзандга, гўзалликка, касб-корга муҳаббат каби турлари бор. Муҳаббат том маънода инсоннинг инсонийлигини кўрсатувчи фазилатдир. Бу ҳақида Алишер Навоий шундай ёзади:

*Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасин,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасин.
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Хусни нетсин кишиким они йўқ.*

Муҳаббатнинг зидди нафрат бўлиб, унинг асосида чуқур ўйлаб қилинган қарор ётади. Адолатсиз, ноинсоф муносабат, хиёнат туфайли муҳаббат объектидан бегоналашиш, юз ўгириш, жирканиш, ҳазар нафратнинг кундалик ҳаётдаги тор кўриниши бўлса, унинг кенг кўламдаги кўриниши ижтимоий-ахлоқий ҳодиса сифатида мавжуддир.

Муҳаббат қанча кучли бўлса, нафрат ҳам шу қадар кучли бўлиб, давомийлик табиатига эгадир. Баъзилар муҳаббат нафратга, нафрат эса муҳаббатга айланиши мумкин, дейишади. Бу мутлақо нотўғри. Бу нафрат эмас, балки ўткинчи ҳодиса бўлган ғазабдир. Ғазаб инсон феълнинг салбий ҳолати, баджаҳллик, нодонлик, охирини ўйламасдан қилинган ножўя хатти-ҳаракат бўлиб, маълум вақт ўтгач, инсон яна ўз ҳолига қайтади, ғазаби босилади. *Ғазаб заифлик аломати, жоҳиллик манбаи, оний ақлсизлик, бетайинлик, қисқаси, кулгили иллатдир, чунки ғазаб устида айтилган бемаъни гап-сўз учун осойишта пайтда уялиш, ўз-ўзидан нафратланиш, хатоларни англаш, ўз-ўзини айблаш содир бўлади.*

Нафрат иллат эмас, балки ахлоқий фазилат сифатида инсоннинг виждонлилиги, ботиний жасорати, чинакам инсонлигини намоён қилади.

Муҳаббатнинг асл моҳияти ишонч бўлиб, ҳақиқий муҳаббат эгаси рашк қилмайди, чунки рашк шахсиятпарастлик, иззатталаблик ва сохта манманлик, бўлмағур ғурур, ожизлик, кўрқоқлик, ишончсизлик, ақлсизлик мевасидир. Рашк муҳаббатнинг меъёрдан ошиб кетиши оқибати, худбинлик, «ўта севиш»нинг жирканч мевасидир. Зеро, меъёрини билмаслик оқибатида энг ёқимли нарса ҳам беҳад ёқимсиз нарсага айланади. Рашк муҳаббатдан кўра ғаразгўйликка яқин туради, яъни ошиқ учун азоб-уқубат, маъшуқа учун ранж-изтироб манбаидир. Изтиробни йўқотишга интилиш муҳаббатнинг завол топиши, ҳатто фожиага ҳам олиб келиши мумкин (*Шекспир «Отелло»*).

Муҳаббатнинг объекти эзгуликдир, эзгулик муҳаббатдан туғилади, киши ўзгаларда меҳр-муҳаббат ҳиссини туймасдан эзгуликка кўл урмайди. Чинакам қалб эгаси бўлмаган инсон эзгулик қилишга қодир эмас. Тасаввур қилинг: энг нозик ниҳол ҳам тошдай қаттиқ ерни, қоялардаги ёриқларни ёриб ўсиб чиқади. Эзгулик ҳам шундай.

Эзгуликда тарихий шаклланган ахлоқий идеал, яъни комил инсон, мукамал (адолатли) жамият ҳақидаги тасаввур, қарашлар ва унга етишишга ёки рўёбга чиқаришга бўлган саъй-ҳаракат ифодаланади. Эзгуликка хизмат қилмайдиган ҳар қандай билим, назария ҳеч бир

қимматга эга эмас (*уруш қуролларининг кашф этилиши, уларнинг такомиллаштиришига қаратилган илмий тадқиқот ва бошқалар*).

Эзгулик олий қадрият бўлиб, унинг моҳияти мутлақ мукамаллик, ҳақиқат, гўзаллик тимсоли бўлган Алллоҳ сифатларида намоён бўлади. Шунинг учун барча динларда Худо кишиларни эзгуликка чорловчи зот сифатида талқин қилинади («Авесто»да Ахурамазда «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» тамойилини ўзида мужассамлаштирган зот деб таърифланган).

Эзгулик инсоннинг улуғворлик даражасида, яъни оддий ўлчов доирасига сиғмайдиган фаолиятда намоён бўлади. Эл-юрт манфаати, олий мақсадни ўз манфаатидан устун қўйиб, бунёдкорлик, яратувчилик, фидойилик қилган инсон фаолияти эзгулик ўлчови билан баҳоланади.

Эзгуликнинг муқобили ёвузлик бўлиб, шафқатсизлик, заифлик, тубанлик, пасткаш саъй-ҳаракатлар замирида вужудга келади ва жамият, инсониятга келтирган кулфат, талофот миқёси билан ўлчанади (*масалан, Гитлер, Сталин, Гдлян, Иванов, бугунги кунда халқаро терроризм ҳомийларининг жирканч қилмишлари*).

«Нима учун кишилар ёвузликка қўл урадилар, ёвузлик кучлими ёки эзгулик» деган жумбоқ инсоният яратилгандан ҳозирга қадар мутафаккирлар диққат марказида бўлган азалий муаммолардан биридир. Немис файласуфи А.Шопенгауэр фикрича, «Оламда эзгулик кўпроқми ёки ёвузлик, деган савол хусусидаги баҳс ортиқчадир. Чунки ёвузликнинг мавжудлигининг ўзи ёвузлик ҳеч қачон барҳам топмайди, ҳеч қачон у билан бирга ва ундан кейин ҳам яшовчи эзгулик билан бақамти бўлиб бараварлашмайди, деганидир. Зеро, «минг бор хузурланиш битта азобга арзимайди». Ёвуз, муттаҳам, калтафаҳм, бераҳм, кекчи, пасткаш кимсалар бировлар бахтсизлиги, кулфатидан шодланиб, қилган ёвузликлари билан фахрланадилар, айни пайтда, бошқалар бошига тушган кун ўз бошларига тушишини унутиб, асл қиёфаларини кўрсатадилар.

Яхшилик ва ёмонлик тушунчалари конкрет шахснинг кундалик одоб-хулқига тааллуқли ижобий ва салбий жиҳатларни ифодалайди. Яхшиликнинг ёмонликка айланиши ва ёмонликнинг яхшиликка айланиши табиий. Эзгулик ҳеч қачон ёвузликка айланмаса ҳам, яхшилик эзгуликка, ёмонлик ёвузликка айланиши муқаррар. *Яхшилик кўп бўлса ҳам зарар келтирмайдиган фазилат бўлиб, ҳамма нарсага қарши туриш мумкин, лекин яхшиликка қарши туриб бўлмайди.* Бировга яхшилик қилган инсон аввало ўзига яхшилик қилган бўлади, яхшиликдан яхшилик кутиш эмас, яхшилик учун яхшилик қилиш жоизки, инсон қилган яхшилигидан завқланади, роҳатланади, зеро, бошқаларга шодлик ато этган инсоннинг кўкси тоғдек кўтарилади. Яхшилик қилмаган киши яхшиликнинг қадрига етмайди. Эзгу иш, яхши амални ортга сурмаслик керак. Вақтида қилинган яхшиликнинг ҳикмати кўпдир. Буйруқ, кўрсатма билан, мажбуран қилинган яхшиликнинг қиммати бўлмайди, аксинча, нафрат туғдиради.

Ёмонлик ўз номи билан ёмонликдир. Зеро, Қуръонда ҳам «Ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир» дейилган (Шўро сураси, 40-оят). Инсон яхшилар сафига қўшилса, гўзал хулқ эгаси

бўлишга интилади, ёмонлар суҳбати қобилиятли инсонни ҳам нобуд қилади, қалби ёмонлик уруғлари масканига айланади. Ҳадисда «Яхшиликни чехралари очик, хушрўй одамлардан кутинглар. Яхши одам билан ўтириш гўё мушку анбардек, ёмон одам билан бирга бўлиш темирчининг босқони кабидир» дейилган. Демак, яхшилик мақсад калити бўлиб, яхшилик учун инсонга беш буюк омил берилган: дунёга келиш, соғ-саломат юриш, инсонпарварлик, оила қуриш, эл-юрт дуосини олиш. Яхшилик гўзал фазилатки, унинг чаманида фақат хушбўй гуллар очилади. Яхши ният инсонни муродига етказди. Ёмонлик эса тиканзорга ўхшайди.

Адолат – барча фазилатлар ичида энг олий фазилат бўлиб, инсон хатти-ҳаракатининг мезони, ҳақиқатнинг амалга ошишидир. Арасту адолатни «қонунга мувофиқ хулқ» деб таърифлаган. Адолат жамиятни, кишилар ўртасидаги муносабатларни ахлоқий ва ҳуқуқий талабларга мос тарзда тартибга солиш вазифасини ўтайди ва барча ижтимоий хатти-ҳаракатлар ана шу мезон билан ўлчанади. Инсонни олий кадрият сифатида баҳоламайдиган ва унга мувофиқ тарзда амал қилмайдиган ҳуқуқий меъёр, қонун-қоидалар адолатсиздир.

Адолат инсонга нон каби керакли, инсон кадр-қимматини ушлаб турадиган, ахлоқ-одоб, ақл-идрок қонунлари, омма ҳаётининг ўзидан келиб чиқадиган, умрбоқий тушунчадир. Кучга таянмаган адолат ожизлик, адолатсиз куч эса зўравонлик бўлиб, адолат куч билан уйғунлашса, адолатнинг кучли ва кучнинг адолатли бўлишига эришилади.

Бурч – муайян ахлоқий меъёр ва тамойиллар бажарилишини талаб этадиган вазифа, мажбурият бўлиб, унга нисбатан виждонли муносабатда бўлишни тақозо этади. Бурч эътиқод, масъулият каби тушунчалар билан боғлиқдир. Инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурчга садоқат ёки хиёнат ётади. Бурч кенг қамровли мезоний тушунча сифатида инсонлик бурчи, мусулмонлик бурчи, фуқаролик бурчи, оталик бурчи, оналик бурчи, фарзандлик бурчи, талабалик бурчи, шунингдек, касбий одоб доирасидаги олимлик бурчи, шифокорлик бурчи, ҳарбийлик бурчи, журналистлик бурчи ва ҳ.к.ни қамраб олган. Ўз бурчини садоқат билан сидқидилдан адо этган инсон ўз қувончи билан ўзини мукофотлайди, чунки ҳаётдаги энг зўр хузур-ҳаловат адо этилган бурчдан завқланиш бўлиб, инсонни бахтга эриштирадиган йўлдир.

Виждон – шахсининг ўз бурчини англаши, унинг адо этилишини ихтиёр эркинлиги, эътиқод даражасида назорат қилиш қобилиятидир. Виждон ахлоқий амр, мажбуриятларнинг ахлоқий танлов доирасида бажарилишига бўлган маънавий-руҳий масъулиятидир. Виждон юксак ахлоқий ҳиссиёт уят туйғуси билан боғлиқ ботиний-руҳий ўз-ўзини англаш, ўз-ўзига бўлган муносабатдир. Виждоннинг буюк қудрати шундаки, гуноҳсизни ҳар қандай кўрқувдан фориғ этгани ҳолда, гуноҳкорни муттасил кўрқувга солиб туради, зеро, виждон мингларча гувоҳлардир. Жазо берилмаган жойда виждон азоби бошланади. Ҳақиқий бахтсизлик виждон азобидир. Шу боис виждон азобидан қочиб қутулиб бўлмайди ва у энг олий жазодир. *Ўз хатти-ҳаракатини маънавий ўлчовда*

баҳолаш ва ўз гуноҳини хотирлаб, улар устидан ҳукм чиқариш виждонлилик мезонидир. Виждон иймон тушунчаси билан муштарак бўлиб, иймонли одам дини ва миллатидан қатъий назар, виждонли, ростгўй, ҳалол одамдир. Виждон олий ҳакам, унинг ҳукмидан алдамчилик, безбетлик, номуссизлик, мунофиқлик либосини кийган кимсалар кўрқмайди. Айбини ҳис этиш, қилмишидан уялиш маънавий покизалик ва диёнат сари интилиш белгиси бўлиб, инсонни ҳеч нарса виждончалик безовта қилмайди. Ҳамма нарса вақт ўтиши билан унутилиши, эсдан чиқарилиши мумкин, виждон яраси эса батамом битиб кетмайди, кўп ҳолларда кишилар гуноҳкорлик туйғусини у дунёга олиб кетишни истамай, ўлими олдидан ҳеч ким билмаган мудҳиш ҳақиқатни ошкор этадилар ва гуноҳкорлик ҳисси, виждон азобидан халос бўладилар.

Номус ҳам бурч, ҳам қадр-қиммат тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, ижтимоий ҳодисадир. Инсон учун жон қанчалик азиз бўлса, номус ундан ҳам қимматлироқдир. Номус учун инсон жонидан кечишга тайёр, яъни инсон ўз номуси, оиласи, миллати, юрти номуси учун курашади. Оқиллар ор-номуссиз ҳаётдан ўлимни афзал кўрадилар. *Номус – асл гўзаллик, ақлнинг пойдевори, ташқи виждон (виждон ичдаги номус) бўлиб, одобни номусдан, номусни одобдан ажратиб бўлмайди.*

Номус тушунчаси ор тушунчасидан фарқланади. Ориятлилик – ўз сўзининг устидан чиқадиган, ғурурли инсонга хос хусусият бўлса, беорлик ўз шаъни, ғурури учун заррача қизикмайдиган, қандай қилиб бўлса ҳам иш битириш пайида бўлиб, керак бўлса, номусини ҳам сотадиган, обрўсини сақламай, бўлар-бўлмасга гап кўшиб, айтилмаган жойга ҳам андишасизлик қилиб бораверадиган кимсаларга хосдир.

Номус тушунчаси обрў тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, обрў инсоннинг ўзини ўзи ҳурмат қилиши, атрофдагиларнинг ҳурматини йўқотмаслик учун ўз-ўзини назорат қилиш ҳиссидан келиб чиқади.

Идеал – ўзида гўзал ахлоқий фазилатларни уйғунлаштирган комил инсон ва мукамал (адолатли) жамият ҳақидаги тасаввур, орзу ва унга етишишга бўлган интилишдир. Идеалда мавжуд бўлмаган, хаёлдаги орзу-умид воқеликка қиёсланади, яъни *бор нарса йўқ нарса билан ўлчанади.* Зеро, идеал ҳаётда бўлмаган, лекин инсон ҳаёти, мақсади, интилиши учун намунавийлик ўтмишдан андоза шаклида олинади, пайғамбарлар, азиз-авлиёлар, подшоҳ ва вазирлар ҳаёти турли афсона ва ривоят билан бойитилиб, идеаллаштирилади. Барча ахлоқий сифатлар билан безанган мўъжизакор пайғамбар, одил подшо, саховатпеша, доно вазир, назари билан тупрокни олтинга айлантирадиган валийлар, жўмард инсонлардир. *Хотами Той – идеал саховат эгаси бўлса, Ҳорун ар-Рашид ёки Искандар идеал подшо, Низом ул-мулк доно вазир, Амир Темур – буюк жаҳонгир, Спитамен, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди халқ қаҳрамонларидир. Инсон ҳамини идеалга интилади, ўз ҳаётини унга қиёслайди, унга тақлид қилади. Идеалга интилиб яшаш инсонни комилликка етаклайди. Идеал ижобий ҳодиса бўлиб, инсоният идеалда ўз бахтининг ёрқин ифодасини кўради ва идеалга етишишини ҳаётининг маъноси деб билади.*

*Инсон учун энг қадрли нарса нима, инсон нима учун яшайди, яшайдан мақсад нима, инсон ҳаётининг маъноси нимада деган саволлар ҳамма замонларда изоҳлашга ҳаракат қилинган. Яшаш – кураш, яратиш, яшнатиш, бунёдкорлик, меҳр-муравват, эзгулик, фидойилиқдир. Лекин ўзи учун яшаш, ўзи учун ишлаш ҳаёт эмас. Инсон бошқаларга қанча кўп фойда келтирса, ҳаётининг маъноси шунча гўзаллашади. Фидокор кишилар куёш кабидир. Инсон ҳаётининг энг катта қувончи ўзини бошқаларга яқин ва керакли деб билишдир. Ҳаётнинг маъноси инсоннинг камолотга эришувидир. Ўзидан қоникмаслик оқил инсон ҳаётининг зарурий шартидир. Ҳаётнинг қиммати уни қандай яшай билиш билан ўлчанади. Инсон дунёга икки марта келмайди, лекин бир марта ҳам яшашни, умрни мазмунли ўтказишни билмайдиганлар бисёр. *Эътибор берсак, аксарият кишилар ҳаётининг кўп қисмини бўлмағур ва фойдасиз ишларга, анчагинасини бекорчиликка, дангасаликка, беҳуда ҳаёл суришга, бутун умрни эса ноқерак нарсаларга сарфлаётганларининг гувоҳи бўламиз. Азиз умрини мол-дунё, бойлик учун сарфлаб, йиққанларини тасарруф этишга умри етмаган қанча. Инсон деган номга сазовор бўлиши – инсон ҳаётининг асл мақсадидир. Ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган инсоннинг аҳволи оғирдир. Зеро, умр ўлчовли, ҳар дақиқа ҳисобли, вақт инсоннинг қимматбаҳо бойлиги, улуг мураббийдир. Вақтнинг қадрига етмаган инсон умрининг қадрига ҳам етмайди. Ҳар доим вақтим йўқ дейдиган киши аслида ҳеч нарса қилмайди, чунки ўз вақтидан оқилна фойдаланган инсон вақтни тўғри тақсимлагани учун ҳамма нарсага улгуриши тайин. Дангасалик вақтнинг энг катта душманидир. Беҳуда ўтказилган вақт армонли хулоса ясайди. Вақтида қилинмаган иш беҳуда қилинган иш, яъни бугунги бир соат эртанги икки соатдир, яъни «эртага» «бугун»ни бошлаб алдайди. Демак, ҳаётни ўйинчоқ деб билган инсоннинг ўзи ўйинчоққа айланиши муқаррар.**

Ахлоқшуносликдаги энг баҳсли мавзу бахт бўлиб, ҳар бир инсон бахтга ўзича ёндашади, бировга бахт бўлиб туюлган нарса бошқа учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин ва аксинча, зеро, *«ҳеч ким бахт нималигини аниқ билмайди»*. Бахт – инсоннинг ҳаётдан, турмушдан лаззатланиб, ундан тўла мамнун бўлиб яшашидир. Бахтга интилиш туғма фазилат бўлиб, кишининг бахти бошқаларга келтирган бахтига қараб ўлчанади. Ким учун яшамоклик чинакам бахт бўлса, кимдир бахтни энг аввало соғликда деб билади. Инсон бахтсизликни билмасдан бахт нималигини билмайди. Бахтсизлик кулфат, ғам-ғусса, дард-алам, рўшносизлик, омадсизлик, толесизлик бўлиб, тасодифий ҳодиса эмас, балки заруриятнинг намоён бўлишидир. *Агар инсон бахтсиз экан, аввало унинг ўзи айбдордир.*

Бахт тушунчаси омад билан боғлиқ. Омад ўткинчи ҳодиса бўлиб, ҳамиша ҳам кулиб боқавермайди, чунки одам бир умр омадли бўлолмайди, омад тасодиф натижаси, вазият мувозанати бўлса, бахт қонуний ҳодиса, зарурият, бўлиши лозим бўлган ҳодисадир. Ҳаёт ҳар бир кишига улкан ва бебаҳо тухфа инъом этади, бахтли бўлиш инсоннинг ўз кўлида: орзу, ишонч, фидойилик, жасорат, камолот сари интилиш бахт калитидир.

3-мавзу. Шахс ахлоқий тарбияси

1. Ахлоқий тарбия инсонни шахс сифатида камолотга этказувчи узлуксиз жараён экани
2. Тадбиркор (иқтисодчи, менежер, маркетинг, молиячи, ҳисобчи) шахси ва унинг ахлоқий қиёфаси
3. Замонавий ахлоқий тарбиянинг асосий воситалари ва йўллари
4. Шахс тарбиясида санъат ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни

Фуқароларнинг ахлоқий маданияти жамиятдаги ахлоқий юксаклик даражасини белгилайди. Ахлоқий маданият шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси сифатида шахснинг ижтимоий ахлоқий тажрибаларни эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларда фойдаланиши, ўз-ўзини такомиллаштириб боришини қамраб олади.

Ахлоқий маданият муомала одоби, этикет ва касбий одобни ташкил этади. Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири муомала одоби ҳисобланади. Инсоннинг ахлоқий-маънавий хислатлари энг аввало муомала маданиятида намоён бўлади. Муомала инсон учун эҳтиёж, зарурат, соғлом киши усиз руҳан қийналади, кайфияти тушиб боради. *Бу борада буюк инглиз ёзувчиси Даниэль Дефо қаламига мансуб машҳур «Робинзон Крузонинг саргузаштлари» асарини эслашнинг ўзи кифоя: Жумабойни топиб олган Робинзон қувончининг сабаби ҳам шунда.*

Муомала одоби бошқалар қадр-қиммати, иззатини жойига қўйиш, анъанавий меъёр талабларини бажаришни талаб этади. Сўзлаш ва тинглай билиш, суҳбатлашиш маданияти муомаланинг муҳим жиҳатини ташкил этади. Шу боис муомала одоби ширинсуханлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфёзлик сингари ахлоқий меъёрларда намоён бўлади. Ахлоқий комилликка эришиш муомала одобини эгаллашдан бошланади.

Маълумки, инсоннинг юз ифодаси, қўл ҳаракатларида унинг тилига чикмаган, сўзга айланмаган хиссиёти, талаб-истаклари акс этган. *Масалан, суҳбатдошининг сўзини охиригача эшитмай қўл силтаб кетиши шахснинг маданиятсизлигини англатади. Баъзан бир қараб қўйишнинг ўзи инсон руҳиятига сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатиши мумкин.*

Этикет – кишиларнинг ўзаро муносабатига тегишли умумий тарзда қабул қилинган ва риоя қилиниши талаб этиладиган ахлоқий қоидалар бўлиб, муомала одобининг расмийлашган шаклидир. Этикет инсоннинг ташқи маданияти, ўзаро муносабатда ўзини тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Муомала одобидан инсон ўз муносабатларига ижодий ёндашади, бир ҳолатда бир неча муомала қилиш имкониятига эга бўлади, этикет эса муайян ҳолат учун фақат қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақозо этади.

Этикет кенг қамровли тушунчадир. Этикет инсонни муайян тартиб, қоидага, қандай ички руҳий шароитда бўлмасин, босиқлик, мулойимлик ва сабр-тоқатга ўргатади. Этикет халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ҳам ўз ичига олади. *Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва ҳоказо. Этикетга риоя қилишнинг*

мумтоз намунасини 1-Президентимиз И.Каримовга хорижий мамлакатлар элчилари ишонч ёрликларини топшириши маросимида кўриши мумкин. Унда фақат бир хил ҳолат – халқаро миқёсда ўрнатилган қоида ҳукмрон. Уни 1-Президент ҳам, элчилар ҳам бузишига ҳаққи йўқ.

Ёки овқатланиш пайтида пичоқни ўнг қўлда ушлаш замонавий меҳмондорчилик этикетининг қатъий қоидаларидан бири саналади, уни бузиши атрофдагиларда ҳайрат ва истеҳзо уйғотади.

Этикетни одат тусига айлантирилган, такаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишини кўзини қувонтирадиган муомала одоби дейиш мумкин. Шу билан бирга этикет ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам намоён бўлади: *этикет қоидаларини бажараётган киши аслида ўз хоҳиш-ихтиёрига қарши иш кўраётган бўлиши ҳам мумкин.*

Бугунги глобаллашув, дунё халқлари маданий алоқаларининг кенгайиб боришида ёшларни миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ёшларда миллий этикет кўникмаларини шакллантириш бугунги тарбия тизимининг муҳим вазифаси бўлиб, оила буни амалга оширувчи асосий субъект саналади. Одоб кўникмалари ёшлиқдан ота-онанинг намунавий хатти-ҳаракати таъсирида шаклланади. «Қуш уясида кўрганини қилади» деган ҳикматда ана шу оддий ҳақиқат мужассамдир.

Ахлоқий маданият касбий одобда ҳам намоён бўлади. Касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг кичик шаклларида бирийдир. Инсон ўз касби доирасида бошқалар билан муносабатга киришади. Касбий одоб шу қадар аҳамиятлики, жамият аъзоларининг ҳаёт-мамоти, саломатлиги, маънавий соғломлиги, ҳуқуқий ҳимояси, илмий салоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурчи масъулиятини қай даражада ҳис этишлари, ҳалоллик ва виждон юзасидан иш кўришларига боғлиқ. *Шифокор ҳар кун бир неча кишини ҳаётга қайтаради, юзлаб одамлар унинг ёрдамига муҳтож, унга умид ва ишонч илинжи билан қарайдилар. Бордию, жарроҳ ўз шахсий манфаати йўлида беморига хиёнат қилса, яъни уни қасддан ҳалок этса? Ким уни шундай қилмаслигига кафолат беради? Ёки журналист ўз манфаати йўлида касбий имтиёздан фойдаланиб, беғуноҳ кишиларни маънавий азобга қўйиши, бунинг эвазига моддий манфаатдор бўлиши мумкин ва ҳаказо. Шу боис бошқалар қўлидан келмайдиган ишларни бажара оладиган касб эгалари фаолиятида манфаатпарастлик, ўзбошимчалик, худбинлик, ўз касбини суистеъмол қилиш каби иллатга йўл қўймаслик, касбий ахлоқ даражасини юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида ахлоқий қоидалар мажмуи яратилган. Бу қоидалар мажмуи, қасамёд ёки меъёрлар бўлиб, уларни бузиши ўта одобсизлик ва ахлоқсизлик, жамиятга хиёнат тарзида баҳоланади.*

Муҳтарам 1-Президентимизнинг «Адолат – қонун устуворлигида» маърузасида: *“Ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим нопок ходимлари учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи*

навбатдаги вазифа бўлмай, балки қўрқитиш, ўз ваколати ва ҳукмдорлигини кўрсатиб қўйишига интилиш, ўзини гўё жинойатчиликка қарши курашаётгандек қилиб кўрсатиш каби нохуш одат ҳамон яшаб келмоқда. Шундайлар ҳам борки, улар қонунчилигимиздаги айрим номукамалликлар, одамларнинг хато ва бахтсизликлари ҳисобига ўзларининг гаразли, таъмагирлик мақсадларига эришишига уринади” айтилган сўзлар айна ҳақиқатдир.

Ҳар бир касбнинг ўз ахлоқий меъёрлари мавжуд. Зеро, масъул шахс ўз вазифасини ижро этаётганда, шахсий ва ижтимоий муносабатларда юксак ахлоқий меъёрлар асосида ўз шахсий мажбуриятларини бажариши лозим. Тадбиркор (иқтисодчи, менежер, маркетинг, молиячи, ҳисобчи, ғазначи) шахсига қўйилган ахлоқий талаблар қуйидагича:

– инсонга энг олий кадрият деб қараш, халқаро ва давлат ҳуқуқий меъёрлари ва умуминсоний ахлоқ принципларига мос равишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш;

– ўз касбининг ва юқори профессионализмнинг ижтимоий аҳамиятини, мутахассис сифатида ўзининг жамият ва давлат олдидаги масъулиятини тушуниш, чунки улар фаолиятдан ижтимоий хавфсизлик, кишилар ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқий муҳофазаланганлиги белгилайди;

– ижтимоий адолат, фуқаролик бурчи, касбий ва ахлоқий бурч принципларига қатъий амал қилган ҳолда қонунда белгиланган ҳуқуқлардан оқилона ва инсонпарварлик йўлида фойдаланиш;

– қарор қабул қилишда принципалик, ходимлар билан билан муносабатда холислик, ҳурмат, талабчанлик, ўз навбатида меҳрибонлик;

– хизматда ва турмушда шахсий хулқ-атворнинг тозаллиги, ҳалоллик, касбий шаъни, обрўси ҳақида қайғуриш;

– онгли интизом, ташаббускорлик, профессионал бирдамлик, ўзаро ёрдам, мураккаб вазиятларда хатти-ҳаракатларга ахлоқий-руҳий тайёргарлик, қийин вазиятлар (касаллик, инқироз, алдов, ўлим)да тўғри хулоса чиқариш;

– касб этикаси соҳасида билими ва касбий малакасини такомиллаштириш ва ҳаказо.

Ахлоқий тарбия бир қатор воситалар (оила, маҳалла, боғча, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари, меҳнат, санъат, оммавий ахборот воситалари) орқали амалга оширилади.

Шахс ахлоқий тарбияси аввало оилада, она қорнидан бошланади. Ота-она ўзининг ахлоқий фазилатлари билан фарзандига намуна бўлиши керак. Шунинг учун улар зиммасига катта масъулият юкланган.

Оила илк ахлоқий тарбия ўчоғи, маскани сифатида катта аҳамият касб этади. Комил фарзандлар тарбияси оиланинг мустаҳкам ва жамиятнинг кичик ҳужайраси сифатидаги мавқеини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Шунга кўра, фарзанд тарбияси жамият келажагини белгилайди. Оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, улар олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар бир инсонга хос

одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатлар негизи, оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

Оила жамиятнинг асоси, маънавий-ижтимоий муҳит бўлиб, жамият бошланғич ахлоқий асоси вазифасини ўтайди. Ота-она фарзандларига юксак ва олийжаноб ахлоқий фазилатлари орқали намуна бўла олишлари билан тарбияни амалга оширадilar. Ота-она фарзандлар тарбияси учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий жиҳатдан бирдек жавобгарлар.

Оила мустақкам, тинч, фаровон, соғлом, бахтли бўлса, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Мамлакатимизда оилани мустақкамлашга алоҳида эътибор берилаётгани ҳам бежиз эмас, чунки «инсоннинг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари оилада шаклланади. Фарзанднинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши муқаррар».

Шундай қилиб, ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони – оилани мустақкамлаш бугуннинг долзарб вазифаси бўлиш билан бирга, инсонийлик бурчимиз ҳамдир.

Меҳнат шахсни ахлоқий тарбияловчи муҳим восита сифатида ҳалоллик ва покликка ўргатади. Меҳнатга ўрганмаган шахс дангаса, лоқайд, беъмани, адолатсиз, мол-дунёга берилувчан, тайёрга айёр, хасис, пасткаш, такаббур каби иллатлар эгасига айланади.

Меҳнат инсонни улуглайди. Ижодий меҳнат инсонни чин маънодаги инсон қилиб тарбиялайди, комилликка элтади, сабр-тоқатли, бардошли қилади. Оила ва мактабда болаларни меҳнатга ўргатиши – меҳнат тарбиясини амалга ошириш муҳим долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳар қандай тарбиянинг амалий кўриниши, унинг мақсад, вазифаларининг қай даражада реаллашиши шахс ахлоқий тарбияси даражаси билан белгиланади. Шунга кўра, ахлоқ маънавият негизи ҳисобланади. Инсоннинг нечоғли маънавиятли эканлиги унинг маданияти даражаси билан белгиланади. Шахс ахлоқий тарбияси инсон моҳияти билан боғлиқ азалий фалсафий муамолардан биридир. Ахлоқий тарбия Конфуций, Афлотун, Арасту, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Аҳмад Юкнакий, Абдулла Авлоний каби мутафаккирлар диққат эътиборида бўлган. Арасту фикрича, «тарбия фақат азалдан инсонга берилган фазилатларни шакллантиради, юзага чиқаради, холос. Борди-ю тарбия нотўғри берилса, у ҳолда инсондаги азалий фазилатлар ўзгариши ёки ўчиши мумкин».

Санъат ахлоқий тарбия воситалари тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки санъатда ахлоқий мезоний тушунчалар, тамойиллар мазмун-моҳияти бадий образларда мужассамлашади. Шунга кўра шахсда санъат асарларини эстетик идрок этиш, ундан маънавий-руҳий озуқа олиш қобилиятини шакллантириш ахлоқий тарбиянинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ва худди мана шу вазифани амалга оширишда

ахлоқий ва бадий-эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари ўзаро муштараклашади.

Бадий адабиётда ахлоқий эстетик идеаллар конкрет қаҳрамонлар образида акс этади ва китобхон яшашнинг маъноси, мақсади ҳақида мушоҳада қилади. Эртакдан романгача барчаси шахс ахлоқий тарбиясида кучли таъсир воситаси бўлиб хизмат қилади. Китоб ўқиш жараёнида ўқувчи эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик нималигини идрок этади, китоб қаҳрамонлари унинг идеалига айланади. Шахс ахлоқий тарбиясида «Калила ва Димна», «Қобуснома», «Гулистон», «Зарбулмасал», «Маҳбуб ул-қулуб» каби мумтоз асарлар, қисса ва ривоятлар, пандномаларнинг алоҳида ўрни бўлиб, улар инсонни камолотга етаклайди.

Шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг шахс ахлоқий тарбиясидаги ўрни катта. Ҳозирги кунда интернет клублар, телевизор, радио, телефон, газета ва журналлар ёшлар тарбиясига бевосита дахлдор бўлиб, кимга нимани қай йўсинда намоёниш этиш ёки эшиттириши янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бачкана радиоэшиттиришлар, мантиқсиз телекўрсатувлар, беҳаё интернет маълумотлари, зерикарли театр томошалари, боши-учи йўқ телесериаллар, жимжимадор безакли мазмунсиз журналлар, олди-қочди билан тўла газеталар ёшлар тарбиясига кучли таъсир этади, дея олмаймиз.

Айниқса, фарзандларимиз томоша қилаётган кўрсатувлар улар ёшига мосми ёки мос эмасми, жиддий ўйлаш вақти келди. Тасаввур қилинг, мусулмон одоб-ахлоқидан беҳабар қизчамиз Биби Марьямга қараб чўқинаётган сериал қаҳрамонига тақлид қилиб чўқинаётган бўлса, оқибат нима бўлади. Ёки соф муҳаббатни тараннум этаётган корейс телесериалидан илҳомланган бўйига етган фарзандимиз сериал қаҳрамонидан ибрат олса ва мақсадига шу йўсинда етиш учун ҳаракат қилса, нима деган гап? Қани лафзи ҳалол, мард, қаҳрамон ўзбек йигитлари, ибо ва ҳаёни ўзига зийнат деб билган гўзал қизлари?

Ҳали ўзини тўла-тўқис англамаган, йиртиқ-ямоқ кийиб, жазавага тушаётган ашулачи нимани куйлаётганига ақли етармикин? Вафо ҳақида куйлаб, ноўрин қилиқ қилса, вафонинг хурмат-эътибори қаерда қолади? Ёки хиёнат қурбони бўлиб куйлаётган хонандамиз сунъий жилмайиб турса?

Телевидение фақат дорилар ва ичимликларни реклама қилишини инобатга олсак, юртимизда ёки ҳамма касал, ёки ҳамма чанқоқ, бошқасининг бўлиши мумкин эмас деган хулосага келиш мумкин.

Ахлоқ ҳамма ерда, ҳаттоки ҳожатхонада ҳам керак, шу жумладан, санъат қошонасида ҳам. Афсуски, ўзини маданиятли деб ҳисоблаган маънавиятсиз санъат арбоблари «сахнада ҳамма нарса қилиш мумкин» деган тамойилга асосланиб, кўнгилни беҳузур қиладиган, бешарм, беҳаё ва беибо сўзларни дангал гапирмоқдалар. Санъатнинг буюк тарбиявий кучини эътиборга олсак, сахна тарбия ўчоғи эмас, тарбиясизлик масканига айланмоқда. Эътиборли санъат арбобидан «кино, театр, мультфильм, сериаллар фақат комедия ва масхара шаклида бўлиши

керакми» деб сўралганда, «ҳозир одамларга шу маъкул келяпти, ҳеч ким ўйлашни, тафаккур қилишни хоҳламайди» деб жавоб берган эди. Демак, иллатларнинг сабаби ўзимизда, тафаккур даражамизда, бемулоҳаза хатти-ҳаракатимизда экан. Агар томошабин савияси паст бўлса, санъаткор айбдор эмас, аксинча, унинг илдизи томошабиннинг маънавийтсизлиги ва фаҳм-фаросатсизлигига бориб тақалади. Халқимизда «саломига яраша алик» деган пурмаъно мақол бор. Агар кулоқлар енгил-елпи, тумтарок оҳангларга ўрганиб қолса, унинг диди, мусиқа маданияти ўрнига сохта тушунчалар билан чекланиш ҳеч гап эмас. *Мукаммал мусиқий билимга эга бўлмаган киши «Шошмақом»ни қандай ҳазм қилиши мумкин?*

«Оммавий маданият»нинг зарарли таъсири ҳақида тўхталмаслик мумкин эмас. Лекин ўзбекларга ёт ва бегона бўлган маданиятни танқид қилиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Фикримизча, бунинг учун ёшларнинг қизиқишини ҳисобга олган ҳолда, соф инсоний ғоялар илгари сурилган асарлар яратиш, бошқача айтганда, *«жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз керак»*.

Ахлоқий тарбиянинг воситалари ва йўллари обдон таҳлил этилмас экан, эврилиш, талотўп ва бемазагарчиликлар давом этаверади. Мухтарам 1-Президентимизнинг «фарзандларимиз биздан кўра кучли, қудратли ва албатта бахтли бўлишлари керак» деган пурмаъно сўзларидан англашиладики, санъат, маданият ҳамда матбуот том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиши ва ўзининг ижтимоий вазифасини тўла-тўқис адо этиши лозим.

Ахлоқий тарбия шахс маънавий-руҳий камолотининг асосий йўналиши ҳисобланади. Ахлоқий тарбия мураккаб узлуксиз жараён бўлиб, *«тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир»*. Ахлоқий тарбиянинг асосий мақсади маънавий-ахлоқий баркамол шахсни шакллантириш бўлиб, бу жараён ахлоқий тамойил ва меъёрларни ҳар бир кишининг фаолияти, хатти-ҳаракатининг мазмуни, турмуш тарзига айлантириш вазифаси орқали амалга оширилади. Шу маънода ахлоқий тарбия шахс ахлоқий маданиятини шакллантиришга қаратилган узлуксиз, тизимли жараёндир.

Ахлоқий тарбия қуйидаги тамойиллар орқали амалга оширилади:

- а) намунавийлик;
- б) ўз-ўзини тарбиялаш;
- в) узлуксизлик.

Намунавийлик – тарбияланувчига ахлоқий меъёрларнинг конкрет шахс фаолиятида қай даражада реаллашганлигини ибрат қилиб кўрсатишдир. Зеро, тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак. Намунавийлик тамойили оила ва мактабда одоб, хулқ кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки фарзандлар табиатан тақлидчи бўладилар ва бундай кўникмаларни биринчи галда ўз ота-оналари, устозларидан оладилар. Шунинг учун ҳар бир ота-она, педагог

ёшларни фақат ўғит, насихат бериш билан эмас, балки намунавий хатти-ҳаракат, ўрнатилган кўрсатиш орқали тарбиялашни тақозо этади.

Ўз-ўзини тарбиялаш ахлоқий тарбия жараёни фаолият сифатида амал қилишнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Ўз-ўзини тарбиялаш шахснинг ўз-ўзини англаши, жамият эҳтиёжи, мақсади мезонидан туриб ўз-ўзига баҳо бериши, инсонни ўз-ўзини назорат қилиши асосида кечадиган фаолият бўлиб, ўзини шахс сифатида шакллантиришга имкон яратади. Шахсда бундай қобилият мақсадга қаратилган тарбия жараёнида шаклланади. Ўз-ўзини тарбиялаш ижобий сифатларни такомиллаштириш ва салбий нуқсонларни тузатишга қаратилган онгли ва мунтазам фаолиятдир. Лекин шахсда ўзининг салбий хислатларини идрок этиш, англаш, тушуниш, иллатларни йўқ қилишга интилиш, яхши фазилатларни ривожлантириш учун ҳаракат қилиш фаолияти ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бунинг учун тарбиячи ёшларни талабчанлик ва қунт билан ўз устиларида ишлашга даъват этиши, уларнинг кимга ўхшаши ва кимдан ибрат олишига кўмаклашиш зарур. Аммо бу иш буйруқ ёки кўрсатма шаклида эмас, фикр-хоҳиш билдириш ёки маслаҳат тарзида амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Танқид ўз-ўзини тарбиялаш йўлидир. Бошқалардаги камчиликларни танқид қилиш кифоя қилмайди. Ўзига нисбатан талабчан бўлмаслик, ўз нуқсонларини тан олмаслик худбинлик ва ахлоқий тубанликка олиб боради. Ўз-ўзини тарбиялаш йўлида ижобий натижага эришиш учун ёшларда ўз хулқ-атворини тўғри баҳолаш қобилиятини ривожлантириш, ўзи учун маъқул ахлоқий идеал танлаш истагини вужудга келтириш лозим. Бу оқилона тарбия жараёни ва мураббийларнинг шахсий таъсири орқали вужудга келади. Инсонда ўз-ўзини тарбиялаш хусусиятлари кичик ёшда бошланиб, ёши улғайган сари такомиллашиб боради. Хусусан, ўсмирлик даврида тақлидчанлик анча ривож топади. Ижобий шахслардан ибрат олган ўсмир ўзидаги манманлик, икки юзламачилик, бағритошлик, ичкиликбозлик, ҳаттоки ўғрилиқ каби ёмон сифатларни йўқотишга уринади. Салбий шахсларга кўшилиб, уларнинг ноҳўя йўлларида борган ўсмир ўзидаги салбий хатти-ҳаракатни ижобий фарз қилиб, ҳар қандай пасткашликни мардлик деб, ёлғон ва фирибгарликни фазилат деб ўйлайди, кўзга кўринмайдиган камчилик охир-оқибат жиноят салтанати сари етаклашини англамайди.

Ўз-ўзини тарбиялаш жараёни мураккаб бўлиб, *ёшлар ҳаётини тажриба ва ҳуқуқий билимдонлик этишмаслиги, шахсиятдаги ўжарлик, ҳеч кимнинг маслаҳатига зор эмаслик, «ақлсиз донолик» туфайли қийин ҳолатларга тушиб қоладилар.* Бундай ҳолда ота-она, педагог, устозлар беминнат ёрдам бериши лозим.

Узлуксизлик ахлоқий тарбиянинг муҳим тамойили бўлиб, оила-ижтимоий муҳит-шахс муштарақлиги ижобий натижалар беради. Оилада яхши тарбия кўрган, жамиятда ўз ўрни, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган, шахс сифатида ўзида барча эзгу ахлоқий фазилатларни мужассам этган инсон чинакам бахтиёр инсондир.

4-мавзу. Эстетик тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари

1. Эстетика – нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи қадимий фан
2. Эстетик тафаккурнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиёт босқичларини ўрганиш – эстетика тарихининг асосий мақсади
3. Қадимги юнон файласуфлари Сукрот ва Афлотуннинг эстетик қарашлари. Арастунинг эстетик таълимоти
4. Ўрта асрлар мусулмон Шарқи эстетикаси
5. Амир Темур ва темурийлар даври – Ўрта асрлар мусулмон Шарқи санъати тараққиётининг олтин даври сифатида
6. Европа маърифатпарварлари эстетикаси. XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги олмон мумтоз эстетикаси
7. Энг янги давр эстетикаси

Нафосат, гўзалликнинг инсон ҳаётида тутган ўрни беқиёсдир. Эстетика фани талабаларда гўзалликдан баҳра ола билиш ва санъатни чуқур тушуниш кўникмасини шакллантиради. Донишмандлар *оламни гўзаллик қутқаради* дейдилар. Зеро, гўзаллик инсонни маънавий қашшоқликдан маърифатга, тафаккур оқсоқлигидан фикр эркинлиги, олий ҳақиқатга, энг асосийси, Аллоҳ яратган ҳар бир мавжудотнинг гўзаллигидан ҳайратланишга ва Аллоҳга инсон қилиб яратгани учун чексиз шукроналар айтиб яшашга, ҳаёт гўзаллигини чин дилдан ҳис этишга даъват этади. ... *Қушларнинг сайраши, баргларнинг шитирлаши, анҳорларнинг шарқираб оқиши, гулларнинг оҳиста тебраниши, камалакнинг турли рангларда товланиши, қуёшнинг заррин нурлари, ойнинг шуъласи, юлдузларнинг сирли жимирлаши – буларнинг барчаси нақадар нафосатли, гўзал ва жозибали, кишини ҳаяжонга солади, энтиктиради ва ҳаётга, яшашга, гўзалликдан баҳра олишга чорлайди. Зеро, гўзаллик – руҳ озукасидир.*

Инсон маънавий оламини ақл, ихтиёр, ҳиссиёт ташкил этиб, ақлни мантиқ, ихтиёрни ахлоқшунослик, ҳиссиётни эстетика фани ўрганади. Эстетика ҳиссий идрок этиш назарияси бўлиб, уни «гўзаллик фалсафаси» ёки «санъат фалсафаси» деб аталади. «*Эстетика*» атамаси буюк олмон файласуфи Александр Баумгартен (1714—1762) томонидан илмий муомалага киритилган бўлса ҳам, унинг тамал тошлари қадимги Миср, Юнон ва Рим мутафаккирлари томонидан қўйилган.

Эстетиканинг асосий тадқиқот объекти гўзаллик бўлиб, бугунги кунда инсон ўзини ўраб турган барча нарса-ҳодисаларнинг гўзал бўлишини, ҳар қадамда нафосатни ҳис этишни истади. *Масалан, инсоннинг кийими, тақиб юрган соати, машинаси, кўчаси, уйи, офиси, ишлаётган корхонаси, дастгоҳи, қаламдони, ёзаётган ручкаси, дам олиши масканлари – ҳамма ҳаммасидан нафис руҳ уфуриб туриши лозим.*

Санъат ҳам эстетиканинг объекти сифатида ўзига хос олам бўлиб, ҳаётни акс эттирар экан, инсоннинг ўзини ўзига кўрсатувчи улкан кўзгу вазифасини ўтайди, инсонни гўзалликни севишга ўргатади, гўзалликни ардоқлашга даъват этади, инсон ахлоқини гўзаллаштиради.

Инсоннинг хатти-ҳаракати ва ўй-нияти кўпинча ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга алоқадор бўлиб, қадимги файласуфлар ахлоқийликни *ички гўзаллик*, нафосатни эса *ташқи гўзаллик* тарзида талқин этганлар. Арасту фикрича, *эзгулик фақат ҳаракатда, гўзаллик ҳаракатсиз ҳам намоён бўлаверади, яъни ахлоқийлик фақат инсоннинг хатти-ҳаракати орқали юзага келади, лекин у ҳаракатсиз экан, унинг яхшилигини ҳам, ёмонлигини ҳам билиб бўлмайди. Муаяйн хатти-ҳаракат содир қилинганидан кейингина уни баҳолаш мумкин.*

Гўзаллик ўзини ҳаракатсиз ҳам намоён этаверади. Тарихий обидалар ҳеч қачон ҳаракат қилмайди, лекин гўзаллик сифатида мавжуд, ҳаракатсизлигидан унинг гўзаллигига путур етмайди. Дейлик, Самарқандга «саёҳат»га бордингиз. Агар эстетикадан беҳабар бўлсангиз, Шоҳи Зинда ёки Гўри Амир мақбарасининг гумбазига, Регистон майдонидаги мадрасалар ёнида қад кўтарган минораларга, пештоқларидаги кўҳна арабий ёзувларга қизиқиб қарайсиз, мамнуният ҳосил қиласиз. Нафосат илмидан хабардор бўлсангиз, мадраса ва минораларнинг нафақат чиройи, балки гумбаз Аллоҳ гўзаллигининг рамзи, миноралар – Яратувчи қудратининг тимсоли, Аллоҳнинг ягоналиги, бирлиги, гурур ва фахр рамзи, нақшлар – инсон қалбига Аллоҳ гўзаллигини сингдирувчи ва исломнинг мазмун-моҳияти, хотиржамлик, руҳий осойишталик, чексизликнинг ёрқин ифодаси, нақшидаги гулсафсар – осойишталик, умрбоқийлик, тўлқинсимон гул пояси – бойлик ва фаровонлик, навда ва япроқлар – навқиронлик, яшариш, оқ ранг – бахт, омад, тинчлик, яшил ранг – иймон, эътиқод, қизил ранг – шодлик, ёшлик рамзи, мадраса пештоқларидаги гўзал ёзув-оятлар Аллоҳ сифатларининг тимсоли эканини эслайсиз ва таассуротингиз кучаяди, мушоҳадага бериласиз ва бир зум мозий билан ҳамнафас бўласиз. Зеро, инсон гўзалликни шакл ва мазмун уйғунлигида эстетик идрок этиши лозим. Шунга кўра, гўзаллик ва нафосат ҳар қандай касб эгаси учун, у фермерми, инженерми, ўқитувчими, хизматчими, темир йўл ишчисими, лаборантми, раҳбарми, тижоратчи-тадбиркорми – барча учун аҳамиятлидир.

Эстетика тарихи. Давлатчилик тизими пайдо бўлиши инсоннинг бадий-эстетик тараққиётида янги даврни бошлаб берган. Унинг ибтидосини Месопотамия-Кўш дарё (Дажла ва Фрот дарёлари) минтақасида, хусусан, Сомир давлатида кўриш мумкин. Сомир инсоният тарихидаги ҳозиргача бизга маълум бўлган илк қудратли давлат бўлган. Мил. ав. IV асрда бу давлатнинг қудрати унинг маданияти, фуқароларнинг бадий эстетик онги ҳамда бадий-эстетик фаолиятида яққол намоён бўлган. Сомирликлар биринчи бўлиб ёзувни кашф этганлар ва гил тахтачаларга қамиш қаламлар билан илк қисса ва ривоятлар, панд-насиҳатларни ёзиб қолдирганлар.

Қадимги Сомир тасвирий санъати асосан муҳрлар, идиш-товоқлардаги расмлар ва рельефлардаги тасвирлардан иборат. Сомирда тош ўймакорлигининг бадий-эстетик тамойиллари ишлаб чиқилган ва мустаҳкамланган, тошга сайқал бериш техникаси мукаммаллашган.

Сомир мухрларида қанотли аждаҳо устида турган эркак ва аёл, етти бошли аждаҳони ўлдираётган паҳлавон, хаёлий мавжудотлар – куш-одам ва одам-арслон устидан олиб борилаётган суд ва бошқа тасвирлар акс этган. Сомир адабиётининг асосий қисмини оҳангга, шеърий усулларга бой, баҳсга ўхшаш, диалог тарзида яратилган дostonлар ташкил этади. Уларда гўзаллик тушунчаси фойдалилик билан боғлиқ ҳолда тасаввур этилган: *нимаки фойдали бўлса, ўша гўзалдир* деб тан олинган.

Эстетик тафаккурнинг келиб чиқиши асотирларга (миф) бориб тақалади. Асотирлардаги бадий онг ўзи ҳақида, ўзининг мавжуд борлиқ гўзаллиги билан боғлиқлиги ҳақида фикр юритишга интилади, яъни асотир қадимги тарихда биринчи бор оламни бадий борлиқ сифатида тақдим этади. Сомир санъати ва адабиёти инсоният тарихидаги дастлабки эстетик ғоя ва қарашлардан хабардор этади, баъзи адабий жанрларнинг келиб чиқиши билан танишиш имконини беради.

Мисрдаги энг қадимги бадий ижод ёдгорликлари – қўлда ишланган, шакллари ва юзаси нотекис сопол идишлар V-IV минг йилликларга бориб тақалади. Уларнинг баъзилари оддий ҳандасавий нақш билан безатилган бўлса, баъзилари мураккаб сурат ва чизмалар билан безалган. *Қадимги Миср санъати манфаатли гўзаллик асосида вужудга келган, маъбудлар учун қурилган ибодатхоналар, маъбудлар ва ўлимидан кейин маъбудга айланган фиръавн ҳайкаллари улардан шафқат, мўл ҳосил, ризқ-рўз сўраш мақсадида бунёд этилган бўлса, халқ амалий санъати буюмлари ҳаётни гўзаллаштириш учун хизмат қилган.*

Қадимги Мисрда меъморлик юксак тараққиётга (*Миср эҳромлари*) эришган. *Масалан, Хуфу эҳроми ўзининг маҳобати билан ажралиб турган. Унинг баландлиги 146,6 метр, тўрттала томони энининг узунлиги (асоси) 233 метр. Эҳром деярли яхлит тош иншоот сифатида шундай аниқ ҳисоб-китоблар билан қурилганки, бу қадимги Мисрда математика фанининг юксак даражадаги ривожидан далолат беради.*

Қадимги Миср ҳайкалтарошлик санъати ҳам бадий ижоднинг дурдонаси ҳисобланади. Бунинг ёрқин мисоли Сфинкс ҳайкалидир.

Қадимги Миср сўз санъати бадий пухта ва қизиқарли сюжетга эга бўлган «*Синухе қиссаси*», «*Ширинсухан деҳқон ҳақида эртак*», «*Кема ҳалокатига учраган киши ҳақида эртак*», «*Нефертитининг каромати*», «*Ака-ука ҳақида эртак*» каби қисса ва эртакларда акс этган.

Шарқ халқлари эстетик тафаккур тараққиёти тарихида қадимги Эронзамин ва Туронзамин халқлари маданияти катта ўрин тутди. Айритом, Далварзинтепа, Фаёзтепа, Шаҳринав, Балх ҳудудида топилган санъат намуналари бўлган ҳайкаллар, меъморий обида қолдиқлари, шунингдек, Персополдаги Доро саройи, Чоштепа, Оқтепа, Варахша, Афросиёб ёдгорликлари, деворий суратлар – буларнинг барчаси Эрон ва Туронда санъатнинг қай даражада ривожланганини кўрсатади.

Академик Л.И.Ремпел қадимги Турон халқлари санъати ҳақида: «*Ўрта Осиёнинг ахмонийларгача бўлган ва ахмонийлар ҳукмронлик қилган даврдаги қадимий маданият ва санъат ўчоги сифатидаги ўрни ва*

аҳамияти аниқ. Бироқ Қадимги Ўрта Осиё маҳаллий маданиятининг энг юксалган пайти қадимги даврга тўғри келади. Эллинизм Ўрта Осиё санъатида янги даврни бошлаб берди... у санъаткорни пластик чизгилар ва шакллар мусаффолиги дунёсига етаклади. Эллинизм ана шу дунёга табиатдан олинган уйғунликни ато қилди, санъаткорга инсон танаси чиройини ифодалаш учун восита бахш этди, уни гўзалликни билиш мезонига айлантирди» деб эътироф этган.

Қадимги ҳинд нафосатшунослиги илк бора «Веда» (муқаддас билим), «Ригведа» (алқовлар ведаси)ларда акс этган. «Ригведа»да 1028 шарқий-алқовлар мавжуд. Ҳозирга қадар шарқийларни ҳинд диёрида мусиқа жўрлигида ижро этиш одат сақланиб қолган. «Ригведа»да нур нафосати алоҳида ўрин тутлади. Шарқий-алқовлар муқаддас олов маъбуди Агнига бағишланган. Қадимий ёдгорликнинг биринчи алқови-шарқийсида Агни «шоирона закий, ҳақиқий чарақлаган шараф соҳиби», «гўзал қиёфали», «чарақлаган» деб таърифланади ва гўзаллик ҳақидаги тасаввурлар нур билан боғлиқ тарзда намоён бўлади.

Қадимги ҳинд фалсафий-эстетик тафаккурида упанишада («устоз атрофида давра олиш», «яширин билим»)ларнинг аҳамияти бекиёс. Упанишадлар аслида «Брахман ҳақидаги таълимот» деган маънони англатади. Брахман сўзининг ўзи кўп маъноли бўлиб, упанишадлар Брахманни универсум, мавжудликнинг ягона ибтидоси, ўз-ўзига асосланган, оламдаги бор нарсага ва оламнинг ўзига таянч бўлувчи илоҳий улуглик тарзида тушунтиради. Донишманд учун Брахман «интилиш объекти», маънавий идеал, ҳар қандай гўзалликдан гўзалроқ гўзалликдир. Олий ва пок Брахманга етишиш буюк қувонч, бахт-саодат, ҳушнудлик бағишлайди, инсонни порлаб турган ҳақиқатни кўришига ундайди. Брахманни билиш инсондаги «нур»ни бевосита мушоҳада этишидир. Бу энг гўзал, энг сирли ва энг илоҳий мушоҳададир. Упанишадларда ҳақиқат нур – эзгулик ва олий гўзаллик рамзи тарзида талқин этилади.

Қадимги Хитойда нафосатга доир дастлабки тасаввурлар, ғоя ва тушунчалар «Шу цзин» («Тарихлар китоби» мил. ав. XII аср), «Ши цзин» («Кўшиқлар китоби» мил. ав. XI-ҮI аср), «И цзи» («Ўзгаришлар китоби» мил. ав. VIII-ҮII аср) каби асотир-миф ва шеърий эпосларда учрайди. 305 шеърий асарни ўз ичига олган халқ оғзаки ижоди маҳсули «Ши цзин» («Кўшиқлар китоби») қадимги хитой халқлари тарихий, этнографик ва бошқа ёдгорликларини ёрқин акс эттирган. Унда санъат турларининг муштараклигини – сўз санъати, мусиқа санъати, рақс санъати руҳи, унсурларида кўриш мумкин. «Шеърият – сўзга айланган интилиш», қўшиқ уни товуш орқали ифодалайди, рақс образни ҳаракат орқали етказди. Ҳар уччала тур юракда илдиз отади, кейин уларга мусиқий асбоблар эргашади». Булар сўз санъати куй ва рақс талабларига бўйсундирилганини англатади.

Қадимги Хитой нафосатшунослигида даочилик ва конфуцийчилик йўналиши алоҳида ажралиб туради. Даочилик йўналишининг муҳим белгиси фазо (космос) ва табиатнинг азалий ва абадий гўзаллиги жамият

ва инсон гўзаллиги даражаси эса ана шу борлиқ гўзаллигига қанчалик ўхшаш ва яқин эканлиги билан белгиланади. Конфуцийчилик хулқий гўзаллик муаммосини ўртага ташлайди, ахлоқий-эстетик идеал унинг энг муҳим белгиси саналади.

Лао Цзи (мил. ав. VI-V аср) *«уйғунлик»ни «тинчлик», «келишув», «юмшоқлик», «келиштириш» маъносида, «меъёр»ни етарлилик маъносида қўллайди.* Чжуан Цзу (мил. ав. IV-III аср) уйғунликнинг таъсир доирасини кенгайтиради, *уйғунлик нафақат ибтидонни вужудга келтирувчи ҳодиса, балки бутун космоснинг асоси, оламнинг бир бутун яхлитлигини ташкил этган унсур ва қисмларнинг уйғунлашуви тарзида тушунтиради.*

Чжуан Цзу фикрича, *англаш бадий шаклда рўй беради, яъни коинот – ҳар бир парчаси алоҳида оҳанг чиқарувчи ва биргалликда ҳамроз куйни ташкил этувчи мусиқа асбоби – най кабидир.* Чжуан Цзу гўзалликни табиатга уйғун ва мукамал яхлитлик тарзидаги муносабат билан боғлаган ҳолда, асл гўзаллик бўлиб туюлган ҳодисаларни фарқлайди: *«Осмон ва Ер буюк гўзалликка эга».*

Конфуций (мил. ав. 551-479 й.) кўшиқ ва мусиқадаги эзгу фикрни қадрлайди. Конфуций «гўзал» тушунчасини «эзгу» сўзининг синоними тарзида қўллаган. Унинг фикрича, *«энг гўзал ва эзгу мусиқа – мўътадил мусиқадир».* Конфуций ҳамма нарсада, хусусан, мусиқа ва кўшиқда ҳам мўътадилликни ёқлайди.

Қадимги Юнон мумтоз нафосатшунослиги уч буюк сиймо Сукрот, Афлотун ва Арастунинг эстетик қарашлари билан аҳамиятлидир.

Сукрот (мил. ав. 469-399 й.) жаҳон фалсафасида биринчи бўлиб антропологик ёндошувга асос солган. *Сукрот ахлоқшунослик ва эстетиканинг, ахлоқ ва гўзалликнинг узвий алоқасини эътироф этган.* Унинг идеали маънан ва жисман гўзал инсондир. *Сукрот инсонни санъатнинг асосий объекти сифатида олиб қараган, санъатнинг эстетик ва ахлоқий меъзонлари масаласини ўртага ташлаган ҳамда улар орқали ижодий жараённи очиб беришга уринган.*

Сукрот фикрича, санъат тақлид орқали ҳаётни акс эттиришдир. Лекин тақлид асло нусха кўчириш эмас. Санъаткор инсон, табиат, воқеликни умумлаштириш орқали қайтадан жонлантириши, яъни ҳайкал ҳам «қалб ҳолати», инсон руҳий-маънавий қиёфасини акс эттириши керак.

Афлотуннинг (мил. ав. 427-347 й.) нафосат борасидаги фикр-мулоҳазалари асосан *«Ион», «Федр», «Базм», «Қонунлар», «Давлат»* каби асарларида ўз ифодасини топган. Афлотун ҳақиқий гўзаллик сифатида Худони назарда тутган. Афлотуннинг фикрича, *асл гўзаллик ҳис этилгувчи нарсалар дунёсида бўлмайди, у гоёлар оламига, ҳақиқий борлиққа тааллуқли.* Унга ҳиссиётлар ёрдамида етиш мумкин эмас, фақат ақл орқалигина уни англаш мумкин, у ўзгармас, замон ва макондан ташқарида.

Афлотун санъаткорни ўзига хос нусха кўчирувчи тақлидчи сифатида талқин этади, яъни санъаткор ҳис этиладиган нарсалар оламини акс эттиради, бу олам гоёлар нусхасидир. Демак, санъат асари нусхадан

олинган нусха, таклидга таклид, соянинг сояси. Шу боис, инъикоснинг инъикоси сифатида санъат биринчидан, билиш қуроли бўла олмайди, аксинча, у алдамчи, рўё, асл оламнинг моҳиятига етиб бориши йўлидаги тўсиқ. Иккинчидан, санъат ахлоққа нисбатан бетараф туради, ҳатто ахлоқнинг бузилишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Учинчидан, томошабинни маънавий юксакликка эмас, балки руҳий касалликка олиб келади. Чунки у ҳис этилувчи нарсалар оламини турли воситалар орқали акс эттирар экан, кўп ҳолларда гўзалликка тааллуқли бўлмаган, хунуклик, шармандалик ва беҳаёликни ҳам тасвирлайди. Шу сабабли идеал давлатдан санъатнинг ўрин олиши шарт эмас. Лекин маъбудларга алқовлар, мардлик, ватанпарварлик туйғуларини уйғотадиган қўшиқлар бундан мустасно. Афлотун фикрича, санъатнинг асл манбаи билимда эмас, илҳомдадир. Унинг наздида шоир «фақат илҳомланган ва жазавага тушган пайтида, унда эс-ҳуши йўқолганида ижод қилади, токи эс-ҳуши жойида экан, у ижод ва каромат қобилиятидан маҳрум». Шоир ўзи англамаган ҳолда, телба, савдойи бир ҳолатда ижод қилади. Шу боис унга санъат қонун-қоидаларини билишнинг ўзигина етарли эмас: санъаткор бўлиш учун санъаткор бўлиб туғилиши лозим.

Арасту (мил. ав. 384-322 й.) «Хитоб» («Риторика»), «Сиёсат» («Политика»), «Шеърят санъати» («Поэтика») асарларида гўзаллик муаммосини тадқиқ этган. Арасту гўзалликни тартиб, мутаносиблик ва аниқликда, миқдорнинг чекланганлигида кўради. «Жонсиз нарсалар каби жонли мавжудотлар ҳам ҳажман осон илғаб олинадиган бўлишлари керак. Шунга ўхшаш фабула (воқеанинг изчил баёни) ҳам осон эсда қоладиган чўзиқликка эга бўлиши шарт». Арасту гўзалликнинг энг муҳим белгисини узвий яхлитлик деб атайди. Яхлитлик ибтидо, марказ ва интиҳодан иборат бўлади.

Арасту гўзаллик ва эзгулик тушунчаларини фарқлаб, эзгулик фақат ҳаракат орқали, гўзаллик ҳаракатсиз ҳам воқе бўлади, деган фикрни ўртага ташлайди. Санъат асари табиат асари каби шакл ва материя (модда) бирлигидан иборат. Санъаткор онгида Олий Ақлда мавжуд бўлган нарсалардан бошқа бирор нарсанинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Зеро, табиат ва инсон фаолиятининг манбаи Олий Ақлдаги ғоялар йиғиндисиدير. Улар ёки «табиатдаги» жараён, ёки «санъат» орқали ўзлигини намоён қилади. Санъат – табиат ўз мақсадини амалга оширадиган шакллардан бири, лекин энг етук, мукамал шакли. Санъат табиат охирига етказа олмаган нарсани охирига етказади. Чунки бунда унга инсоний тафаккур, ақл-идрок кўмаклашади. Арасту фикрича, санъат табиатга тақлид қилади, яъни санъат табиатнинг фаолият усулини акс эттиради. Тақлид натижасида, санъат табиатга ўхшаб организм яратади. Мазкур организм яратган санъаткор фаолияти санъат қонун-қоидаларига бўйсунди, у ҳақиқий ақл-идрокка эътиқод қилувчи «ижодий одатдир». Санъатнинг тақлид объекти кишиларнинг хатти-ҳаракати, ахлоқий табиати (фазилят ва иллатлар) акс этадиган қилмишлариدير.

Қадимги юнон файласуфи ва математиғи Пифагор биринчи бўлиб «*форигланиш*» («*катарсис*») тушунчасини моҳиятан диний маънода қўллаган бўлса, Арасту уни санъатга нисбатан ишлатади. Арасту талқинига кўра, *форигланиш* – санъат ўз олдига қўйган мақсад, хусусан, *фожианинг* (трагедиянинг) мақсади. У моҳиятан кўркув ёки ачиниш туфайли инсон қалбини салбий ҳиссиётлардан *фориглантиради*. Натижада инсон, бир томондан, тақдир кўргуликларини хотиржамлик билан қарши олса, иккинчи томондан, инсон қалбида бахтсизлик гирдобига тушган кишиларга ҳамдардлик, ачиниш ҳисси пайдо бўлади. Санъат инсонни олийжаноб қилади, *форигланиш* воситасида санъат инсонни маънавий-ахлоқий юксалтиради.

Қадимги дунё мумтоз нафосатшунослигида қадимги Рим мутафаккирларининг алоҳида ўрни бор. Жумладан, Тит Лукреций Кар (мил. ав. 99-55 й.), Квинт Горацій (мил. ав. 165-8 й.)нинг эстетик қарашлари диққатга сазовордир.

Тит Лукреций Кар «*Нарсаларнинг табиати*» асарида санъатнинг келиб чиқишини табиатга тақлид деб изоҳлайди, яъни санъат кишиларнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан. Унинг фикрича, санъат фақат лаззат, завқ-шавқ, ором бериш билан чекланмай, фойдалилик хусусиятига ҳам эга бўлиб, *нарсалар табиати* ҳақида билим беради.

Қадимги Рим шоири Горацій фикрича, *шоир учун энг муҳими изчиллик, яхлитлик, бирлик, кенг қамровлиликдир. Асарда мазмун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.* Горацій шоирдан, аввало, фалсафий тафаккур эгаси бўлишни, иккинчидан самимиятни талаб қилади. Горацій шеъриятга таъриф бериб, асосий диққатни *фожиага* (трагедия) қаратади. Рангасвирнинг шеърият билан ўхшашлигини алоҳида таъкидлаб, ҳар қандай номутаносиблик, уйғунликнинг бузилиши, сохталикни қоралайди.

Ўрта асрлар Шарқ нафосатшунослиги умумжаҳон динларининг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши билан муҳим ўрин эгаллайди. Инсониятнинг нисбатан афкор қисми бу даврда тавҳидни англаб етди. Натижада дунёнинг жуда катта қисмида – Осиё, Европа ва Африка қитъасидада уч дин ҳукмронлик мавқеини эгаллади. Арабистон, Эрон ва Турон минтақаларида мусулмонлик, ҳинди-хитой минтақасида буддавийлик, Европада насронийлик жаҳон динлари сифатида майдонга чикди. *Жаҳон динлари санъат билан ҳамкорлик қилди ва ана шу ҳамкорлик маҳсули бўлган асарлар – диний-бадий асар деб аталди.*

Диний-бадий асарларда қўлланилган рамзлар ўз мазмунига эмас, бутунлай бошқа мазмунни англатадиган шакл, ўз моҳиятини эмас, бутунлай бошқа моҳиятни ифодалайдиган ҳодиса, қисқаси, бутунлай бошқа ботинни ифодаловчи зоҳирдир. Шу боис ҳам у сирли, яширин ҳодиса. Уни муайян билимга эга бўлмай туриб англаш мумкин эмас. *Жумладан, нур, олов – Аллоҳнинг моҳияти, доимий ёруғлик сочувчи ва шу билан мавжудотга жон бахш этувчи абадий ҳамда мутлақ зиёнинг рамзи. Ёки христиан ҳаворийлари бошидаги нурли гардиш (нимба) уларнинг авлиёллиги, Аллоҳга яқинлигини англатади. Ёки мусулмон*

меъморчилигидаги гумбаз - Аллоҳ жамоли, гўзаллиги, минора Аллоҳ куч-қудрати, нештоқдаги оятлар – Аллоҳ сифатларининг рамзи ҳисобланади. Буддачиликда гилдирак ёки оловли доира Будда таълимотининг, баъзан Будданинг ўзини англатади. Маълумки, диний маросим ва ибодатларда инсон қалбида фориғланиш, покланиш рўй беради. Инсон кундалик ташвиш, ғазаб, гина каби майдакашликлардан фориғ бўлади, улар ўрнини эзгу орзулар ва яхши амал қилиш фикри эгаллайди. Диний-бадий асарни эстетик идрок этиш жараёнида ҳам шундай ҳолат рўй беради. Лекин бу фориғланиш ибодатга нисбатан узоқ давом этади, ҳатто диний-бадий асар таъсири бир неча кунгача чўзилиши мумкин. Диний фориғланишни қалбда тутиб туриш учун ибодатлар (намоз, зикр, тасбеҳ) такрорланади.

Абу Наср ал-Фаробий (873-950)нинг қарашларида эзгулик ва гўзаллик маълум маънода айнанлаштирилиб, бири иккинчисидан яшовчи ҳодисалар сифатида талқин этилган. Мутафаккир *гўзалликка этишиши фалсафа туфайли рўй беради*, деб ҳисоблайди. Ҳар бир нарса-ҳодисанинг гўзаллиги унинг ўз борлиғини тўла намоён этиши ва мукамаллигидадир.

Фаробий инсондаги ички ва ташқи гўзалликни фарқлайди ва ички гўзалликни ташқи гўзалликдан юқори кўяди. Ички гўзалликни *«бойнинг бойлигини безаб, камбағалнинг камбағаллигини яширадиган» «адаб»* деб атайдди. Бундай гўзаллик юксак ахлоқий хатти-ҳаракатлар ва инсоний комилликда намоён бўлади. Ташқи гўзалликка келганда, файласуф табиий гўзалликни ҳар қандай безаниш, ясанишлардан юқори кўяди. *Фаробий қобилият туғма бўлишини алоҳида таъкидлайди: «... шоирлар чиндан туғма қобилиятли ва шеър битишига тайёр табиатли кишилар бўлади...» Айни пайтда файласуф биргина истеъдод билан етук шоир бўлиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Фаробий фикрича, «шоирларнинг шеър ижод қилиш борасидаги аҳволи камолотга етишгани ва етишмаганидан турлича бўлади».*

Ибн Сино (980-1037) мусиқадан олинадиган лаззат мусиқий уйғунликнинг маконда ёйилишидан, пардаларнинг навбатма-навбат келишидан, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, мусиқада гап товушнинг ўзида эмас, балки уни қандай чиқариш муҳим эканида, яъни бизда ёқимли ёки ёқимсиз сезгини товушнинг ўзи эмас, балки уни пайдо қилиш усули уйғотади. *Ибн Сино мусиқанинг келиб чиқишини инсон нутқининг бойлиги билан боғлайди: хушомад қилаётганда овоз пасаяди, магрур сўзлаётганда қатъий жаранглайдди. Мусиқа инсон кайфиятига тақлиддир. Аллома гўзаллик борасида Фаробий изидан бориб, жисмоний гўзаллик бевосита қалб гўзаллиги билан белгиланиши, муҳаббат асосида гўзаллик ётиши, «аслида муҳаббат гўзалликни маъқуллаш эканини» эътироф этган.*

Ўрта асрлар Шарқ нафосатшунослиги тарихида тасаввуф фалсафасининг асосчиси, илоҳиётчи олим Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1111)нинг ўзига хос ўрни бор. Имом Ғаззолий нафосат борасидаги қарашларида ўсимлик, ҳайвон ҳамда инсоннинг ташқи муҳитга муносабати, уларда дид, нафосат ҳиссининг бор-йўқлиги муаммоларига, шахснинг гўзалликка муносабати, унинг комил инсонга айланиши, нисбий

ва мутлақ гўзаллик, ибодат билан санъатнинг фарқи каби масалаларни таҳлил этган. Ғаззолий ибодат билан санъатнинг фарқини изоҳлаб, зикр ва рақснинг моҳияти, фарқли ва ўхшаш жиҳатларини таҳлил этган. Унинг фикрича, мусиқани, ўйин-кулгини Қуръон тиловатига аралаштирмаслик, қироатни қўшиқ ёки шеър билан чалкаштирмаслик лозим.

Ғаззолий Қуръон билан шеърятни, оятлар билан байтларни таққослайди. Шеър (қўшиқ) оддий кишиларга кучли таъсир этиши, ҳаттоки Қуръон оятларига нисбатан ҳам кўпроқ жунбушга келтиришига қодирлигини етти нуқтаи назардан исботлаган.

Биринчиси, Қуръон оятлари ҳаминша тингловчининг ўша пайтдаги руҳий ҳолатига тўғри келавермайди. Масалан, фарзандини йўқотиб, замандухга ботган ёки пушаймонлик оловида қовурилаётган кишига мерос, маҳр, талоқ ҳақидаги қоидалар битилган оятлар таъсир қилмайди. Шеър эса қалб ҳолатининг инъикоси, у муайян руҳий ҳолатнинг интиҳоси сифатида, масалан, фарзанди дардида ёнган она кечинмаларини ифодалаши билан маълум вақт Қуръондан таъсирчанроқ.

Иккинчиси, оятлар илк марта эшитилган киши юрагида кучли из қолдиради, кейинги тинглашлар жараёнида бу из хиралашиб, йўқолиб боради, чунки Қуръонни қори ўзгартириб ўқий олмайди, шеър эса доимий оригиналлиги, янгилашиб туриши билан кучли таъсирга эга.

Учинчиси, оятларга нисбатан шеърнинг оҳанги ранг-баранг.

Тўртинчиси, шеър вазнга эгаллиги билан ҳам оятларга қараганда кучлироқ таъсир кўрсатади.

Бешинчиси, шеърни мусиқа асбоби жўрлигида қўшиқ қилиб айтиши мумкин, оятларни эса бундай қилиши гуноҳ саналади.

Олтинчиси, маддоҳ (декломатор) тингловчига ёқмаган байт ўрнига бошқасини ўқиши мумкин, оятларга эса бу тариқа муносабатда бўлиши мумкин эмас, Қуръон сураларини ўзгартириб ўқиб бўлмайди.

Еттинчиси, инсон шеърдан лаззатланади, чунки унинг ўзи шеър ярата олади, яратилган нарса яратилганга ўхшаш бўлади. Қуръон Аллоҳнинг сўзи, инсон яратишига қодир бўлмаган Ҳақиқат, Аллоҳнинг сифати тарзида яратилиши жараёнини бошидан кечирмаган. Шеър инсонга яқинроқ, заминий экани, ҳиссиёт баёни бўлгани учун ҳам унга инсон Қуръонга нисбатан кўпроқ майл билдиради. Бу ерда Ғаззолий Қуръоннинг буюк мўъжиза эканлигини таъкидлаган.

Ғаззолий инсон фитратида санъатга интилиши борлиги, санъатсиз инсон ҳаёти мукамал бўлиши мумкин эмаслигини қайд этган.

Темурийлар даври илм-фан ва санъат тараққиётининг олтин даври ҳисобланади. Бу давр нафосатшунослигида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ўрни ўзига хос. Навоий ички ва ташқи гўзаллик ғоясини илгари суради. «Хамса»даги бош қаҳрамонлар ана шундай комил гўзаллик эгалари. Навоий инсондаги гўзалликни унинг ички гўзаллиги – ахлоқида кўради.

Навоий сўзга алоҳида эътибор беради, сўзни «кўнгил қутиси ичидагини гавҳар, фалак жисмининг жони» деб улуғлайди. Навоий бадий

асарнинг фақат гўзалликни куйлаш билан чекланмасдан, ўзи ҳам шаклан гўзал бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Темурийлар даври мусулмон Шарқда мусиқа амалиёти ва мусиқа назариясига катта эътибор берилган. Ҳиротда «Нигористон» миниатюра мактаби фаолият олиб борган. Унинг етакчи рассоми Камолиддин Бехзод Шарқ Рафаэли номини олган.

Тасаввуф буюк романтик олам бўлиб, унда бутун Борлиқ Аллоҳнинг ижоди деб қаралади. Дунёни Аллоҳнинг кўзгуси, барча гўзаллик, қудрат Аллоҳдан деб ҳисобланади. Борлиқ романтик рангларда, шоирона хаёлий сурат-тимсоллар тарзида, илоҳий нурнинг порлашидан доимий ҳаракатда ва ижодда деб тасаввур этилади, яъни жами гўзалликлар, яхшиликлар, эзгуликлар манбаи Мутлақ, Илоҳ. Қудрат ва куч, ҳаракат ва фаолият ҳам Ундан. Дунёдаги жами ҳусну жамол – Унинг жамолининг акси. Инсон гўзаллиги Унинг жамолининг жилваси, бу Жамол оламда қанча кўп жило этган бўлса, у шунча гўзал бўла олади. *Инсон руҳининг гўзалликка, нафосатга ташналиги Аллоҳ гўзаллигига ташналик оқибатидир. Булар орасида моддий гўзаллик ва маънавий гўзаллик, гоё ва фикр гўзаллиги ҳам алоҳида эътиборга олинади. Хуллас, гўзалликдан мақсад тафаккур гўзаллиги, маънавий гўзалликни англаш, олий жавҳар – руҳий азалига монанд нарсаларнинг гўзаллигини қабул қилишидир.*

Моддий оламдаги гўзаллик – Аллоҳнинг каломи ва жамоли акс этган нарсалар ва Унинг гултожи инсонга муҳаббат орқали боради. Шу тариқа дунёвийлик билан илоҳийлик ўзаро боғланади. Илоҳий муҳаббат – ирфоний туйғу, яъни билиш завқи англаш, маърифатга айланиш завқидан бошқа нарса эмас. Инсоният тараққиётининг ўзи қўполликдан латифликка, қаттиқликдан нозикликка, жаҳлдан ақлга томон ҳаракат бўлиб, латифлик, нозиклик, мулойимликнинг ўзи эзгулик, гўзаллик, демакки, гўзал гоё, гўзал сўз, гўзал хулқ-атвор, гўзал қалбдир. Пок қалбли инсоннинг таъби ҳам нозик, чунки у Аллоҳ гўзаллигини айрича ҳис билан идрок этади, бундан масту мустағриқ бўлади. Дунёнинг барча нафосати, ҳаёт жилолари, завқ бағишлолчи ҳусн-жамолини Аллоҳ жамолининг инъикоси деб қарайди.

Ғаззолийнинг манфаатсиз, олтинчи сезги воситасида ҳис этиладиган гўзаллик ҳақидаги қарашлари ўзига хос бўлиб, унинг фикрича, гўзаллик гўзалликни англаб етган одам учунгина муҳаббат объектидир. Гўзалликни англашнинг ўзи ёқимли. Инсон учун ўсимлик, дарахт, шарқираб оқаётган сув уларни фақат ейиш ва ичиш мумкинлиги учун эмас, балки, бор-йўғи уларни кўриб, завқланиши сабабли муҳаббат объектидир. Фақат ўз камолотининг барча қирраларига тўлиқ эга бўлган нарса олий даражадаги гўзалликдир. Бундай комиллик фақат Аллоҳга хосдир. Аллоҳ гўзалдир ва У гўзалликни севади. Гўзаллик идеали, қудрат идеали, поклик идеали, абадийлик идеали – жами идеаллар идеали Унинг Ўзи. Ҳайрат ҳам Ундан, ғайрат ва шижоат ҳам, ҳаёт нафосати ҳам Ундан, гўзаллик ҳам Ундандир.

Жонли ва жонсиз ҳар бир нарсада, ҳаётнинг ўзида Аллоҳ қудратини мушоҳада этиш, Унинг гўзаллигидан ҳайратланиб, жўшиб, олам-олам завқ олиш, Аллоҳни ёри азиз, дўст деб билиб, Унга сизиниш, суянини, Унга рози дил айтиши – бу шавқ ўтида ёнган қалбнинг тугёни, Аллоҳга интилган инсоннинг эстетик дунёси, ҳаётининг мазмунидир.

Янги давр нафосатшунослиги. Ўрта асрларда черков ҳукмронлиги тафаккур эркинлигини бўғиб ташлагач, Европа зулмат уйқусига чўмди. XI-XIII асрларда мусулмон олами эришган маънавий юксаклик араб ва сурёний тилларга таржима қилинган қадимги юнон мутафаккирларининг асарлари Европага кириб келди ва Европада Уйғониш даври бошланди.

Олмон мумтоз нафосатшунослиги ибтидосида буюк файласуф Иммануэл Кант (1724-1804) «Гўзаллик ва улуғворлик туйғулари устидан кузатишлар» (1764), «Соф ақлнинг танқиди» (1781), «Амалий ақлнинг танқиди» (1788), «Муҳокама қобилиятининг танқиди» (1796) каби асарларида эстетика муаммоларини таҳлил этган.

Кант фикрича, эстетик ҳиссиёт манфаатсиз, бегараз, нарса-ҳодисага бевосита мафтунликка бориб тақалади. Мафтунликнинг, муҳаббатнинг объекти эса шаклдан бошқа нарса эмас. Гўзаллик ҳаммага ҳеч бир манфаатсиз, шундайлигича, ўзининг соф шакли билан ёқиши зарур бўлмаган нарса-ҳодисадир.

Мутафаккир улуғворликни математик ва динамик улуғворликка ажратади. Гўзалликдан олинадиган лаззат сифатнинг, улуғворликдан олинадиган лаззат миқдорнинг намоён бўлиши билан боғлиқ. Ҳақиқий улуғворлик – ақл, инсоннинг ахлоқий табиати, ҳиссий англаш чегарасидан нариги томондаги нимагадир интилиши. Кант фикрича, ҳақиқий улуғворлик муҳокама қилинаётган кишининг қалбида яширингандир.

Олмон шоири ва драматурги Шиллер (1759-1805) шакл ва мазмун масаласини ўзига хос талқин этади. Унинг фикрича, «*ҳиссий гўзаллик маънавийликка, маънавийлик эса моддийликка олиб боради. Гўзаллик зўриққан инсонда уйғунликни тиклайди, бўшашиган одамда эса фаоллик уйғотади. Шакл инсонга боғланишига, мазмун унинг муайян қилишига таъсир ўтказади. Гўзаллик инсоннинг оқиллашуви йўлидаги зарурий шартдир. Фаолиятнинг бошқа барча турлари инсоннинг алоҳида-алоҳида кучларини ривожлантиради, фақат гўзаллик уни бир бутун яхлитлик сифатида шакллантиради.*».

Фридрих Шеллинг (1775-1857) «*Тасвирий санъатнинг табиатга муносабати*», «*Санъат фалсафаси*» асарларида эстетика муаммоларини таҳлил этган. Унинг фикрича, санъат асарининг ўзига хос белгиси «*англанмаганликнинг чексизлиги*»дир. Санъаткор ўз табиатидан келиб чиқиб ижод этар экан, бадий асар у айтишни хоҳлагандан ортиқ нарсани ўз ичига олади. Санъаткор ўз асарига асар ғоясига кирмаган яна «*қандайдир чексизлик*»ни ихтиёрсиз равишда сингдиради. Бу чексизликни «*чекланган ақл*» камраб ололмайди. Ана шу англанмаганликнинг чексизлигидан Шеллинг гўзаллик тушунчасини келтириб чиқаради: *гўзаллик чексизликнинг чекланганликдаги ифодасидир. Гўзаллик*

санъатнинг асосий хусусияти бўлиб, гўзалликсиз санъатнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Санъаткор аъло ҳиссий гўзаллик ғоясини англашни шу ғояни сезиларли қилувчи нарса билан бириктиради. Даҳонинг вазифаси олам уйғунлигида Аллоҳдаги олий гўзалликни кўра билишдир.

Шеллинг санъатни реал ва идеалга ажратади. Реал санъатга мусиқа, меъморчилик, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, идеал санъатга адабиёт киради. Сўз санъати – идеал санъат. Шеърят санъат моҳиятини ифодаловчи санъат туридир. Лирикада чексизлик чекланганликда, эпосда чекланганлик чексизликда юзага чиқса, драма чекланганлик ва чексизлик, реаллик ва идеалликнинг синтезидир.

Гегель (1770-1831) фикрича, *ўзини тўлиқ эркинликда мушоҳада қилувчи руҳ санъат бўлиб, ўзини ихлос сифатида намоён қилувчи руҳ диндир, ўз моҳиятини тушунчалар орқали фикрлаб, уни билувчи руҳ фалсафадир.* Санъат, дин ва фалсафанинг мазмуни битта, улар ўртасидаги фарқ фақат ўша мазмунни очиш ва англаб етишда. Ғоянинг ўз-ўзини очишнинг биринчи ва энг номукамал шакли эстетик билиш ёхуд санъатдир. Унинг мақсади мутлақ руҳнинг ҳиссий тасвирини бериш. Санъат, ахлоқ, давлат тузуми, бошқариш шакли кабиларнинг ҳаммаси битта умумий илдизга бориб такалади. Гегель уни замон руҳи деб атайди.

Шопенгауэр (1788-1860) *«Олам ихтиёр ва тасаввур сифатида»* асарида санъат билан фанни бир-бирига солиштириб, санъатни *нарсаларни асосланиш қонунидан мустақил тарзда «мушоҳада қилиш тури»* деб атайди. Эстетик мушоҳада объекти алоҳида нарса эмас, балки асосланиш қонуни ҳаракати остидан олинган ғоя афлотунча маънодаги ғоя. Уни ақл билан эмас, фаҳм (интуиция) ёрдамида пайқаш мумкин. Санъатнинг фандан устунлиги ҳам ана шунда. Шопенгауэр фикрича, *«ҳар қандай санъатнинг асл мақсади гўзаллик», то бизга тааллуқли эмас экан, ҳамма нарса гўзал... Ҳаёт ҳеч қачон гўзал бўлмайди, фақат санъат кўзгуси тозалаган ҳаёт манзараларигина гўзал».* Қайси санъат тури «ҳаёт ҳақиқати», яъни ихтиёр моҳиятини очиб берса, ўшанинг даражаси юксак.

Санъат турлари ичида мусиқа юксак туради, чунки ҳамма санъат турлари ғояни ихтиёрнинг объективлашган ҳолатини акс эттирса, мусиқа ихтиёрнинг ўзини ифодалайди. Мусиқа ғоялардан мустасно, ҳодисалар дунёсини буткул инкор этган ҳолда, ҳатто, дунё умуман мавжуд бўлмаса ҳам, қай даражада яшаши мумкин.

Фридрих Ницше (1844-1900) *«Фожиянинг уруғланиши»* рисоласида Сукротдан то Шопенгауэргача бўлган эстетикани «қайта баҳолаб» чиқади. Ницше *«гўзаллик Аллоҳнинг ҳақиқати»* деган фикрни рад этиб, гўзалликни Аллоҳ-санъаткор томонидан яратилган иллюзия-хаёлот деб атайди. Ҳақиқат (ақл) билан гўзаллик, унинг наздида, тенглаштириб ва сиғиштириб бўлмайдиган бир-бирига зид тушунчалардир.

Инсон эстетик мушоҳада пайтида бегона ҳаяжон, бегона изтироб ва қувончни худди ўзиникидек қабул қилади, бирор роман ёки фожиа қаҳрамонига ҳамдардлик ҳиссини туяди, чунки у ҳар бир индивидда рўй

берадиган изтироб ва қувонч, бир хил моҳият, олабий ҳаётнинг ягона манбаини кўради.

Ғожиа инсонга берадиган лаззатнинг сири ана шунда. Ғожиа қаҳрамоннинг ўлими билан тугаса ҳам, инсон ундан кўникиш ва юпанчининг қувончли ҳиссини туяди, нимаики қаҳрамонда ўлган бўлса, ўзида яшашда давом этаётганини англайди, ўлим устидан тинимсиз ғалаба қилаётган, бир индивид ҳалокатидан сўнг бошқасида янгиладиган, қайта туғилладиган абадий ҳаётни ҳис этади. Ғожиа инсонни шахсиятдан, барча ўткинчи ва чекланган нарсалардан юксакликка кўтаради, ўлим кўркувини енгишга куч-қувват беради.

XIX аср охири ва XX аср бошларида рус мумтоз фалсафий тафаккурига В.Соловьёв (1853-1900) катта ҳисса қўшди. У гўзалликни *ўзининг зиддидан, яъни хунукликдан (гўзал инсоний вужуд хунук эмбриондан вужудга келганидек) бир-бирига қарама-қарши икки ибтидо – модда ва нурнинг ўзаро бириктирувидан тузилади* дейди. Қаерда модда нурафшон бўлса, ўша ерда гўзаллик ҳодисаси учрайди. Унинг фикрича, модда ва нурнинг узвий омукталиги – ҳаётдир. Қаерда ҳаётнинг ички тўлақонлигига эришилса, ўша ерда табиат ўзининг бор гўзаллиги билан намоён бўлади.

Нур ва ҳаёт – табиатдаги эстетик мазмунни баҳолашнинг икки асосий мезонидир. Лев Толстой ҳам *«санъат инсон қудратининг энг олий даражадаги инъикосидир. У камдан-кам, сара оламга бир ато этилади ва одамни шундай юксакликка кўтарадики, унда бош айланиб, соғлом ҳолатни сақлаб туриши маҳол бўлиб қолади»* деб таъкидлаган.

Санъат комил гўзалликдан бевосита ва билвосита огоҳ этади. Бевосита огоҳ этиш мусиқа ва лирик шеърят орқали ифодаланса, билвосита огоҳ этиш табиий гўзалликни кучайтириш, идеаллаштириш (меъморлик, рангтасвирли манзаралар) ҳамда идеал ва воқеликнинг мос келмаслиги (қаҳрамонлик эпоси, ғожиа, кулги орқали ифодаланади).

Рус нафосатшунослиги ривожига Ф.Достоевский, Л.Н.Толстой, И.С.Тургенев, А.Фет, А.П.Чехов каби буюк ёзувчи ва шоирлар салмоқли ҳисса қўшганлар. Жумладан, Лев Толстой санъатда ғоясизликни инкор этади, шакл ва мазмун яхлитлигини тан олади, мазмунни асосий ҳодиса сифатида талқин этган ҳолда, бадий шаклсиз санъат асарининг бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлайди.

XX аср нафосатшунослигидаги ўзига хос йўналишлардан бири экзистенциячиликдир. Жан Поль Сартр нафосатшунослиги амалий табиатга эга. Сартр фикрича, асл санъат асари иждокор ва санъатни идрок этувчи кишининг ҳаракати билан юзага келади, ўзгалар учун яратилади, ўзгалар учун мавжуд бўлиш имконига эга.

XX аср фалсафий-эстетик тафаккури бениҳоя бой ва ранг-баранг. Ясперс, Хайдеггер, Камю, Марсель, Маритен, Ортега Гассет Хуйзинга, Дюфрен, Жильсон каби буюк мутафаккирлар ўз қарашларини илмий асослаб берганлар.

5-мавзу. Эстетиканинг асосий тушунчалари

1. Нафосат – эстетиканинг мезоний тушунчаси
2. Гўзаллик тушунчаси. Гўзаллик ва хунуклик
3. Улуғворлик тушунчаси. Улуғворлик ва тубанлик
4. Фожиавийлик тушунчаси. Фожиавийликнинг санъатда намоён бўлиши. Фожиавий зиддият ва фожиавий қаҳрамон
5. Кулгилилиқ мезоний тушунчаси. Кулгининг инсон ҳаётидаги ўрни

Нафосат эстетиканинг кенг камровли муштарак мезоний тушунчасидир. Муайян шарт-шароитда ҳар қандай нарса, воқеа-ҳодиса нафосатли табиатга эга бўлиб, нафосатли муносабат ва нафосатли баҳо объекти ҳисобланади. Бунинг учун у биринчидан, аниқ ҳис-туйғу, сезги-идрок қобилияти ва имкониятига эга бўлади. Иккинчидан, у ёки бу воқеа-ҳодиса инсоний алоқалар ва муносабатларга киришиб, ижтимоий аҳамият касб этиб, нафосатли муносабат объектига айланади, яъни ўз қадрини топади.

Нафосатли баҳолаш воқеа-ҳодиса қадри ёки ижтимоий аҳамиятини англаш бўлиб, инсоннинг воқеликка нафосатли муносабати воқеликка баҳо беришнинг алоҳида тури, воқеа-ҳодисаларни нафосатли қадрлаш усули ҳисобланади.

Нафосатли муносабат – субъект билан объект ўртасидаги ўзига хос алоқалар тури билан тавсифланади. Нафосатли муносабатнинг натижаси нафосатли баҳолаш моҳияти, нарса-буюмларда ифодаланади. *Масалан, курси ёки хонтахтани нафосатли баҳолаш – унинг шакли бўлган материал, уни қайта ишлаш, тараф ва қисмлари мутаносиблигини унинг амалий ўрни, яъни нимага мўлжалланганлигига қиёс қилишидир. Овқатга нафосатли муносабат унинг шакл ва мазмуни мутаносиблигида ўз ифодасини топади. Ёки инсонга нафосатли муносабатда бўлиш ҳам инсон шахси маънавий мазмунининг инсон хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори шаклига мутаносибликда ифодаланади.*

Нафосат – маънавий-руҳий ҳодисалар мажмуи бўлиб, ижтимоий ҳаёт заминидан вужудга келадиган нафосатли ҳис, дид, фикр, орзу, қараш, назария тизимини англатади. Нафосатли онг ижтимоий ҳаёт заминидан ўзгариб, ривожланиб, такомиллашиб боради.

Нафосатли англаш ижтимоий ҳаёт инъикоси бўлиб, жамият ҳаётига ҳар томонлама таъсир ўтказади. Нафосатли англаш нафосатли фаолият билан узвий боғлиқ ҳолда нафосатли фаолият жараёнида шаклланади ва қарор топади. Нафосатли онг бевосита нафосатли фаолият маҳсулидир.

Нафосатли онг бадиий онг билан чамбарчас боғлиқ. Нафосатли онг воқеликни бутун борлиғича идрок этиб, қайта ишлаш жараёнида вужудга келса, бадиий онг санъатни яратиш ва идрок этиш жараёнида намоён бўлади. Бадиий онг бадиий асарлар тизимида ифодаланса, нафосатли онгнинг акс этиш кўлами анча кенг бўлиб, меҳнат, ижодий фаолият, моддий ва маънавий қадриятларда ифодасини топади. Нафосатли онгнинг турғун ва уйғун қисмлари – нафосатли ҳис, орзу, қараш ва назариялардир.

Ҳис-туйғу инсон онгининг ажралмас қисми бўлиб, нафосатли онгининг асосий қатлами, пойдевори ҳисобланади. Нафосатли ҳис-туйғу мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида нафосат, куй, оҳанг, шакл, уйғунлик, мослик, мутаносиблик, каби тушунчалар билан бирга шодлик, ҳайратланиш, ажабланиш, роҳатланиш, лаззатланиш, эҳтиром, шавқ-завқ, нафрат каби тушунчаларни ҳам қамраб олади. Нафосатли ҳис-туйғу шакли, намоён бўлиши ва амал қилиш жиҳатидан субъектив табиатга эга.

Нафосатли ҳис-туйғу нафосатли дидни тарбиялайди. Нафосатли дид орқали инсоннинг фикр-мулоҳазалари, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари моддий ва маънавий ижодкорлиги намоён бўлади. Нафосатли дид кишилар дунёқараши, айниқса, нафосатли қараши орқали намоён бўлади. Унинг заминида гўзалликни хунукликдан ажратиш, беғараз шодланиш, лаззатланиш қобилияти ётади. Нафосатли дид ҳис-туйғу билан боғлиқ, яъни ҳаёт гўзалликлари ва фожиаларини ҳис эта билиш, фожиали тўқнашувларни фарқлай олиш қобилияти орқали намоён бўлади.

Нафосатли онг таркибидан жой олган эстетик орзу (идеал) воқелик бағрида ётган имкониятларнинг маънавий-руҳий инъикосидир. Нафосатли орзу ҳар бир инсонга хос бўлиб, шахс маънавий дунёсининг таркибий қисмидир. Нафосатли орзу инсоннинг ички эътиқодига айланса, унинг хатти-ҳаракати, бадиий фаолиятида ифодасини топади.

Нафосатли қараш ва назария нафосатли ҳис-туйғу ҳамда нафосатли диддан кейинги ўринда туриб, воқеликнинг нафосатли томонларини ҳис-туйғу ёрдамида идрок этиш, уларни англашдан олдин содир бўлади. *Нафосат, олижаноблик, фожиа, кулги, санъатнинг моҳияти ва бошқа масалаларни қамраб олган нафосатли қарашлар ва назариялар нафосатли онгининг барча жиҳатларига таъсир ўтказади.* Нафосатли ҳис-туйғу, дид, орзу нафосатли қараш ва назарияга боғлиқ бўлади.

Нафосатли эҳтиёжлар инсоннинг энг олий талаб-эҳтиёжлари бўлиб, барча моддий ва маънавий эҳтиёжларни қамраб олган. *Зеро, дунёда мавжудотларнинг энг ақллиси инсон экан, гўзалликларни теран англаш ҳам инсонга хосдир. Шу боис инсон ҳаминша гўзалликка ташна бўлиб яшайди. Нафосатли эҳтиёж моҳияти ана шулар билан изоҳланади.*

Нафосатли фаолият инсон моддий ёки маънавий фаолиятининг ўзаги, мағзи бўлиб, унинг барча шакллари инсон куч-қудрати моҳиятининг эркин ифодаси бўлиб, нафосатли мазмун касб этади. Нафосатли фаолият нисбатан бадиий фаолиятда, яъни санъатда энг «тоза» ҳолда кўринади. Шу боис санъат нафосатли фаолиятнинг ихтисослашган кўринишидир. Нафосатли фаолият моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини меҳнат шароитларини ҳам, меҳнат самараларини ҳам қамраб олади. Дизайн моддий ишлаб чиқариш муҳитини нафосатли қайта қуришга, уни инсоннинг манфаатлари ва эҳтиёларига мос келтиришга хизмат қилади. Дизайн санъатдан баҳра олади. Фараз, фаҳм-фаросат, эҳтирос-илҳом нафосатли тавсифга эга бўлиб, улар энг «тоза» ва ривожланган кўринишда санъатга тааллуқлидир. Айни вақтда улар инсон ижодий фаолиятининг зарур қисмлари сифатида акс этади.

Илмий ижоднинг нафосатли мазмуни кувонч, шодлик, қониқиш ҳиссини қондириш билан бирга илмий изланишлар натижаси ва уларга эришиш усулларида ифодаланади. *Энг яхши санъат асарлари инсонда хаёл-фаразни вужудга келтиради ва яхлит нафосат туйғусини уйғунлаштиради, гайритабиий тафаккур қилиш қобилиятини оширади, эркин дунёқараш бахш этади, юксак мулоқот маданиятини шакллантиради, ҳозирги фан равнақи учун муҳим аҳамият касб этадиган қобилият ва имкониятларни сафарбар қилишига ундайди.*

Нафосат оламининг мағзи, бош хоссаси, моҳияти, асосини ташкил қилурчи **гўзаллик** – эстетиканинг асосий мезоний тушунчаси бўлиб, эстетика фани гўзаллик фалсафаси тарзида ҳам талқин этилади. Гўзал бўлган, инсон онгида ижобий ҳис-туйғу қўзғатган нарсани кўрсатиш осон, лекин нима учун ўша нарса гўзал эканлигини тушунтириш қийин.

Гўзаллик – воқелик (табиат, жамият, санъат) ҳодисаси бўлиб, аниқ ҳиссий таъсир ўтказиш орқали инсонда жисмоний ва маънавий кучлар оқимининг кўпайиши, шодлик, завқланиш, тўла маънавий қониқиш ҳолати вужудга келишига имкон яратади. Гўзаллик доимо фойдалидир, лекин бу фойдалилик жамият тараққиёти учун хизмат қилишига мўлжалланган бўлади. Бошқача айтганда, гўзаллик инсон озодлигининг рамзи сифатида ифодаланади. Гўзаллик хилма-хилликка эга бўлиб, масалан, табиатдаги гўзаллик ижтимоий ҳаёт гўзаллигидан, фойдали амалий фаолиятдаги гўзаллик бадий ижоддаги гўзалликдан фарқ қилади.

Инсон ҳамма ерда ва ҳар қандай ҳолатда мавжуд табиий ҳамоҳанглик билан тўқнашади ва албатта табиат гўзаллигидан завқланади, фарахбахш орзулардан тўлқинланади, кучли хайрат ва орзиқишдан кўнгли завқ-шавққа тўлади. Инсон табиатдаги у ёки бу давр, у ёки бу ижтимоий гуруҳ ижтимоий орзусига мувофиқ келадиган ҳодисаларни гўзаллик сифатида баҳолайди. Ҳамма вақт табиатга эстетик муносабат ва табиатни эстетик ўзлаштириш уни «инсонийлаштириш», табиат ҳодисаларига инсоний талаб-эҳтиёжи, мақсад-орзуларини тадбиқ этиш билан боғланиб кетган. *Масалан, ёзувчилар табиат манзаралари тасвирини турли бўёқларда инсон қиёфаси, орзу-умидлари, интилишлари билан бадий боғлаб ифодалядилар (Ойбекнинг «Навоий» романининг муқаддимаси, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги Отабекнинг Марғилонга бориши бадий тасвири).*

Гўзаллик юксак даражадаги фойдалилик тарзида идрок этилади. Санъатдаги гўзаллик ҳаётдаги гўзалликнинг инъикоси бўлиб, унинг манбаи – воқеликдир. Ижодкорнинг бошқалардан фарқи шундаки, у бошқалар фаҳмламаган гўзалликни ҳамма ерда кўра олиш қобилиятига эгадир.

Табиатга, инсонга, инсоний муносабатларга кўпинча санъатнинг буюк ижодкорлари кўзи билан қаралади. Киши инсонни хайратга соладиган, ажойиб табиат ҳодисалари билан тўқнашганда беихтиёр: «Қандай гўзал, Худди Ван Гогдагидек-а, Левитандагидек, Рембрантдагидек, Гойядагидек ва ҳаказо» деб хитоб қилади. Бундай

ҳайратли ҳолатга келиш тасодифий эмас, чунки Ван Гог, Левитан, Рембрант, Гойя каби рассомлар ўз асарларида табиатни, унинг бағридаги одамлар ва ҳайвонларни умумлаштирилган, рамзий шакллардаги гўзалликни маҳорат билан уйғунлаштириб, уларни идрок этиш билан боғлиқ барчага хос кечинмаларни ифода этганлар.

Санъатдаги гўзаллик кўп қиррали, кўп ўлчовли бўлиб, улар орасида *эстетик орзу* белгиловчи аҳамият касб этади. Санъат гўзал ва хунук ҳодисаларни акс этгирса ҳам, ўзи ҳамма вақт ҳам гўзалдир, чунки у ўз таркибига ажралмас қисм сифатида эстетик орзу, яъни гўзалликнинг зарурий хоссасини сингдирган тасаввурни англатади.

Санъат ҳамиша эстетик орзунинг ўзгарувчанлиги, ижтимоий ва миллий жиҳатларга боғлиқлигини теран ифодалаган. Санъатда қарор топган эстетик орзунинг асосий мазмуни инсон гўзаллиги ҳақидаги турли давр мутафаккирлари, миллатлар, ижтимоий гуруҳлар тушунчалари бўйича уни қандай қиёфада кўриш истаклари мавжудлиги тўғрисидаги тасаввурларда акс этган.

Санъат эстетик орзунинг ижобий қаҳрамон тимсолини яратиш орқали рўёбга чиқарган. *Ижобий қаҳрамон – ижодкор эстетик орзусидир. Илгор орзуларни уларга қарама-қарши ҳаёт ҳодисаларини тасвирлаш орқали қарор топтиришнинг самарали йўли эстетик аҳамиятга эга бўлиб, санъат орзу (идеал)даги кишиларни эмас, балки ижодкорнинг ўзида орзу бўлишини тақозо этади. Шундай орзу бўлган тақдирда энг мудҳиш, хунук, пасткаш ҳаёт ҳодисаларини тасвирлаш ҳам санъат асарларининг ижобий эстетик қийматини туширмайди.*

Санъатда бадиий ҳақиқатсиз гўзалликнинг бўлиши мумкин эмас. Ҳақиқат ва гўзаллик бирлиги санъат тараққиётининг қонуниятларидан биридир. *Шекспир «Гўзаллик қимматли ҳақиқат билан яқунланиб, юз чандон гўзаллик кашф этади» деб ёзган эди. Гўзалликни ҳаёт ҳақиқатидан ажратиб ташлашга уриниш санъатга ҳалокатли таъсир қилиб, унинг фаол, ўзгарувчан аҳамиятини пасайтиради.*

Улуғворлик – эстетик ва ахлоқий мезонлар билан боғланган эстетик мезоний тушунча бўлиб, гўзаллик кўламиндек чексиз ва ниҳоясиздир. Улуғворлик табиатда, жамиятда, инсон томонидан бунёд этилган барча нарсаларда мужассам бўлиб, инсон учун алоҳида аҳамиятли ҳодисалар сирасига киради. Унинг кўлами шу қадар кенги, улуғворлик ижтимоий тараққиётнинг маълум босқичида тўла ўзлаштирилиши мумкин бўлмайди ва инсонни доимо фаол ҳаракатга, ўзидаги ижодий имкониятларни ишга солишга даъват этади, рағбатлантиради.

Табиатда улуғворлик баланд виқорли тоғлар, қудратли ва мафтункор шаршаралар, мавж ураётган денгиз, мовий осмон, осмонўпар яарахтлар ва ҳ. к. тимсолида намоён бўлади. Бу ердаги умумийлик улардаги кенг кўламлик, улканлик, буюклик, туганмасликдир. Табиатдаги улуғворлик инсонда табиат билан қўшилиб кетишга интилиш ҳиссини уйғотади.

Улуғворлик ҳисси ўз-ўзидан эстетик мазмунга эга бўлмаган қувонч, ҳайратланиш, эҳтиром, тан бериш туйғуларини қамраб олади. Буларга баъзида кўрқув қўшилса ҳам, бу инсонни камситмайди, балки тўсиқларни енгишга туртки беради. Улуғворлик умуминсоний, умумий белгилари билан бирга ижтимоий шартланган, тарихийлик хусусиятга эга. Ижтимоий ҳаётда улуғворлик билан қаҳрамонлик ва мардлик қоришиб кетади. Қаҳрамонликда улуғворликка хос эстетик ва ахлоқий бирлик тўла ва бевосита намоён бўлади. *Халқ фидойилари, эл-юрт жонқуярларининг қиёфалари бир вақтнинг ўзида ҳам улуғворворлик, ҳам мардлик ҳиссини уйғотади. Қаҳрамонлик оддий кишилар тушунчасида одатдан ташқари ноёб, нодир, кам учрайдиган ҳодиса ҳисобланса ҳам, кундалик ҳаётда, оддий шароитда энг содда, ҳамма амал қиладиган ахлоқий қоидалар доирасида ҳам содир бўлиши мумкин. Бу кишиларнинг кундалик ҳалол меҳнати, ахлоқий қоидаларга амал қилиши, урф-одат ва анъаналарга содиқликда ўз қадрини топади.*

Улуғворликнинг ижодий ифодаси санъатда яққол акс этади ва унинг асосий тасвир объектларидан бири бўлиб хизмат қилади. Санъатнинг айрим турлари – қаҳрамонлик дostonлари, лирик дostonлар, фожиа, қаҳрамонлик мусиқа асарлари (симфония, опера), меъморчилик ва ёдгорлик санъати кўринишлари улуғворлик мавзусини бадийий ўзлаштириш жараёнида вужудга келган.

Улуғворлик меъморчиликда алоҳида аҳамият касб этади. *Миср пирамидалари, Эйфель минораси, Тожмаҳал мақбараси, Сфинкс ҳайкали, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги меъморлик обидалари ўзининг салобати ва улуғворлиги билан асрлар оша ҳайрат ва бемисл қудрат тимсоли бўлиб келган. Улуғворлик туйғусига миқёс ўлчови билан эришиб бўлмайди. Агар айрим обидалар (Бобил минораси, Минораи Калон, Миср пирамидалари ва ш. к.) ўзининг миқёси ва кўлами билан кишини ҳайрон қолдирса, бошқаси ўзининг нафислиги, рамзий ифодаси, ҳамоҳанглиги, юксак туйғуларни руҳлантириши билан катта аҳамият касб этади. Меъморий обидалар (Гўри Амир, Шоҳизинда, Ичан Қалъа, Регистон майдони, Исмоил Сомоний мақбараси, Чор Минор, Лаби Ҳовуз ва б.) идрок этилганда ўзгача улуғворлик туйғуси вужудга келади.*

Улуғворлик санъатда фожиавийлик билан намоён бўлади, улар ўртасида ўзига хос алоқадорлик мавжуд. *Навоий ва Шекспир асарлари, Шошмақом гўзал ва таъсирчан куй-оҳангларга бой бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам улуғворлик, ҳам фожиавийлик руҳи билан суғорилган. Лекин бундан фожиавийлик-улуғворлик, улуғворлик-фожиавийликдир деган хулоса чиқмайди. Масалан, Самарқанднинг Регистон майдонидаги мадрасалар улуғвор бўлиши билан бирга ҳеч қандай фожиали ҳис кўзгатмайди.*

Санъатдаги улуғворлик бадийий мазмун ва шаклнинг барча имкониятлари воситасида ифодаланса ҳам, ғоя асосий ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Муҳим аҳамиятли ғоя юксак руҳланган, мукаммал шаклнинг зарурлигини юзага келтириб, санъат асарининг буюклик

даражасини белгилайди. Фожиавийлик фалсафий ва эстетик аҳамиятга эга бўлиб, унда ҳаётнинг энг муҳим, чуқур зиддиятлари ва тўқнашувлари бўлган ҳаёт ва ўлим, озодлик ва зарурат, ақл ва туйғу, қонун ва бурч каби шахсий ва ижтимоий жиҳатлар намоён бўлади.

Санъатда фожиали оҳанг алоҳида аҳамият касб этади. Қарийб барча буюк ижодкорларлар яратган муסיқий асарларда фожиали оҳанглар мавжуд. *Бунга Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», «Мирзо Улуғбек» асарларидаги фожиали оҳанглар мисол бўлади. Бу драмалар махсус фожиа асари сифатида яратилмаган бўлса ҳам, уларда фожиали оҳанглар устувор даражада ифодаланган. Ҳар қандай фожиа заминид алоҳида фожиали тўқнашув ётади ва унинг энг муҳим томони сифатида кўламлилиқ, ижтимоий аҳамиятлиқ хизмат қилади. Гегель фикрича, фожиалилиқ моҳиятли кучлар тўқнашуви натижасидир, тўқнашувлар курашининг қандай тугалланиши билан инсоният истиқболи, тақдири боғланиб кетади. Бу эса фожиани санъатнинг фалсафий жиҳатдан энг ҳажмли турига айлантиради, унда ижодкорга инсониятни бутун тарихи давомида ҳаяжонлантирадиган ҳаётнинг туб масалаларини ҳал қилиши имкониятини беради.*

Фожиа қаҳрамони ижобий тасвирланади, ўз даврининг ижобий орзу-умидлари, у ёки бу ижобий қирраларини ўзида мужассамлаштирган кучли, ёрқин, улуғвор шахс намоён бўлади. Лекин фожиа тўқимасида бошқа турдаги қаҳрамонлар кам акс эттирилган бўлиб, қаҳрамонлар ўз тақдирлари билан томошабинда ўта зиддиятли ҳис-туйғулар кўзга кўрилади. Улар содир қилаётган мудҳиш кирдикорлари қатъий норозилиқ, айрим вақтларда ачиниш, ҳаттоки нафрат ва даҳшатни вужудга келтиради, чунки қабиҳ, жирканч шароит таъсирига тушган инсон ўзидаги гўзал инсоний хислат-фазилатлардан ҳам бегоналашади.

Фожиа қаҳрамоннинг фаоллиги, ўз орзу-иродаси, ҳаттоки ўзини қурбон қилиш эвазига бошқаларга бахт ато этишга интилиши унинг моҳиятли белгисини ташкил этади. Ўз иродасини ўрнатишга интилишида у тарихий имкониятсизлик билан тўқнашиб, худди мана шу тўқнашув, мазкур тарихий шароитларда ечимсиз қолиб, фожиани юзага келтиради. *Юксак фожиа қаҳрамоннинг машаққатли азоб-уқубатлари билан боғланиб, унинг ҳалокати билан тугалланса ҳам, инсон қалбида яшаши ва кураши истаги тугилади. Инсоннинг улуғворлигини тараннум этиши ҳам санъатнинг фожиа турида ёрқинроқ ифодаланади.*

Фожиавийлик санъатда ранг-баранг услубларда талқин этилиб, фожиа услубининг умумий белгилари қаторига кенг умумлаштиришларга интилиш, ақлий мазмун бойлиги, содалик ва яхлитлик, ҳаяжон ва эҳтиросларнинг юксаклиги кабилар киради. Фожиа тарихий даврнинг бурилиш пайтларида, эски ижтимоий алоқалар ва муносабатлар барбод бўлиб, эски сиёсий қарашлар, эстетик ва ахлоқий ақида-қоидалар машаққатли қайта баҳоланаётган шароитларда равнақ топади. Фожианинг тарихий шакли-қадимги дунё фожиаси (*Эсхил, Софокл, Эврипид*) эски патриархал тартиботлар емирилиб, тарихда биринчи синфий жамият

ўрнатилиши жараёнида вужудга келди. Унга хос бўлган «қисмат оҳанги» табиий ва ижтимоий қонунлар ҳақидаги тасавурларни акс эттирди.

Юнонлар инсоннинг азоб-уқубатлари учун маъсулиятни унинг ўзига юклаб, катта мардликка журъат этдилар. Азоб-уқубатнинг туб сабаби инсоннинг иродаси ва имконияти чегарасидан ташқарида эканлиги, қисмат билан тақдир инсондан кучли деб, у билан курашишга чақирдилар.

Ўрта асрларда Ғарб христиан мафкураси фожиа руҳига бутунлай қарши курашган бўлиб, бу даврдаги одамларнинг машаққатлари ва азоб-уқубатлари аввалгидан кам эмас эди. Азоб-уқубатларни гуноҳлар учун жазо ва инсониятнинг абадий насибаси деб эълон қилган христианлик аслида фожиани ҳам «тақиқлаган». *Фожианинг равнақи Уйғониш даврида бошланган, бу вақтда абадий ва қуламайдиган кўринган феодал муносабатлар замини емирила бошлаган, инсонга, ҳис-туйғули воқеаларга менсимай қараши ўрнига инсонни улуглаш, унинг чексиз имкониятларини куйлаш инсонпарварлик фалсафаси қарор топаётган эди.*

Уйғониш даври фожиаси янги тарихий вазиятни, қадимгига нисбатан бошқа шахс мавқеини ифодалайди. Агар қадимги фожиада шахс ҳали ўзини жамиятдан ажратмаган ва шунинг учун у ёки бу ахлоқий ғоя намояндаси сифатида амал қилган бўлса, Уйғониш даври фожиасида шахсий эҳтирос ва ирода бош оҳанг сифатида жаранглайди. Тарки дунё азобидан, ўрта аср табақавий чекланганлигидан озод бўлган инсон ўз иродасини, ўзлигини ўрнатишга, унга ҳали ҳам қарши турган воқелик билан тўқнашади, бошқа одамларнинг орзу ва интилишлари билан курашга киришади. Бу ерда қисмат ва тақдирга ўрин қолмайди, фожиа манбаи – инсоннинг ўзи, унинг Ер куррасидаги ҳаёти, ўз мақсади сари интилаётган кишилар тўқнашуви, уларнинг бошқаларга ва ўзларига нисбатан содир этадиган ёвузликларидир. Уйғониш даврининг фожиаси Шекспир ижодида энг тўла ва бадиий қудратли ифодасини топди.

Шекспир асарларида кучли, жасоратли, ғурурли, эркин инсон тимсоли акс этган. Шекспир қахрамонлари ўзлигини сақлашга, ўз озодлигини инсон руҳини синдириб ҳалокатга судраётган тузум шароитида ўрнатишга интилишни намоён этади. *Шекспирнинг «Гамлет» фожиасида қарама-қарши кучлар тўқнашуви ташқи муҳитдан қахрамоннинг ички дунёсига ўтказилган. Бу ерда Шекспир саҳнада бир неча аср кейин кенг ўрин эгаллаган ақлий-руҳий драмага йўл очган. «Гамлет»нинг абадий, мангу сир-аҳамияти, сўнмас кучи ва таъсирчанлиги ундаги маънавий-руҳий ҳамда фалсафий бойликнинг воқеликнинг ижодий-яхлит идрок қилиши билан қайтарилмас даражада қўшилиб кетганлигидадир. Гамлет – инсонпарвар, айнаи вақтда дадил ҳамда қўрқмас жангчи ҳам. У фикр-мулоҳазаларга кўп вақт сарфлайди ва сусткашлик қилади. Лекин бу унинг юмшоқ табиатлигидан эмас, балки Клавдийнинг ўлдирилиши билан ўша вақтда ечими топилмайдиган «майиб асрни тўғрилаш» вазифасини бажаролмаслигига ақли етганлигидан вужудга келади. Унинг ахлоқий галабаси – қўрқмас инсон тафаккурининг*

галабасидир, гарчанд бу қаҳрамоннинг ўлими эвазига эришилган бўлса ҳам, буюк сабоқ ва келажак авлодларга васият сифатида идрок қилинади.

Ч.Айтматовнинг «Кунда» романи бадиий оҳанги, эҳтиросли тўқнашувлар руҳи, улкан ҳиссий таъсир кучи, қаҳрамонлари тақдири жиҳатидан ўта фожияли асардир. Унда шўролар даврида кенг томир ёйган ижтимоий, ахлоқий, экологик муаммолар фожияси огоҳлантирувчи қудратли бонг овозидай жаранглайди. Чин фожия асари фожия ижодкоридан фалсафий чуқур ва кўлами кенг тафаккурни, ўзидан «асрнинг барча ҳолати»ни (Гегель) чиғиригидан ўтказишга қобил шахс эҳтиросининг юксаклиги билан чамбарчас боғлашни талаб этади.

Кулгилилик – инсоннинг дунё воқеа-ҳодисаларига ўзига хос муносабатларидан бири, дунёга кулгили нигоҳ билан қарашдир. Кулгилилик мураккаб категория бўлиб, кулги кўзғайдиган ҳодисаларнинг бениҳоялиги, энг муҳими, кулгилилик кўлами ҳамда чегарасининг ўта ҳаракатчан, қўнимсиз, ўзгарувчан бўлиши натижасида нима, қачон, қаерда, қандай шароитда кулги кўзғайди, нима, қачон, қаерда, қандай шароитда кулгини тўхтатади ёки умуман кулгига олиб келмайди, деган саволга бир мазмунда жавоб топиб бўлмайди.

Кулгилилик бошқа эстетик ҳодисалар каби фақат объектив томонга эга бўлмай, субъектив томонларни ҳам ўзида бирлаштиради. Кулгилиликнинг субъектив томони – кенг маънодаги ҳазил (юмор) туйғусидир (*Жумладан, Мольер ҳазил туйғусини инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган хусусияти деб атаган эди*). Ҳазил туйғуси шахснинг табиий ва эркин, бевосита идрок этиш натижасида турли кулгили беўхшовликларни кўриб, уларга кулги билан жавоб бериш қобилиятининг ифодасидир. *Ҳазил жуда мураккаб ақлий туйғу бўлиб, унда шахс ўзининг бутун борлиги билан намоён бўлади, унинг ҳис-туйғу ва ақл маданияти, орзу-умидлари бус-бутун намоён бўлади, яъни инсоннинг нима ҳақда кулаётганига қараб, унинг кимлигини айтиши мумкин бўлади.*

Инсоннинг турли сабабларга кўра кулгиси қистайди. *Масалан, тўйимли ва мазали овқатланишдан роҳатланиб куладиган одамлар ҳам учрайди: чунки бундай одамлар учун кулги ҳаётни соф физиологик-жисмоний идрок этиш ифодаси бўлиб хизмат қилади.*

Бевосита кулгилилик билан боғлиқ бўлган кулги масаласига шуни айтиш керакки, у бирор бир ҳодиса, аввало, инсоннинг ташқи кўриниши билан унинг асл моҳияти ўртасидаги номувофиқлик зиддияти, бошқача айтганда, амалдаги воқелик билан юксак эстетик орзуларга мос келиши керак бўлган воқелик ўртасидаги муҳим тафовутлар, беўхшовликлар, келишмовчиликларни табиий англаш натижасида вужудга келади.

Айрим кишилар ўзининг пасткаш, жоҳил, лоқайд, худбин моҳиятини ташқи виқор, қимматбаҳо кийим, олифталик, манманлик, такаббурлик, бошқаларни менсимаслик билан «безаб» кўрсатади. Бундай табиатли одамлардан кулишни ҳам, қувонишни ҳам билмайсан. Унинг моҳияти билан ташқи кўриниши ўртасидаги беўхшовлик кулиш манбаи бўлса, қувонишнинг сабаби мазкур ҳақиқатни англашдан, ҳақиқатни ёлғондан

ажратили қобилиятининг мавжудлигидан келиб чиқади. Кулги шу тариқа инсонни руҳан кўтаради, унга инсоний гурур туйғуси бағишлайди.

Кўрқув ва кулги бир-бирига қарама-қарши тушунчалар бўлиб, инсон ярамас ва хунук ҳодисалар устидан кула олса, ўша иллатлардан кўрқувни тарк этади, улар билан курашишга бел боғлайди.

Кулги кишиларни қовуштириб, бараварлаштиради, кулишаётган одамлар ўзаро тенглашадилар. Кулги эскилик билан курашнинг омилкор воситаси, шунингдек, инсоннинг куч-қудрати ва озодлиги тимсоли ҳамдир. Кулги беқиёс ранг-баранглик, хилма-хил қирраларга эга бўлиб, майин, рағбатлантирувчи, хушфеъл ҳазил туйғусидан тортиб, то аёвсиз аччиқ истеҳзогача бўлган кенг доирада амал қилади.

Кулгилилик ўзининг эстетик ифодасини комедияда топади. Комедия билан кулги эгизаклар тушунчалардир. Кулги комедияда тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини очиб беришнинг ҳал қилувчи воситаси, тасвирланаётган объектга нисбатан эстетик баҳолашнинг ва муаллиф муносабати ифодасининг асосий шакли ҳисобланади.

Комедия бадий танқид ва ўз-ўзини танқид қилишнинг ўзига хос шакли бўлиб, ёмон хулқ, ёмон одам, ёмон ҳодисаларни тўғридан-тўғри, бевосита тузатишга, яхшилашга олиб келади, деб айтиш мумкин. Комедия ахлоқ-одобдан сабоқ бериб қолмай, ҳаётдаги кулгилиликни илғаб олиш қобилиятини ўстиради, одамларда ҳазил туйғуси каби қимматбаҳо фазилатни ривожлантиради.

Кулгилиликнинг бадий шакллари орасида масхара (сатира) алоҳида ўринга эга. Масхара воқеликни бадий тасвирлаш тури бўлиб, унда ҳаётнинг салбий ҳодисалари устидан кулиш каби ҳодисалар асосида юксак инсоннинг орзуларига зид эканлигини бўрттириб кўрсатиш мақсади ётади.

Масхара марказида доимо ҳаётнинг салбий воқеа-ҳодисалари акс этган бўлиб, бутун фош қилиш кучи уларга қарши қаратилган бўлади. Шунинг учун комедия санъатига хос танқидийлик йўналганлик масхарада энг тўла ва энг аниқ ифода топади. Гоголь, Сальтиков-Шедрин, Булгаков, Гулханий, Чингиз Айтматов, Саид Аҳмад ва бошқа ёзувчилар асарларида масхара умумбашарий муаммоларни кўтариш даражасига чиққан.

Масхара ўз мақсадига эришиш йўлида воқеликни англашнинг барча эстетик шаклларида фойдаланади ва биринчи навбатда, кулгилиликнинг барча турлари – зардали ҳазил туйғуси, аччиқ киноя, нозик ҳазил туйғуси билан ишга солинади. Масхара енгиллик, ўткир фикрлик ва ҳазил билан қўшилиб, айрим иллатларни фош қилиш вазифасини амалга оширади.

Ҳозирги даврда умуминсоний мақсад-манфаатларнинг устуворлиги умуминсоний қадриятлар воситасида жаҳон халқлари ҳаётида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган экан, инсониятнинг мана шу бош тараққиёт йўлини тўсадиган барча чирик, эскириб қолган, қотиб қолган жараён, воқеа-ҳодисалар кишиларнинг ўткир ва ҳаётчан масхара объекти бўлиб қолаверади.

6-мавзу. Бадиий асарни эстетик идрок этиш ва эстетик тарбия

1. Бадиий асарни эстетик идрок этишнинг ҳиссий ва ақлий асослари. Эстетик мушоҳада. Эстетик ҳукм. Эстетик қобилият
2. Санъат асарини эстетик идрок этишнинг ижодийлик табиати
3. Эстетик тарбия ва унинг замонавий йўналишлари ва воситалари
4. Санъат – эстетик тарбиянинг асосий воситаси сифатида. Халқ эстетик эҳтиёжи ва бадиий дидини юксалтиришнинг долзарблиги

Эстетик идрок мазмуни кенг қамровли тушунча бўлиб, нарсаларнинг ўзига хос хусусиятларини тафаккур орқали талқин этишда ҳамда турли хил муносабатларни ўрганишда кўмаклашади. Идрок жараёнининг тўғри шаклланиши ақлий тараққиётнинг асосий омилдир, яъни идрок предмет ва ҳодисаларнинг яхлит қиёфасини акс эттириб, у воқеликни инсон сезги аъзоларининг таъсири орқали белгиловчилик ва бошқарувчилик имкониятларини намоён этади.

Моддий буюмларни идрок этишдан фарқли равишда, бадиий идрок жараёнлари ўта талабчанлиги билан ажралиб туради, яъни бадиий идрок ижодий жараён билан боғлиқ тарзда намоён бўлади. Китобхон бадиий асарни ўқиб тугаллагандан сўнг унинг ўқиганларини идрок этишга бўлган кейинги ҳолати ҳам тугалланади. Китобхон энди бошқа бир бадиий жараённи идрок этишга «тайёргарлик» кўради. Аввалги асарда олган таассуротларини янги асардаги мавжуд воқеалар тафсилотида кўлламайди. Зеро, *«Ўтган кунлар» романидаги воқеалар тафсилоти «Шайтанат» романидаги воқеалар тафсилотида мутлақо мос келмайди.*

Бадиий ижодни идрок этиш шу жиҳати билан моддий нарсаларни идрок этишдан фарқланади. Ижод жараёни тўхтаса, бадиий идрок ҳам якун топади. Бадиий асарни бадиий тарзда идрок этиш натижасида инсон воқеликка теран кўз билан назар ташлашга, мавжуд муаммоларни тафаккур билан нозик туйғулар ёрдамида ҳал этишга ҳаракат қилади.

Бадиий идрок фавқулудда ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, у ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Бундай ҳолатни бадиий асарни қайта ўқиш жараёнида кузатиш мумкин. *Масалан, Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» қиссасини оладиган бўлсак, ундаги Асадбек образи кишилар тасаввурида ҳам ижобий ҳам салбий қаҳрамон сифатида гавдаланади. Шунга кўра, айрим китобхонлар Асадбекнинг қилмишларини қораласалар, бошқа китобхонлар унинг «марҳаматини» яхшиликка йўядилар. Энг ажабланарлиси шундаки, китобхоннинг асар қаҳрамонларини салбий ёки ижобийликка ажратишига ҳеч ким тўсқинлик қилмайди, улар китобхон бадиий идроки қобилиятига кўра фарқланади.*

Бадиий идрок ижод жараёнини баҳолаш мезонидир. Ижодкор бадиий асарни яратишдан аввал ўз олдига асар воқеаларининг тафсилотини «мяси»да пишитиб боради ва муайян режага солади. Шундан сўнг ижодкор истеъдодини ишга солиб, асар қаҳрамонларига «жон» киргизади. *Шахснинг руҳий оламига таъсир этиши, уни бадиий-нафосатли жиҳатдан юксак погоналарга олиб чиқиши нафосатли*

идрокнинг муаммоси бўлиб, инсоннинг воқеликка ҳиссий-ақлий муносабати ҳамда унинг нафосатли идрок этиши қобилиятига, асар қаҳрамонларининг кечинмаларини ҳис қилиши лаёқатига ҳамда уларни онгли тарзда мушоҳада этиши маданиятига эга бўлишини таъминлайди. Бадиий идрокнинг мазмунига дахлдор бўлган бадиий қадриятлар яратилиш жараёнига замонавий-тарихий босқичлардан келиб чиққан ҳолда нафосатли назариялар асосида муносабат билдириши мақсадга мувофиқ, яъни бадиий асар миллат равнақи учун қандай ҳисса қўшади, у миллат бадиий тафаккурини ўстиришида қандай аҳамият касб этишини тўғри англаш учун нафосатли назарияларга мурожаат этиши ўринлидир. Бадиий идрок инсоннинг ҳаётга бўлган қизиқишини кучайтиради ва ўзи ҳам шу асосда ривожланади.

Нафосатли идрокни тадқиқ этмай туриб, бадиий ижод назариясини тўлақонли англаш ва санъатнинг ижтимоий табиатини очиб бериш мумкин эмас. Нафосатли идрокнинг ўзига хос хусусияти бадиий ижоднинг табиати ҳамда санъатнинг ижтимоийлик моҳиятига таъсир кўрсатиши билан боғлиқ. Иккинчидан, нафосатли идрок қонуниятларини тадқиқ қилиш санъат ва бадиий ижод мазмуни ва моҳиятини тўла намоён қилишга имкон яратади, яъни нафосатли идрок моҳиятан инсонни воқеликни бадиий образ орқали ўзлаштиришида намоён бўлади.

Маълумки, санъат турларининг барчаси ижодкор ва томошабин нигоҳидан ўтгач, қадриятга айланади. Томошабин бадиий асар билан яқиндан алоқа қилиб бориши натижасида бадиий жараёнга тўғридан-тўғри таъсир кўрсата олиши мумкин. Шундай экан, ижодкор хоҳлайдими-йўқми томошабиннинг диди билан ҳисоблашишга мажбур. Ана шундай талабларни ҳис қилган ижодкор, масалан, агар у драматург бўлса, сахна безакларидан тортиб, актёрларнинг барча хатти-ҳаракатини синчиклаб кузатади, ўз фикрини билдиради..

Санъат асарларида рангни идрок этиш мураккаб жараён ҳисобланади. Бу эса инсондан санъат асарига онгли муносабатда бўлишни, ҳаттоки, рангнинг миллийлик хусусиятларига эътибор беришни талаб этади. *Рассом муайян мавзудаги асарни истаган ҳажмда чизиши мумкин, масалан, табиат манзарасининг тасвири катта ёки кичик ишланишидан қатъий назар, томошабин уни табиат гўзаллиги (ёки ҳунуклиги) тарзида идрок қилади. Томошабин уни узоқдан томоша қилиб, бир маъно уқса, ўша асарни яқиндан томоша қилишга мўлжалланган ҳайкалтарошлик асарида бошқа маънони англайди. Қизиқарли томони шундаки, мазкур санъат турига хос шундай асарлар борки, уни фақат узоқ масофадан томоша қилиш билан унинг мазмуни ва моҳиятини тўлақонли тарзда идрок этиши мумкин.*

Пойтахтнинг «Марказий ҳиёбон»идаги Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали оқшом пайтида узоқдан томоша қилинса, буюк жаҳонгир Темурнинг салобати, улугвор сиймоси гавдаланади. Аксинча, уни яқиндан томоша қилинса, аввалги ҳолат рўй бермаслиги мумкин.

Нафосатли идрок шаклланиши тадрижийлик асосида ривожланиб, маълум кузатувлардан сўнг намоён бўлади. Инсон санъат асарини нафосатли идрок этиши билан бирга ўзининг маънавий эҳтиёжини ҳам қондиради. Ана шу эҳтиёж пировардида унинг турмуш ташвишларини енгиллаштиришга, ҳаётнинг мураккаб сўқмоқларидан матонат билан ўтишга кўмаклашади ва бунёдкорлик ва яратувчанликка чорлайди.

Нафосатли идроки тарбияланган инсон Навоийнинг «Хамса»сидан эзгулик, маънавий камолот ва бунёдкорлик, Қодирийнинг «Ўтган кунлар»идан вафодорлик, Чўлпон шеърятидан ватанга муҳаббат, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидан тубанлик, пасткашлик, тилёгламачиликка қарши нафрат туйғулари, Чустий шеърятидан баҳорий кайфиятни ҳис этади.

Илмий асарни тушуниш учун инсон мазкур соҳага доир билимлардан хабардор бўлиши керак. Акс ҳолда асар ўқувчига қизиқарсиз ва тушунарсиз бўлади. Бадиий асарнинг моҳиятини билиш ёки унинг мазмунини ўзлаштириш учун мазкур жараёни махсус ўрганишга эҳтиёж сезилмайди. *Ижодкор бадиий асарни яратар экан, аввало, идрок қилувчида асар қандай таассурот қолдириши, асар қай тариқа китобхонда тугёнийлик кайфиятини уйғоти ҳақида ўйлайди. Асарни идрок қилиш натижасида юзага келган қайғуриши, ачиниши, жунбушга келиши, завқланиши сингари ботиний ҳолатлар ўз навбатида шахсий «мен»нинг юзага келишига сабабчи бўлади.*

Нафосатли идрок жараёнида идрок қилувчи (томошабин, ўқувчи, китобхон) воқеликда кечаётган жараёнлар ҳақида маълумотга эга бўлади. Бу эса санъат асарини ҳиссий-ақлий идрок этиш учун замин яратади. Бадиий асарни ҳиссий-ақлий идрок қилиш орқали инсон юксак аъмоллар (идеаллар) сари интилади, эзгулик ва ҳақиқатнинг ғалаба қилишига ишонч ҳисси ҳамда қалбида жунбушга келган гўзал ҳиссиётларни намоён қилиш имконига эга бўлади.

Ижодкор асарни икки кўринишда – мураккаб ёки содда ифодалашга ҳаракат қилади. Айримлар асардаги мураккаб жараёнларни ўзининг ақлий-ҳиссий идрок этиш қобилияти билан тезда тушуниб этади. Шунинг учун бу тоифа китобхонлар кўпроқ фалсафий мазмундаги китобларни мутолаа қилишни хуш кўрадилар. Бошқалар эса содда, жўн ёзилган асарларни ўқишга мойилдир. Асар ўзида мафкуравий ғояларнинг муайян жиҳатларини мужассам этишини ҳисобга олсак, бундай ҳолатларни англаш учун идрок қилувчининг бу хусусда етарлича билимга эга бўлиши ҳамда ақлий-ҳиссий идроки камол топган бўлиши талаб этилади.

Бугунги кун китобхонининг олдига қўйиладиган талаб ҳам айнан ана шулардан иборат. *Зеро, экстремистик руҳдаги китоблар, миллат равнақига раҳна солувчи кинофильмлар, ёвузликка бошловчи ранг-баранг адабиётлар замиридаги мафкуравий ва гоявий мақсадларни фақат ақлий-ҳиссий идрок тарбияси орқали фош этиши мумкин. Зеро, бадиий идрок ҳам, нафосатли идрок ҳам моҳиятан инсон ҳиссиётини тарбиялашда,*

ҳаёт қувончларидан баҳраманд бўлишда, ижтимоий муносабатларда намунали фаолият олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

XX аср буюк кашфиётлар асри сифатида тарихда муҳим из қолдирди. Инсон аввалги даврларга қараганда ўзининг юксак салоҳиятини намоён қилишга муайян маънода эришди: замонавий шаҳарлар бунёд этилди, кўркам, салобатли, осмонўпар бинолар барпо қилинди, эҳтиёж учун зарур бўлган моддий неъматлар ишлаб чиқилди. Уларнинг барчаси инсон тафаккурининг маҳсули саналади. Тафаккурни тўғри йўналтириш бевосита тарбия масалалари билан боғлиқ жараён бўлиб, нафосатли тарбия ана шу жараёнда тафаккурни гўзаллаштиришга хизмат қилади.

Тарбиянинг бош вазифаси инсон борлиғини камол топтиришдир. Ҳуқуқий, ахлоқий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа тарбия шаклларининг барчасида инсон масаласи ётади. Уларнинг ҳар бири ўз тадқиқот доирасидан келиб чиқиб, у ёки бу тарзда инсон тарбиясига таъсир кўрсатади. Бу борада нафосатли тарбия шахснинг диди, ҳис-туйғулари, тасаввурларини турли воситалар орқали тарбиялашни зиммасига олади.

Нафосатли тарбия назарияси табиат ва инсон ўртасидаги нафосатли моҳият орқали изоҳланади ва шахснинг ҳаёт фаолиятига чуқурроқ назар ташлашга ундайди. *Нафосатли тарбия – шахснинг диди, туйғулари, тасаввурларини зарур воситалар орқали тарбиялаб, ижтимоий тараққиётнинг барча жабҳаларида аниқ мақсадларга йўналтирилган фаолият сифатида иш олиб боради.*

Нафосатли тарбия ўз-ўзидан пайдо бўлиб, ривожланадиган «микроорганизм» ҳам, айна пайтда бирдан тўхтаб қоладиган «механизм» ҳам эмас. У секин-аста инсон томонидан орттирилган ҳаётий тажриба, кўникма, билим орқали шаклланиб боради. Нафосатли тарбия моҳиятига кўра, инсоний аъмол (идеал) билан боғлиқ бўлиб, мазкур аъмол эгаси бўлган шахс бошқалар орасида нафис дидга, покиза туйғуларга эгаллиги билан ажралиб туради. Нафосатли тарбия бадиий тарбия билан муштаракдир. Нафосатли тарбиянинг бадиий тарбиядан фарқи бор. Нафосатли тарбия бадиий тарбия билан узвий алоқада бўлиб, бадиий тарбия ижод жараёнидаги ранг-барангликлар оламини инсон томонидан нафосатли тарзда англаш ва ўзлаштиришнинг бир қисмини ифодаласа, нафосатли тарбия жамиятда маънавий муҳитни пайдо қилишга кўмак берувчи, инсон дидини шакллантирувчи, ривожлантирувчи ҳамда шу орқали инсонни жамият муносабатларига яқинлаштирувчи кучдир. Нафосатли тарбиянинг пировард мақсади инсон маънавий оламини бойитишга қаратилган бўлади.

Нафосатли тарбия инсонни бунёдкорликка ундаш билан бирга, уларни нафосат тамойиллари, гўзаллик талаблари асосида ривожлантиришига ўргатади. Инсон дунёга нафосатли қараши бой, ҳис-туйғу ва диди тарбияланган ҳолда келмайди. Бу кўникмалар воқеликни кузатиш, ўрганиш ва улардан тегишли хулосалар олиш натижасида юзага келади. Пировардида, инсон ана шу туйғулар таъсирида ўзи учун мутлақо янги бўлган оламни кашф этади.

Нафосатли тарбия нафосатли туйғу ва нафосатли диднинг инсон ҳаёти ва фаолиятида устувор бўлишини таъминлайди. Нафосатли тарбиянинг вазифалари қуйидагилар:

– *инсонда санъат асарлари, бадий ижод намуналарини нафақат фаол ўзлаштириши, балки уларнинг нафосатли моҳиятини англаш ва баҳолаш қобилиятини такомиллаштириши;*

– *жамият аъзоларининг ижодий имкониятларини намоён қилдириши ва улардан фойдаланишга ишонч туйғусини уйғотиши;*

– *табиат, жамиятдаги жараёнларга соф туйғу билан муносабатда бўлиши ва уларни равнақ топтириши йўлида астойдил фаолият олиб бориши кўникмасини ҳосил қилиши;*

– *ўтмиш маънавий меросига чуқур ҳурмат ҳиссини уйғотиши, миллий гурур, миллий ифтихор туйғусини шакллантириши учун замин яратиши;*

– *ижоднинг барча турларини тараққий эттириб, жаҳонга юз тутуши ва уларни миллат манфаатлари учун наф келтирадиган томонларини тарғиб қилишга ундаш.*

Санъат моҳиятан инсоннинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатишга қодир бўлган муҳим жараён сифатида аҳамиятини йўқотмаган. Санъат инсоннинг эҳтирос ва туйғулар оламига сингиб, уларни йиғлатади, кулдиради, ўйлашга, фикрлашга мажбур қилади. Шунинг учун санъат барча даврларда инсонга ҳамроҳ бўлган.

Маълумки, эҳтирос, туйғу, кечинмалар инсоннинг тирик мавжудот эканидан далолат беради. Мазкур жараённи бошқариш асоси инсоннинг воқеликни кузатиши ва баҳолай олиши билан белгиланади. Санъатни «бир нарсани яхши ишлаб чиқаришдан иборатдир» деб билган таниқли жадид мутафаккири Абдурауф Фитратнинг санъат ва унинг инсонга кўрсатадиган таъсири тўғрисида мулоҳазалари диққатга сазовордир:

«Буюк бир шодлик кўрган киши ўзининг шод туйғуларини бошқаларга билдириб, шодлигини орттирадир. Улуг бир қайғуга учраган эса, ўз дардини бошқаларга ўтқариб, ўзини овунтирган бўладир. Мияси юксалмаган болалар санъатдан хабарсиз кишилар шодли-қайғули туйғуларини сакраб, ўйнаб, кулиб, йиғлаб, талпиниб жонлантирадидлар, очиққа чиқариб бошқаларга англадиларда, шу йўл билан овунтирилган бўладилар, санъат эгалари эса турли товар (материал)лар ёрдами билан ўзларининг туйғуларини жонлантириб майдонга чиқарадир. Шу йўлда бошқаларни ўз туйғулари билан туйғулантиришга тиришадир».

Ижобий фазилатлар, бадий-нафосатли аъмоллар (идеаллар) инсон ҳаёти мазмунига кўрк бағишлайди. Ахлоқий ва нафосатли тарбияда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади муҳим аҳамият касб этади. Гоҳида мақсад мавҳум тушунчага айланиб, шахс табиатига мутлақо зид бўлган ҳолатни келтириб чиқариши натижасида кўзланган мақсад амалга ошмаслиги мумкин. Яшашдан мақсади ўз шахсий манфаатларини қондиришга қаратилган, худбин, пайти келганда бировнинг номини сотиб бўлса ҳам эҳтиёжини қондиришга зўр берувчи уддабуронлар ана шундай ҳолатга

тушиб қоладилар ва нафақат ўзларига балки ён-атрофдагиларга, ҳатто жамиятга катта зарар келтирадилар. Ҳаётӣ муносабатларни ижобӣ хулқ-атвор билан йўғрилмаганлиги бу каби ҳолатларни юзага келтирадиган асосӣ сабабидир.

Бугунги кун инсондан мақсад, туйғу, фаолият ва фикр уйғунлигига эришиш ҳамда оламнинг гўзаллигини англаш билан бирга унинг мураккаблиklarини енгиб ўтишни талаб қилмоқдаки, бу миллий мафкурани шакллантиришдек долзарб вазифани теран ҳис этишда катта аҳамиятга эга. Чунки *«мафкурани шакллантириш жараёнида мамлакатни бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккурига асосланиши лозим»* (Ислом Каримов) лиги бежиз таъкидланмаган. Ана шундай жараёнларни амалга оширишда санъат асосӣ восита бўлиб хизмат қилади. Санъат нафақат гўзалликни, балки жамиятдаги ва инсоний муносабатлардаги жамики икир-чикирларгача бадиий кифолар орқали акс этиришга ҳаракат қилади. Бир сўз билан айтганда, санъат инсонга энг яқин ва айни пайтда ундан ажралмайдиган ҳодисадир.

Замонавий инсонни нафосатли тарбиялашда санъатнинг муҳим ўрни бор. Агар инсон ўзининг нафосатли туйғуларини мақсадли, ижобӣ томонга йўналтирса, келажакда буюк ишларни амалга оширишига кўмак беради. Туйғулари ҳали шаклланмаган, нафосатли диди рисоладагидек тарбия кўрмаган одам мавжуд ҳаётӣ қийинчилик ва ташвишлар қаршида ожизлик қилади ва натижада ёт ғоялар таъсирига тушади. Чинакам санъат инсонни ана шундай салбий ҳолатларга тушиб қолмаслигини кафолатлайди.

Шахс нафосатли тарбиясини санъат воситасида амалга оширишнинг афзал томони икки хусусиятда акс этади: биринчидан, санъат ижтимоий англашнинг бошқа шаклларида қараганда инсонга бирмунча яқинроқ ҳамда тезроқ таъсир кўрсатиш имкониятига эгадир. Иккинчидан, санъат инсонни нафосатли камолотга етказиш жараёнига муайян мафкуравий мазмун бағишлаши билан бирга инсон маънавий қадриятларини рўёбга чиқаришда яқиндан ёрдам кўрсатади.

Инсон тафаккурини гўзаллаштириш нафосатшуносликнинг тадқиқот объекти ҳисобланса, нафосатдор тарбиянинг предмети оламни нафосатли англаш ва нафосатли мушоҳада қилиш билан белгиланади.

Инсоннинг нафосатли диди унинг гўзалликдан хунукликни, улуғворликдан тубанликни, фожиавийликдан кулгилиликни ажрата олиш қобилиятига қараб белгиланади.

Дид инсонда юксак ёки паст даражада мавжуд бўладиган ҳодисадир. Дид ёрдамида инсон ҳаётӣ фаолиятини шакллантиришга ҳаракат қилади. Инсоннинг қай даражада дидга эга бўлиши нафосатни тушуниши билан белгиланади. Шубҳасиз, дидсизлик фожа эмас, аксинча, бирор шахснинг паст даражадаги диди бошқа бир юксак дидли шахснинг дидига ҳукмронлик қилса ва уни ўз измига бўйсундиришга ҳаракат қилса,

дидсизлик фожиага айланиши мумкин. Бундай ҳолат ўз навбатида ҳаёт гўзалликларидан баҳраманд бўлишга монелик кўрсатади. Санъат ана шундай фожиаларнинг олдини олишда инсонга кўмак беради.

Инсонни нафосатли ҳамда бадиий жиҳатдан тарбиялаш фавқулодда мураккаб ва серқирра жараён дир. Бугунги кунда жамиятимизда амалга оширилаётган ижобий ишларнинг барчаси ана шу мақсадни тўғри йўналтиришга қаратилган.

Санъат инсоннинг эстетик тафаккурини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Санъат воқеликни бадиий қиёфалар ёрдамида акс эттиради, ўзида моддийлик ва маънавийликни эстетик мазмунини намоён қилади, ижтимоий ҳаётга янгича кўрк бағишлайди, уларни қайтадан ташкил этади ва ўзгартиради. Демак, санъат воқеликка эстетик муносабатнинг кенг қамровли жабҳаси бўлиб, инсонни нафосат олами ва бадиий дидини шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади.

Санъатнинг тарбиявий-ғоявий вазифаси ҳаёт ҳақиқатларини қайтадан тиклаш орқали намоён бўлади. Эстетик ҳақиқатнинг ўзи ҳаётни бадиий ижод қонунлари билан акс эттириши натижасида вужудга келади.

Санъатнинг инсонга кўрсатадиган яна бир муҳим аҳамияти шундаки, бадиий ижод нафақат ҳаёт ҳақиқатларини очиб беришга кўмаклашади, балки миллионлаб одамларни мазкур ҳақиқатдан хабардор қилади. Бу билан санъат инсон тафаккурида ҳар қандай бўшлиқнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди. *«Бугунги ҳаётимизнинг кечаги кунимиздан асосий фарқини топмоқчи бўлсак, бу аввало одамлар тафаккури ўзгариб, аниқроғи юксалиб бораётгани билан белгиланади»* деб таъкидлаган эдилар 1-Президентмиз. Дарҳақиқат, замонлар ўзгариши инсоннинг жамиятга, табиатга бўлган муносабатини ҳам ўзгартиради. Мазкур жараёнларда нафосатшунослик амалий жиҳатдан ўзини нафосатли тарбия орқали намоён этади.

Нафосатли тарбия инсонда ҳаёт ва санъатдаги гўзалликлардан баҳраманд бўлиш, уларни баҳолаш ҳамда ўзи ҳам гўзалликлар яратиш туйғуларини шакллантиришга кўмак берар экан, бу жараён бир қатор омиллар ва воситалар иштирокида амалга оширилади. Оила, маҳалла, мактабдан ташқари муассасалар (боғча, боғча-гимназиялар), мактаб (академик лицей, касб-ҳунар коллележлари) бадиий-ҳаваскорлик тўғараклари, олий ўқув юртлари нафосатли тарбияни шакллантирувчи асосий омиллар саналади.

Маҳалланинг муҳим омил сифатида шахс нафосатли тарбиясига таъсири катта бўлиб, маҳалла ўзига қарашли ҳудуднинг тозалиги, ободлиги ҳамда фуқароларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаши, турмуш нафосати ва муомала маданиятини шакллантириб, инсон қалбида ижобий туйғулар, умидбахш орзуларни намоён эттириши, маҳаллийчилик ва миллатчилик сингари салбий ҳолатларга йўл қўймаслиги ҳамда қўни-қўшничилик муносабатларини юксак даражага кўтариши, санъат, адабиёт, маданият, маърифат арбоблари, илм аҳллари иштирокида бўладиган ранг-баранг мавзулардаги маърузаларни, суҳбатларни

уюштира олиши, исрофгарчиликка, дабдабабозликка йўл қўймаган ҳолда урф-одат, анъана, маросим, тантанали шодиёналарни тартибли, чиройли ўтишини таъминлаши кабилар билан инсон нафосатли тафаккурини шакллантиришида бирламчи маскан бўлиб ҳисобланади.

Инсон ўзининг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида азалдан табиат билан ҳамкорлик қилиб келган. Инсоннинг табиат билан нафосатли тафаккури тўғри тарбияланмаганлиги ҳамда нафосатли «нўноқлиги» боис, улар ўртасида катта бўшлиқ юзага келиб, экологик муаммоларни келтириб чиқарди.

«Биз табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирмаймиз, балки ундан ўзлаштириш бизнинг бурчимиздир» шиори остида олиб борилган қабих сиёсат экологик инқирозни вужудга келтирди. Жумладан, ер сифат таркибининг тўхтовсиз пасайиб бораётганлиги, сув заҳираларининг (ер ости ва ер усти) кескин тақчиллиги, Орол денгизининг қуриши каби хавфли ҳолатларни тилга олиш ўринли. Бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш эса инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган кўплаб табиий-моддий бойликларни тежаб қолишга, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб қолишга ва энг асосийси, инсон генофондининг йўқ бўлиб кетиши хавфининг олдини олишга имконият яратади.

Нафосатли тарбиянинг барча воситалари шахснинг воқеликка нафосатдор муносабатини равнақ топтиришга хизмат қиладиган фаолият бўлиб, ўзига хос таъсирчанлик, туғёнийлик кучига эга.

Санъат, табиат, урф-одатлар, меҳнат, оммавий ахборот воситалари, спорт нафосатли тарбияни шакллантирувчи ва унинг ривожланишига кўмак берувчи асосий воситалардир.

Тарбиянинг эстетик шакли инсонни гўзаллик ҳақидаги туйғулари, табиатга бўлган муносабати, бадий адабиётга қизиқиши, жамиятга бўлган қарашларини гўзаллик ва улуғворлик асосида тарбиялаш вазифасини адо этади.

7-мавзу. Мантиқ илми предмети ва аҳамияти. Мантиқ фани ривожининг асосий босқичлари

1. Мантиқ – тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан
2. Тафаккур – мантиқ илмининг ўрганиш объекти сифатида
3. Тафаккурнинг мантиқий шакллари ва қонунлари ҳақида тушунча
4. Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон ва Римда мантиққа оид билимларнинг вужудга келиши ва тараққиёти. Яқин, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёда мантиққа оид билимларнинг тараққий этиши
5. XX асрда мантиқ илми ривожи

Мантиқ тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан бўлиб, юнонча «*логика*» атамасига тўғри келади. Мантиқ арабча сўз бўлиб, фикр, сўз, ақл, фаросат, қонуният каби маъноларга эга. Тафаккур мантиқ илмини ўрганиш объектини ташкил этади. Тафаккур арабча сўз бўлиб,

фикрлаш, ақлий билиш деган маънони англатади. Тафаккур билишнинг юқори босқичидир. Тафаккурнинг моҳиятини яхшироқ билиш учун унинг билиш жараёнида тутган ўрни, билишнинг бошқа шакллари билан билан муносабатини аниқлаймиз.

Билиш – воқеликнинг инсон миёсида субъектив, идеал образлар шаклида акс этишидан иборатдир. Билиш мураккаб, зиддиятли, турли даража ва шаклларда амалга ошадиган жараён бўлиб, кишилар унда ўз олдиларига маълум бир мақсадларни қўядилар. Билишнинг дастлабки босқичи – ҳиссий билиш бўлиб, унда нарса ва ҳодисаларнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатлари, уларнинг ташқи томонида бевосита намоён бўладиган ва шунинг учун ҳам инсон бевосита сеза оладиган белгилари ҳақида маълумотлар олинади. Ҳиссий билиш сезги, идрок, тасаввур шаклида амалга ошади. Ҳиссий билиш тафаккур билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, назарий билимларнинг чинлиги охир оқибатда эмпирик талқин қилиш йўли билан асосланади ва ақл томонидан бошқарилади.

Ҳиссий билишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича:

а) ҳиссий билиш объектнинг субъектга бевосита таъсир этишини тақозо этади;

б) ҳиссий билиш шакллари нарсанинг ташқи хусусиятлари ва муносабатларида акс этади;

в) ҳиссий билиш образи нарсанинг яққол образидан иборат;

г) ҳиссий билиш инсоннинг сезиш қобилияти билан боғлиқ тарзда ўзига хос хусусиятга эга бўлади;

д) ҳиссий билиш билишнинг дастлабки ва зарурий босқичи ҳисобланади ва усиз билиш мавжуд бўла олмайди.

Ҳиссий билиш нарса-ҳодисалар ҳақида етарли маълумот бера олмайди, баъзан ҳиссиёт алдаб қўяди. Нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти тафаккур ёрдамида англашилади. Тафаккур билишнинг юқори босқичи бўлиб, унда нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим хусусиятлари аниқланади, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқа ва боғланишлар акс эттирилади.

Тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича:

а) тафаккурда воқелик мавҳумлашган ва умумлашган ҳолда акс этади;

б) тафаккур борлиқни бевосита акс эттиради. Унда янги билимлар мавжуд билимларга таянган ҳолда ҳосил қилинади;

в) тафаккур инсоннинг ижодий фаолиятидан иборат. Бунда нарса ва ҳодисаларнинг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдидан қўриш, башоратлар қилиш вужудга келади;

г) тафаккур тил билан узвий алоқада мавжуд бўлиб, фикр идеал ҳодисадир. Фикр фақат тилда реаллашади, ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади, яъни «тил фикрнинг бевосита воқе бўлиш шакли» бўлади.

Тафаккур «тушунча», «хукм», «хулоса чиқариш» шаклида мавжуд бўлади. **Тушунча** – оламдаги нарса ва ходисаларнинг умумий муҳим белги ва хусусиятларининг инсон миёсида фикрий акс этиши натижасида пайдо бўлади. **Хукм**ларда нарса ва унинг хоссаси, нарсалар ўртасидаги муносабатлар, нарсанинг мавжуд бўлиш ёки бўлмаслик факти ҳақидаги фикрлар тасдиқ ёки инкор шаклда ифода этилади. **Хулоса чиқариш** бир ёки бир неча фикрдан янги фикр ҳосил қиладиган тафаккур шаклидир.

Муҳокама юритишда ишончли натижаларга эришишнинг зарурий шарти фикрнинг чин бўлиши ва шаклан тўғри қурилишидир. Чин фикр – ўзи ифода қилаётган нарсага мувофиқ келадиган фикрдир. (*темир – металл*). Хато фикр нарсага мос келмайдиган фикрдир (*темир – металл эмас*). Фикрнинг чин ёки хато бўлиши унинг мазмунига боғлиқдир.

Формал мантиқ тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фан бўлиб, муҳокамани тўғри қуриш билан боғлиқ қоида ва мантиқий амалларни тадқиқ этади. Диалектик мантиқ тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлиги ҳамда тараққиётида олиб ўрганади. Математик мантиқ тафаккурни математик усулда тадқиқ этади.

Формал мантиқнинг асосий қонунлари – тафаккур қонунлари фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, муҳим, зарурий алоқадорликни ифодалайди. Мантиқий тафаккур диалектик ва формаллашган мантиқ қонунларига бўйсунди. Диалектика қонунлари – объектив олам ва билишга хос бўлган энг умумий қонунлардир. Формаллашган мантиқ қонунлари тафаккурдагина амал қилади.

Тафаккур қонунлари фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлайди ва тафаккур шакллари (*тушунча, хукм, хулоса чиқариш*)нинг ўзаро алоқасини ифодалайди. Тафаккур қонунлари объектив мазмунга эга бўлиб, унга амал қилиш тўғри, тушунарли, аниқ, изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритишга имкон беради. Фикрнинг аниқлиги – нарса ва ходисаларни бир-биридан фарқлаш, ўзига хос томонларини аниқлашга ёрдам беради. Фикр аниқ бўлса, ҳар бир сўз, мулоҳаза равшан ифодаланади. Фикрда муайян тартиб, изчиллик, кетма-кетлик мавжуддир. Бу кетма-кетлик тартиб бузилса фикр ҳам ўзгариб кетади. Масалан:

Мен англаш учун эътиқод қиламан. ёки Сиз аҳмоқ одам эмассиз.

Мен қиламан эътиқод, англаш учун. Сиз аҳмоқ, одам эмассиз.

Зиддиятсизлик – бирор нарса ёки ходисанинг бир вақтнинг ўзида ҳам бор, ҳам йўқ бўлмаслиги. Инсон бир вақтнинг ўзида ҳам ёлғончи, ҳам ростгўй бўлмайди. Фикрда зиддият бўлса, у чалкаш, ноаниқ ва тушунарсиз бўлади.

Айният қонунига кўра, маълум бир нарса ёки ходиса ҳақида айтилган айни бир фикр айни бир муҳокама доирасида айни бир вақтда ўз-ўзига тенгдир.

А – А дир. Ўзбекистон келажаги буюк давлатдир. Бу ерда:

а – ҳар қандай фикрни ифодаловчи белги;

а → а → импликация;

а ↔ а → эквивалентлик.

Сифат сўзи фалсафада фалсафий категория, маҳсулот ишлаб чиқаришида маҳсулот сертификати, она тилида сўз туркуми бўлиб, турли ҳолатда турли мазмунда ишлатилади. Бу айният қонунининг нотўғри муҳокама қилинишига олиб келади. Бунинг учун омоним ва синонимларни пухта ўрганиш керак бўлади. Софистлар айният қонунини шу тарзда қўллаганлари учун Арасту уларни «сохта донишмандлик муаллимлари» деб атаган.

Сўзлар кўп маъноларда қўлланилади. Масалан, от – ҳайвон, от – инсоннинг исми, от – бирор нарсани ташилаш, улоқтириш.

Аския, сўз ўйини, қизиқчилик санъатида айният қонуни бузилади ва тушунчаларнинг маънолари кўчма маъноларда ишлатилади. Бу эса мантикий хатолик бўлиб, кулги, масхарага сабаб бўлади. Айният қонунининг моҳияти тафаккурга хос бўлган аниқлик хусусиятидир. Айният қонуни мантикий қонун бўлиб, унинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлган конкрет қоидаларда аниқ ифодаланади.

Нозидлик қонуни маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно қилувчи қарама қарши фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирданига тўғри бўлиши мумкин эмаслигини, ҳеч бўлмаганда улардан бири албатта хато бўлишини ифодалайди. Бу қонун А ҳам В, ҳам В эмас формуласи орқали ифодаланади.

$A \rightarrow B$ ҳам эмас, бўла олмайди.

Нозидлик қонуни қарама-қарши ва зид мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади. Қарама-қарши мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтнинг ўзида хато бўлиши мумкин. Қарама-қарши мулоҳазаларда улардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чиқмайди. Ўзаро зид мулоҳазалар бир вақтда хато бўлмайди. Улардан бири хато бўлса, иккинчиси албатта чин бўлади.

Ер ўз ўқи атрофида айланади. Чин фикр.

Қуёш Шарқдан чиқиб, Шарққа ботади. Хато фикр.

Бу ширин дори. Хато фикр.

Бу аччиқ дори. Хато фикр, дори бемаза ёки нордон бўлиши мумкин.

Баъзан икки қарама-қарши фикр айтилганда, мантикий зиддият бўлмаслиги мумкин.

Талаба мантиқ фанидан имтиҳон топширди.

Талаба мантиқ фанидан имтиҳон топширмади.

Фикрлаш жараёнида вақт, муносабат, объект бирлигининг сақланиши нозидлик қонунининг амал қилиниши учун зарурий шарт-шароит ҳисобланади. Нозидлик қонуни тўғри фикр юритиш жараёнида амал қилади. Нозидлик қонунини билиш ва унга амал қилиш рақиб ёки суҳбатдош фикридаги нотўғри мулоҳазаларни аниқлаш ва тўғри таҳлил қилиш имконини беради.

Учинчиси истисно (мустасно) қонуни фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб баён қилинган икки зид фикрдан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлигини ифодалайди. Бу қонун тушунчалар

ўртасидаги зид муносабатларни акс эттиради. Бу қонун $A \rightarrow B$ ёки B эмасдир формуласи билан белгиланади.

Ҳасан имтиҳонда аъло баҳо олди.

Ҳасан имтиҳонда аъло баҳо олмади.

Бу ерда бир фикр чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ. Бу қонун куйидаги ҳолатларда қўлланилади.

а) алоҳида олинган якка буюмга нисбатан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид фикр билдирилганда.

Ҳасан – одобли бола. Ҳасан – одобли бола эмас.

(Бу ерда фикрларнинг бири чин, иккинчиси хато)

б) сон ва сифатга кўра, ўзаро зид мулоҳазалар баён қилинганда, нарса ва ҳодисалар синфи ҳақида тасдиқланган мулоҳаза билан шу синф нарса ва ҳодисаларнинг бир қисми ҳақида инкор этилган мулоҳазалардан бири чин, иккинчиси хато, учинчисига ўрин йўқ.

Ҳамма файласуфлар табиатишунослардир.

Баъзи файласуфлар табиатишунос эмас.

Учинчиси истисно қонуни куйидаги ҳолатларда қўлланилади:

а) *икки зид якка мулоҳазаларга нисбатан;*

б) *умумий тасдиқ ва жузъий тасдиқ мулоҳазаларга нисбатан;*

в) *умумий инкор ва жузъий тасдиқ мулоҳазаларга нисбатан.*

Учинчиси истисно қонунида ҳам нозидлик қонунидаги каби вақт, муносабат, объект айнанлигига риоя этиши шарт, акс ҳолда фикр изчиллигига зарар етиб, мантиқсизликка йўл қўйилади ва қонун ўз кучини йўқотади. Инсон ўз фикрларига асосланган ҳолда ўзаро зид мулоҳазалардан қай бири чин ёки хато эканлигини аниқлайди. Бу қонун ўзаро зид мулоҳазалар бир вақтда чин бўлмаслигини тасдиқлайди. Учинчиси истисно қонунини билиш орқали фикр юритишда ўзаро зид фикрларни аралаштириб юборишга йўл қўйилмайди.

Етарли асос қонунини немис математиги ва файласуфи Г.Лейбниц таърифлаб берган. Уни фикрича, барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун етарли асосига эга. Ҳар бир буюм ва ҳодисанинг реал асоси бўлгани каби уларнинг инъикоси бўлган фикр-мулоҳазалари ҳам асосланган бўлиши керак. Етарли асос қонунида тўғри тафаккурнинг энг муҳим хусусиятидан бири бўлган фикрларнинг изчиллик билан муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодаланади. Агар B мавжуд бўлса, унинг асоси сифатида A ҳам мавжуд. *Масалан, Ҳасан касал, у шифохонада даволаняпти, бу ерда сабаб (касал) оқибат (даволаняпти).*

Фикр-мулоҳазаларни асослаш мураккаб мантиқий жараён бўлиб, шу мулоҳазанинг чинлигини тасдиқловчи ишончли ва етарли амалларнинг мавжудлиги аниқлайди. Ишончли ва етарли далиллар икки гуруҳ – эмпирик ва назарий асосларга бўлинади. Эмпирик асослар ҳиссий билиш ва тажрибага асосланса, назарий асослар ақлий билиш ва тафаккурга асосланади. Тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганиш фикрлаш маданиятини ўстиради, мулоҳазалардаги хатоларни англашга, баҳс

юритишда ўзининг ва бошқаларнинг фикрига танқидий муносабатда бўлишга, шунингдек, рост ва ёлғонни фарқлашга ёрдам беради.

Интуиция (*лотинча – диққат билан тикилиб қарайман*) – асослашнинг субъектив характерга бўлган усули бўлиб, ҳеч қандай муҳокама ва исботларсиз тўғридан-тўғри ҳақиқатга эришиш қобилиятини ифодалайди. Инсон интуиция орқали мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини унинг турли қисмларига эътибор бермаган ҳолда, фикран яхлит англайди. Интуиция ҳар бир шахсда ўзига хос бўлиб, бу орқали эришилган ҳақиқатга бошқаларни ишонтириш учун етарли ҳисобланмайди.

Эътиқод инсон ҳаёт фаолиятида хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган ва унинг дастури бўлиб хизмат қиладиган қарашлар мажмуидир. Кишиларнинг эътиқоди турлича бўлиши мумкин. Диний эътиқод, ахлоқий эътиқод кабилар. Эътиқод чин мулоҳазаларга асосланган бўлса, қалбда мустаҳкам ўрнашади.

Авторитет (*ҳокимият, таъсир*) бирор мулоҳазанинг чинлигини асослаш учун обрўли, эътиборли, нуфузли манбаларга мурожаат қилишдир. Унда нуфузли манба сифатида алоҳида шахсларнинг фикр ва мулоҳазалари, мукаддас китобларда ёзилган илоҳий сўзлар, халқ мақоллари ва маталлари, қисса ва ривоятлари, донишмандларнинг ҳикматли сўзларидан фойдаланилади. Масалан, Қуръон, ҳадис, буюк мутафаккирларнинг ибратли сўзлари, ахлоқий қадриятлар, халқ мақоллари шулар жумласидандир: «*Бешикдан то қабргача илм изла*», «*Етти ўлчаб, бир кес*», «*Ўзингни билсанг, оламни биласан*» ва бошқалар.

Мантиқ фани ўзининг шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга бўлиб, илк мантиқий қарашлар Ҳиндистон, Хитойда вужудга келган. Унинг шаклланишига аниқ ва табиий фанлар, нотиклик санъати, фалсафий билимлар катта таъсир кўрсатган. Қадимги Ҳиндистондаги мантиқ илми ривож уч даврни ўз ичига олади. Булар илк Будда мантиғи, турли фалсафий мактабларнинг мантиқий таълимотлари ва Будда мантиғининг ривожланган давридир. Ҳинд мантиқшунослари «*бахс-мунозарада нима исботланяпти ва қандай исботланяпти*» деган масалани кўйиб, 5 қисмдан иборат силлогизм назариясини яратганлар:

Тезис (тепаликда олов бор)

Асос (тепаликдан тутун чиқаяпти)

Мисол (қаерда тутун бўлса, ўша ерда олов бор)

Қўллаш (бу тепаликда тутун бор)

Хулоса (демак, тепаликда олов бор).

Будда мантиғи (*Будда – ойдинлашган, тиниқлашган*) инсон руҳиятининг озод этилиши ва халос бўлишига қаратилган бўлиб, унинг қоидалари тўрт олий ҳақиқатда акс этган: *а) азоб ҳақидаги ҳақиқат (дунё азоб-уқубатларидан иборат, тугилиш азоб, қарилик азоб, касаллик азоб, ўлим азоб, ёмон кўрадиган кишинг билан учрашиш азоб, сеvimли кишингдан жудо бўлиш азоб). б) азобларнинг сабаби тўғрисидаги ҳақиқат (эҳтирос, хоҳиш, истак азоб билан тугаса-да, инсон уларни хоҳлайверади). в) азобларнинг тўхтатилиши ҳақидаги ҳақиқат (хоҳиш*

бартараф этилсагина, хоҳиш-эҳтирослар ўлади ва барча азоблар тўхтайди). 2) азобларнинг сабабидан халос бўлишнинг саховатли йўли ҳақидаги ҳақиқат (бунга эришиш учун тўғри тушуниш, тўғри тафаккур, тўғри феъл-атвор, тўғри турмуш тарзи, фикрнинг тўғри йўналиши, диққат-эътиборни тўғри қаратиш лозим).

Қадимги Хитой ахлоқшунослигида «буюк устоз» номи билан машхур бўлган Конфуций таълимоти диққатга сазовордир. Ҳинд фалсафасида асосий фикр дунёдан қочиш бўлса, Конфуций дунёга мослашишни тарғиб қилади: *«ўз-ўзингга раво кўрмайдиган нарсани бошқаларга раво кўрма»*. Конфуций фикрича, инсон анъаналарни астойдил ўрганиш ёрдамида ўз вазифасини тўғри англаб етиши мумкин.

Қадимги Юнонистонда мантиқ масалалари Фалес, Парменид, Зенон, Гераклит, Демокрит, Сукрот, Афлотун ва Арасту томонидан ўрганилган. **Гераклит** (мил. ав. 544-483 й.) билишда ҳиссий билиш ва кузатишга таянган. Унинг фикрича, *«ҳамма нарса узлуксиз ўзгариш ҳолатида бўлади, бир вақтнинг ўзида оқаятган дарёга икки марта оёқ тиқиб бўлмайди»*. Гераклит оламни билишда ақлий билишни ҳиссий билишга қарши қўйган: *борлиқ чексиздир, фақат уч ўлчовли борлиқ мавжуд, бироқ борлиқдан алоҳида уч ўлчовга эга бўлган макон йўқ*.

Қадимги юнон файласуфи **Зенон** (мил. ав. 336-264 й.) фикрича, *жисм борлиқ, ҳажм ва кўламга эга бўлиши зарур, борлиқдан ташқари бирон бир бўшлиқ мавжуд эмас*. Зенон ҳаракатнинг мавжуд эмаслиги ҳақида «Дихотомия», «Ахиллес», «Ёй», «Стадион» номли тўртта апория яратган. Зенон ўз апорияларида *«жисм борлиги чексиз бўлса-ю, вақт чекланган бўлса, у ҳолда ҳаракат бошланмайди, вақт чексиз давомийликка эга бўлса, жисм чекланган масофани босиб ўта олмайди ва ҳаракат ҳеч қачон тугамайди, макон ва вақт бирликда олинганда ҳам ҳаракат бўлмайди»* деган ғояларни илгари сурган. Масалан, «Ахиллес» ҳақидаги апорияда Зенон *«Ахиллес ҳеч қачон тошбақага ета олмайди, чунки бир нуқтадаги лаҳзалик тезлик, яъни танани вақтнинг бир чексиз кичик лаҳзаси ичида фазонинг бир нуқтасидаги тезлик тушунчасининг бўлиши мумкин эмас»* дейди. Зенон апориялари ўз даври мантиқ илми ривожига сезиларли таъсир кўрсатган.

Демокрит (мил. ав. 460-370 й.) фикрича, *тафаккур орқали олинган билимлар ҳақиқий билимдир. Ақлий билиш ҳиссий билишга таянади. Ҳақиқатни билиш учун яқка нарса-буюмларни кузатиш, ҳис қилиш орқали умумлаштириш зарур*. Ҳукм S (субъект) ва P (предикат)нинг ўзаро алоқасидан иборатдир. Демокрит фикрнинг чинлиги масаласини тадқиқ этиб, индукция ва аналогияни ўрганишга алоҳида эътибор қаратган.

Сукрот (мил. ав. 469-399 й.) фикрича, табиатни ўрганиш инсон учун ётдир, уни фақат худо билиши мумкин. Инсон фақат ўзига тегишли нарсаларни, яъни ўз-ўзини билади. Билим нарса ҳақидаги тушунчадир. Тушунчани аниқлаш орқали билимга эришиш мумкин. Билишнинг предмети инсоннинг мақсадига мувофиқ бўлиши лозим. Нарса ҳақидаги тушунчалар зиддиятли бўлса, демак билим юзаки бўлади. Сукрот

ҳақиқатни аниқлашда индукция ва дефинициядан фойдаланишни тавсия этган ва буюмларнинг моҳиятини билиб бўлмаслиги, уни билиш учун инсон аввало ўзини билиши кераклигини таъкидлаган: *Индукция – кундалик ҳаётдаги якка мисоллар асосида умумий тушунчаларни ҳосил қилиш усули бўлса, дефиниция – баҳс жараёнида тушунчаларни таърифлашдан иборат.*

Афлотун (мил. ав. 427-347 й.) фикрича, умумий тушунчалар буюмлардан ва инсонлардан ажралган мутлақ ғоялардир, ҳукм тафаккурнинг асосий элементи бўлиб, эга ва кесим бирлигидан иборат. Афлотун ҳукмларни ташкил этувчи тушунчаларни пирамида шаклида тасвирлаб, чин билимга интуиция орқали эришилишини асослаган. Сукротнинг фикрини давом эттириб, Афлотун тур ва жинс белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш усули, тушунчаларнинг икки хил, яъни қарама-қарши бўлишини кўрсатиб берган:

A – B эмас.

A – B дир.

B эмас – C дир.

B эмас – C эмас.

Жонли мавжудотлар умуртқали ва умуртқасиздир.

Баъзи мавжудотлар умуртқали эмас.

Баъзи умуртқасиз мавжудотлар – ҳашаротлардир.

Умуртқали мавжудотлар – ҳашарот эмас.

«Бир нарсанинг ҳам бўлиши, ҳам бўлмаслиги мумкин эмас».

Афлотуннинг бу фикри нозидлик қонунига мос келади.

Арасту (мил. ав. 384-322 й.) биринчи бўлиб формал мантиққа асос солган. Мантиқ илмини «маълум билимлардан номаълум билимларни аниқловчи, чин фикрни хато фикрдан ажратувчи фан» сифатида таърифлаган. Арасту «Категориялар талқини ҳақида», «Биринчи аналитика», «Топика» каби асарларида мантиқ фанининг вазифаси чин фикр, ҳақиқатни аниқлашдан иборатлигини кўрсатиб, «билимларимизнинг воқеликка мос келиши ҳақиқатдир, ҳақиқатни аниқлашда нозидлик ва учинчиси истисно қонунларига амал қилиш лозим. Бир вақтда, бир хил муносабатда айнан бир нарсага нисбатан ўзаро бир-бирини истисно қиладиган фикрларни билдириши мумкин эмас, бу фикрлардан бири чин, бошқаси хато бўлиши ёки ҳар иккиси ҳам хато бўлиши мумкин. Ўзаро икки зид фикрнинг бири чин, бошқаси хато бўлганда учинчи фикрга ўрин йўқ» деб ёзган.

Арасту тафаккур шакллари алоҳида таҳлил этади. Унинг фикрича, ҳукм ақлий таҳлилнинг натижасидир. Ҳукм чин ёки ёлғон бўлиши мумкин. Ҳар қандай гап ҳукм бўла олмайди, фақат қатъий фикрларгина ҳукм ҳисобланади. Тушунча ҳукмнинг таркибий қисми бўлиб, якка ва умумий бўлади. Якка тушунча биринчи моҳият бўлса, умумий тушунча иккинчи моҳиятни белгилайди, умумийлик якка буюмларнинг асосини ташкил этади. Арасту силлогизмнинг икки муҳокама ва хулосадан иборат уч шаклини белгилаган ва исботлашнинг илмий, диалектик, риторик, софистик усуллари таҳлил этган, эристика – муваффақиятли баҳс юритиш қонун-қоидаларини ишлаб чиққан,

мақсадсиз муҳокама юритишнинг зарарли эканини таъкидлаган ва софистик хато турларини аниқлаган. Улар:

- а) *фикрнинг шакли билан боғлиқ бўлган хатолар;*
- б) *фикрнинг мазмуни билан боғлиқ бўлган хатолар.*

Арасту мантиқни *исботлаш ҳақидаги илм* деб, исботлашни *янги билим берадиган силлогизм* деб атайдди.

Стоя мактаби вакиллари биринчи бўлиб фанда «логика» терминини қўллашган ва мантиқнинг мақсади *«инсон ақлини хатолардан асраш ва ҳақиқатга эришишдир»* деган қарашни илгари суришган. Стоиклар фанларни қуйидагича классификация қилганлар: *мантиқ – девор, физика – ҳосилдор тупроқ, фалсафа – дарахт, ахлоқ – дарахт мевасидир.* Стоиклар оддий мулоҳазалардан мураккаб мулоҳазалар тузиш ҳақидаги мулоҳазалар мантиғи назариясига асос солиб, диалектик ва риторик мантиқни ривожлантирганлар. Диалектик мантиқ грамматика ва билиш назариясини ўз ичига олган бўлса, риторика нотиклик санъатидир.

Риторика соҳасида Цицерон, Сенека шуҳрат қозонганлар. Цицерон фикрича, доноларда тафаккур ўзининг соф маъносида мавжуд бўлади. Адолатли қонунларни ишлаб чиқишга қодир инсонлар – донолардир. Донолар юртида мукамал қонунлар устувор бўлади.

Эпикур (мил. ав. 341-270 й.) фикрича, туғма ғоялар йўқ, билимларимизнинг манбаи сезгилардир, сезгиларимиз ёлғон маълумот бермайди, инсон фақат хулоса чиқариш жараёнида хатога йўл қўйиши мумкин. *«Ҳаётнинг гаитини сур, аммо пухта ўйлаб ол. Мен ҳозир ортидан азоб-уқубат келиши мумкин бўлган қисқа муддатли ва кучли лаззатни излашим керакми ёки келажакдаги узоқ муддатли фаровонлик умидида айни дамдаги лаззатдан воз кечишим керакми?»* Инсон умри давомида азоб-уқубат чекмаслиги учун саъй-ҳаракатларини чамалаш ва назоратга олиши шарт. Эпикур хулоса чиқаришда аналогия ва индукцияга аҳамият берган.

Скептицизм вакиллари (*оламни билиш мумкинлигига шубҳа қилувчилар*) Пиррон, Аркесилай, Карнеад, Секст Эмпирик билиш жараёнининг нисбий хусусиятини мутлақлаштириб, нарсаларни ҳақиқий билиш мумкин эмас, чунки ҳар бир даъвомизга унга зид бўлган иккинчи даъвони қарама-қарши қўйиш мумкин, деган қарашни илгари сурганлар: *ҳаётда табиий эҳтиёж, майл, одат, анъана, қонун ва аввало соғлом ақлга амал қилиб иш тутуши керак. Сезгилар бизга аниқ билим бермайди, индукция ишончли хулоса эмас ва дедукция янги билим бермайди.*

Шарқ Уйғониш даври мантиқ илми IX-XI асарлар Шарқда мантиқ илми санъат даражасига кўтарилган, маълум билимларни яратиш, асослаш ва классификация қилиш, таърифлаш системаларини изга солган.

Ал-Киндий (800-870) Арасту, Евклид асарларини таржима қилиб, шарҳлар ёзган. Киндий фикрича, *мантиқий исботлашни тушуниш ва ундан фойдаланиш учун геометрияни ўрганиш зарур. Арасту яратган қоидаларни тушуниш учун алгебра ва геометрияни билиш керак. Бирор буюмни исботлашни унинг мавжудлигига, борлигига ишонмасдан туриб*

бошлаш мумкин эмас. Исботлашнинг мақсади, буюмни ташиқил этувчи шаклни ўрганишдан иборатдир.

Абу Наср Форобий (873-950) «*Мантиқ илмига кириш*», «*Ақл ҳақида*», «*Шартли ҳукмлар*», «*Арастунинг «Метафизика» китобига шарҳлар*», «*Фанлар классификацияси*» каби асарларида мантиқ илми, нарс ва буюмлар, уларнинг тузилиши, аҳамияти ҳақида фикр юритган.

Форобий «*Ихсон ул-улум*» (илмлар таснифи) асарида «*учинчи илм логика (мантиқ)дир. У маълум хулосалар келиб чиқиши логик фигураларга биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади, бу хулосалар ёрдамида биз билинмаган нарсаларни билиб оламиз ва нима тўғри ва нима ёлгон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз. Масалан, олма – субстанция (моҳият), унинг қизиллиги эса акциденция (моҳият эмас, тасодиф), чунки исботлаш умумий характерга эга. Демак, мен «яратилган нарсаларда олма ва унинг қизиллигидан бошқа ҳеч нима йўқдир» деб тасдиқлайман. Бу исботлашнинг мазмуни «барча мавжуд нарсалар ёки ўз зоти билан мавжуд ёки ўз зоти билан мавжуд эмас» демакдир. Бу зиддият орқали бўлиш бўлиб, унга кўра, ўртанчани (икки зид томоннинг ўртасини) фикр қилиш ва тушуниб олиш мумкин эмас. Ўз зоти мавжуд нарсаларни субстанция (жавҳар) деб аталади, масалан, олма, нок, анор, шунга ўхшаши, барча жисмлар. Ўз зоти билан мавжуд бўлмаган нарсалар акциденция (ориз) дейилади. Бундан келиб чиқадики, барча вужудга келтирилган нарсалар ёки субстанция (олма), ёки акциденция (олманинг қизиллиги) бўлар экан» деб ёзган. Форобийнинг мантикий таълимоти мантиқ илми ривожига катта таъсир кўрсатган.*

Ал-Хоразмий (780-847) «*Мифтоҳ ул-улум*» («*Илмлар калити*») асарида фанларни таснифлаб, мантиқ илмига алоҳида ўрин беради. Арасту ғоясини давом эттириб, аниқ нарсаларнинг хоссаларини белгилаш учун «*индивидуал*» тушунчасини киритади, индивид масаласини биринчи ўринга қўяди: шахс – бу Зайд, бу киши, бу от, бу қўй каби маънони англатади. Шахс – бирламчи тушунча. Хоразмий тушунча, уларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини шарҳлаган, сўз ва ибораларнинг ўзаро муносабатини таҳлил этиб, сўзларни ўзининг тўлиқ мазмуни англатадиган (*Ҳасан*), ўз мазмунини бир қисмини англатадиган (*ақлли*), ўз мазмунидан келиб чиқадиган нарсани англатадиган (*мутафаккир*) ҳолатларини ажратган. Ҳукм масаласига алоҳида тўхталиб, ҳукмларни модаллиги бўйича лозим бўлган, мумкин бўлган, ҳақиқий турларга бўлган. Хоразмий силлогизмни «*хулоса чиқаришнинг энг муҳим кўриниши ва назарий билимларни эгаллашда асосий восита*» деб атайди. Хоразмий оддий тенгламаларни ечиш усулларини энг осон ва содда усулларини топиб, ҳисоблаш усулларини бошқа фанлар қонун-қоидалари ва муаммоларини ечишда ҳам қўллаган.

Абу Али Ибн Сино (980-1037) «*Донишнома*» асарида мантиқ илмининг асосий қоидалари, тушунча, ҳукм, хулоса чиқаришни батафсил таҳлил қилган. Унинг фикрича, *мантиқ илми – маълум билимлардан номаълум билимларни келтириб чиқариши, уларни бир-биридан фарқлаш,*

чин ва хато билимлар ва уларнинг турларини ўрганувчи фан ёки назарий санъатдир. Мантиқ илми – оламни билиш учун хизмат қилади. Ибн Сино тушунчаларни якка ва умумий турларга ажратиб, *тушунчанинг асосий вазифаси, ҳукм ва хулоса чиқаришини ташиқил этиши, уларга асос бўлишидир* деб таъкидлаган. Ибн Сино ҳукм ва уларнинг тузилиши, субъект-нарсa муносабатларини таҳлил этган.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) Р.Декарт ва Ф.Бэконлардан олти юз йил муқаддам илмий билиш методи, қоида ва принципларини ишлаб чиққан. Беруний *«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»* асарида билишнинг асосий усуллари сифатида *ақлни бекорчи фикрлардан тозалаш, тажрибага асосланиш, билишни дастлаб нарсани ташиқил этувчи элементлардан бошлаш, ҳиссий билишга асосланган дедуқциядан фойдаланиш, мантиқий фикрлаш, анализ-синтез, умумлаштириш, кузатиш, таққослаш, қиёслаш орқали ҳақиқатга эришиш, маълум нарсадан номаълум бўлганига, яқиндагисидан узоқдагисига қараб фикр юришиш, узоқ ўтмишини билиш учун нарсa, ҳодисанинг тарихини ва у ҳақда бошқаларнинг берган маълумотларини ўрганиш* деб кўрсатган.

Баҳманёр, Ибн Рушд, Носириддин Тусий, Фахриддин Розий, Қазвиний, Тафтазоний, Миршариф Журжоний каби Шарқ мутафаккирлари мантиқ илми ривожига самарали таъсир кўрсатганлар. Мантиқ илмини *«мавжуд билимлар асосида ҳақиқатга эришиш йўллари*ни ўрганувчи фан»*»* деб таърифлаганлар.

Европа Уйғониш даври мантиқ илми табиатшунослик фанининг ривожланиши илмий услуб масалаларига эътиборни кучайтирди. Ф.Бэкон, Р.Декарт, Т.Гоббс, Г.Лейбниц Европа Уйғониш даври мантиқ илми ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Френсис Бэкон (1561-1626) *«Янги Арганон»*, *«Фанларнинг буюк уйғониши»*, *«Фанларнинг афзалликлари»* асарларида илмий индукция методини ишлаб чиқди ва Арастуниг мантиқий таълимотини танқид қилди. Бэкон фикрича, *силлогизм – гаплардан, гаплар эса сўзлардан тузилади, сўзлар нарсаларни билдиради. Сўзда ифодаланмаган тасаввур хато бўлса силлогизм бузилади.* Бэкон индукциянинг ёрдамчи усуллари яратди ва индукцияни хулоса чиқаришнинг асосий шакли деб билди. Истисно қилишга асосланган индукция назариясини исботлаб, *индукциянинг мақсади максимал даражада фактик материалларни таққослаш ва ўрганилаётган воқеаларнинг номуҳим томонларини истисно қилиш ва шу асосда уларнинг муҳим томонларини аниқлашдир*, деган ғояни илгари сурди. Бэкон мантиқни илмий услуб ҳақидаги фан эканлиги, илмий услубни кўллаш янги ҳақиқатларни очишга олиб келишини эътироф этган.

Т.Гоббс (1588-1679) Бэконнинг йўлини давом эттириб, *«Фалсафа асослари»* асарида мантиқий тушунчаларни таърифлашга катта аҳамият берди. Гоббс тил ва тафаккур бирлигини тан олган ҳолда, ҳукмлар чин ёки хато бўлиши мумкин дейди. У номларни тушунчалар билан, гапларни ҳукмлар билан тенглаштиради. Гоббс фикрича, *силлогизм учта гандан*

иборат бўлган мулоҳазадир. Учинчи гап иккита аввалги гандан келиб чиқадиган мулоҳазалардир. Гоббснинг тафаккур қонунлари ҳақидаги фикрлари аҳамиятлидир. Гоббс фикрича, айният қонуни аниқлик шарти сифатида талқин қилиниши, сўз доимо бир маънода ишлатилиши керак. Бу ҳақиқатга эришишнинг биринчи талабидир. Исботлаш хулосалар занжири, силлогизмлар унинг алоҳида халқаларидир. Гоббс мантиғида рационализм устунлик қилса ҳам, мантиқ фанига генетик таърифлашни киритди. Унинг фикрича, нарсаларнинг қисмларини санаш орқали ҳам таърифлаш мумкин, фақат таъриф исботлашнинг асоси бўла олади. Мантиқнинг вазифаси нарсаларни тушунишида ёки билимларни бошқа кишиларга етказиб беришида ақл фойдаланадиган белгилар табиатини ўрганишдан иборат.

Р.Декарт (1606-1650) «Услуб ҳақида мулоҳазалар», «Фалсафа муқаддимаси» асарида билишнинг илмий услубини характерлайдиган асосий қоидаларни ишлаб чиқди ва мантиқ илми ривожланишида илмий масалаларни ҳал этишда катта ишларни амалга оширди. Декарт фикрича, *интуиция ҳаёлий нарса эмас, балки соғлом ақлда туғиладиган барқарор ва аниқ тасаввурдир. Интуиция ёрдамида инсон ўз-ўзини билади, атрофдаги нарса-ҳодисаларни кўради, ҳар қандай киши ўзининг мавжуд эканлигини интуиция орқали англайди. Дедукция аввал билинган нарсалар асосида билишни таъминлайдиган жараёндир. Дедукция ёрдамида фикрнинг мунтазам ҳаракати билан хулоса қилинади. Нрсалар индуктив ва дедуктив йўл билан билинади. Декарт «Мен фикрляяпман, демак мен мавжудман» дейиш билан тафаккурни барча нарсаларнинг негизи сифатида қабул қилган ва тадқиқотни ҳар қандай билимга шубҳа билан қарашдан бошлаш лозим, шубҳа воситасида скептицизм устидан ғалаба қозониш мумкин, деган хулосага келган. Унинг фикрича, фикрнинг мавжудлиги ҳар қандай шубҳадан холи экан, нарсаларнинг реал мавжуд эканлигини исботлаш қийин эмас. Шубҳа инсон камолот даражасининг кемтиклигидир. Ҳақиқий камолот куч-қудрат тимсолидир. Куч-қудрат инсоннинг ўзида мавжуд эмас, балки Худо томонидан инсон вужудига киритилган хусусиятдир. Худо мавжуд экан, унинг мўъжиза ва кароматига шубҳаланиш ўринсиз, Яратувчи раҳмдил ва меҳрибондир.*

Декарт анализ ва синтез жараёнлари ҳақида таълимот яратган. Декарт дедукциядан кўпроқ геометрия ва алгебрада фойдаланиб, дедукция ёрдамида бевосита билим ҳосил қилиниши, хулоса чиқаришда билинган нарсадан билинмаган нарсага ўтиш, ноаниқ нарсани аниқ қилиниши, дедукцияни куриш услубларини аниқлаган. Декарт фикрича, *билишнинг ибтидоси интеллектуал интуиция, билишнинг ягона усули дедуктив методдир.*

Декарт ақлнинг талаб ва тамойиллари асосида тўртта қоидага амал қилган: а) билишда ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайдиган аниқлик ва яққолликка эришиш; б) тадқиқ этилаётган муаммони яхши тушуниб олиш учун уни қанча қисмларга бўлиш талаб этилса, шунча қисмга бўлиш; в) оддий нарсалардан бошлаб, аста-секин энг мураккаб нарсалар томон

юқорилаб бориши тартибида фикрлашга амал қилиши; 2) билиши жараёнида объектнинг муҳим жиҳатларини назардан қочирмаслик, уни тўлалигича қамраб олишга интилиши.

Декарт билишда тафаккурнинг аҳамиятини бўрттириб кўрсатса ҳам, билишда сезги ва тажрибанинг аҳамиятини бутунлай рад этмасдан, уларни ақл ва дедукция ёрдамида эришилган билимларни яна бир қарра қайта исботлаш воситаси сифатида талқин қилган. Унинг фикрича, *тўғри фикрлаш принциплари чинлиги ўз-ўзидан равшан бўлмаган фикрни чин деб қабул қилмаслик, мулоҳазаларга ақлга аниқ ва равшан бўлиб туюлган ва шубҳага ўрин қолдирмайдиган фикрларни киритишдан иборатдир.*

Пор-Рояль мантиғи (*мантиқ ёки фикрлаш санъати*) Декарт мантиғига асосланади. Пор-Рояль мантиғи вакиллари ғояларни умумий, жузъий, якка турларга ажратиб, *бир буюмни ифодалаган ғоя – якка, кўп буюмларни ифодалаган ғоя – умумий ғоя – жинс бўлади* дейдилар. Пор-Рояль мантиғи вакиллари ҳукмлар ҳақидаги таълимотни Арасту мантиғига асосланган ҳолда ижодий ривожлантирганлар. Хулоса чиқаришда бирор ҳукмнинг чинлиги ёки хатолиги масаласи ҳал қилиниши асосланган. Пор-Рояль мантиғига кўра, хулоса чиқаришда 2 асос ва бир хулоса иштирок этади.

Баъзи катта шаҳарлар пойтахтдир.

Тошкент – катта шаҳар.

Тошкент – пойтахт шаҳардир.

Пор-Рояль мантиғи вакиллари хулоса чиқариш тизимини кенгайтириб, дедукцияни индукцияга қарама-қарши қўйдилар, лекин уларнинг ўзаро алоқадорлигини кўрсатмадилар.

Г.Лейбниц (1646-1716) *«Инсон ақли ҳақида тажрибалар»*, *«Монадология»* асарларида тафаккур қонунларини қайта кўриб чиққан ва биринчи ўринга айният қонунини қўйиб, унга онтологик таъриф берган.

«Ҳар бир буюм шу буюмнинг ўзидадир».

A – A дир, B – B дир.

Зиддият қонунига кўра, бир вақтда буюм ҳам мавжуд, ҳам мавжуд эмас. Нарса A бўлса, A эмас бўла олмайди. Ҳар бир гап ёки чин ёки хато бўлади. Демак, *а) бир гап ҳам чин, ҳам хато бўлмайди; б) ҳақиқат ва ёлгон ўртасида ҳеч нарса йўқ, яъни гап чин ҳам, хато ҳам бўлмаслиги мумкин эмас.*

Етарли асос қонунига кўра, ҳамма мавжуд нарсалар мавжуд бўлиши учун етарли асосга эга, етарли асоссиз бирон бир воқеа чин, ҳақиқий бўлмайди. Мантиқий қонунлар билиш жараёни учун аҳамиятлидир. Лейбниц символик мантиққа (белгилар мантиғи деб аталади) асос солиб, тафаккурнинг турли жараёнлари, жумладан, тафаккур шакллари ва қонунларини ифодалашда математик усуллардан фойдаланиш йўлларини кўрсатган. Лейбниц фикрича, *мантиқ фанининг предмети билимнинг мазмунини ўрганиш, вазифаси эса тафаккурнинг формал алоқаларни тасвирлашдир. Унинг мантиқий таълимоти қуйидаги тамойилларга асосланади: а) ҳар бир тушунчани оддий қайд қилинмайдиган, бошқа*

транцендентал мантикни яратган. *Транцендентал билим «apriori» билимларнинг алоҳида шакли бўлиб, тасаввурларимизнинг тажрибага ҳеч бир алоқаси йўқ ақл томонидан ҳосил қилинган мазмуни тушунилади.*

Ф.Гегель (1770-1831) фикрича, *фалсафа мантиқ шаклида бўлиб, унинг ўрганиши объектини тафаккур ташиқил этади ва мантиқ илми бутун борлиқни ўзида гавдалантирадиган тафаккурнинг энг умумий, зарурий хусусиятларини ўрганувчи таълимотга айланади. Диалектик мантиқнинг асосий вазифаси ҳақиқатни аниқлаш ва унга эришиши йўллариини ўрганишидир.*

Гегель ҳақиқатни жараён сифатида олиб қарайди, уни диалектик метод принциплари асосида тушунтиради. Гегель мантикни фикрни тафаккурнинг таркибига кирадиган, унинг ўзи томонидан яратилган мазмундан бошқа мазмунга эга эмас нарса деб таърифлаган.

XIX аср мантиқ илми ривожига К.Поппер, Е.Войшвилло, В.Смирнов, Ж.Буль, Ч.Пирс, Г.Фреге ўз ҳиссаларини қўшганлар.

8-мавзу. Тушунча. Ҳукм

1. Тушунча – нарса ва предметларнинг умумий, муҳим белгиларини акс эттирувчи мантиқий шакл
2. Тушунчаларнинг турлари. Тушунчаларни таърифлаш
3. Ҳукм тафаккур шакли сифатида. Оддий ҳукм ва мураккаб ҳукмлар. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар
4. Савол фикрнинг махсус шакли сифатида. Мантиқан тўғри ва нотўғри қўйилган саволлар. Меъёр ва ҳукм

Тушунча нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим белгиларни акс эттирувчи тафаккур шакли бўлиб, тушунчалар объектив борлиқни инсон онгида акс этиши натижасида пайдо бўлади. Тушунча воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий жиҳатларини акс эттиради. Одам ҳамма нарсага эга бўлган барча хусусиятлар – уй, дарахт, машина, китоб кабиларда уларга тегишли бўлган белгиларни акс эттиради. Нарсанинг белгилари чексиз. Масалан, *балиқ тушунчасини олсак, у умуртқали, жонли мавжудот, нафас олади, озиқланади, кўпаяди, ўлади, унинг фақат балиқларга хос муҳим белгиси ойқулоқ билан нафас олиши ва сувда ҳаёт кечиршидир. Бу балиқнинг ўзига хос, муҳим, умумий белгисидир.*

Муҳим белги нарсаларнинг асосий томони, моҳиятини ифодалайди. Масалан, миллатнинг муҳим ва фарқли белгилари – тил бирлиги, эътиқод бирлиги, чегара бирлиги, иқтисодий бирлик ва маданият бирлигида намоён бўлади. Бу белгиларнинг бирортаси бўлмаса миллат миллат бўла олмайди. Тушунча сўзда ифодаланади, сўз эса мантиқий аҳамиятга эга бўлади.

Турли сўзлар маълум бир тушунчани ифодаласа, синоним (*ўхшаши*) дейилади. Масалан, ер, замин, тупроқ, қуёш, офтоб, кун сўзларида ифодаланган тушунча нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини акс эттирса, илмий тушунча ҳисобланади. Масалан, *ҳаёт – тириклик манбаи, жонсиз*

табиатдан фарқли бўлиб, оддий тушунчадир. Агар ҳаёт модда алмашиши натижасидаги ривожланиши экани кўрсатилса, илмий тушунча бўлади.

Тушунча воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни акс эттиради ва уни турлича тилда айтилса ҳам мазмун-моҳияти ўзгармайди:

Китоб – книга – book – ك تَاب

Ном – тушунчаларнинг нарса ва ҳодисаларнинг ўзини билдирадиган сўз ва сўз бирикмалари билан ифодаланиши бўлиб, якка нарсаларни (*Тошкент, Наманган, Бухоро*), бир гуруҳ нарсаларни (*халқ, ўрмон, шаҳар*) ҳодиса ва жараёнларни (*рефлекс, ҳаракат, тўй*) акс эттиради. Бир нарсанинг номини ўзгартириш билан унинг ўзини ҳам ўзгартириб бўлмайди. Ҳар қандай тушунча ўзининг мазмуни ва ҳажмига эга бўлиб, тушунчанинг мазмуни унда ифодаланган нарсалар белгиларининг йиғиндисидан иборат. Тушунча ўз мазмунида унда ифодаланган нарсаларнинг муҳим ва умумий белгиларини акс этиради.

Тушунчанинг ҳажми тушунчалар акс этган нарсалар йиғиндисидан иборатдир. Агар тушунчалар оламдаги нарса ва ҳодисаларни тўғри акс эттирса *тўғри тушунча* дейилади. Агар тушунчалар нарса-ҳодисаларни нотўғри акс эттирса *ёлгон тушунча* дейилади. Борликдаги нарса-ҳодисаларнинг моҳияти чуқур англашилиб бориши билан тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажми ҳам ўзгариб боради. Тушунча мазмунининг ўзгариши унинг ҳажми ўзгаришига олиб келади, шунингдек, тушунчалар ҳажмининг ўзгариши ҳам унинг мазмуни ўзгаришига олиб келади.

Тушунчалар ҳажми жиҳатидан якка ва умумий тушунчаларга бўлинади. *Якка тушунчалар* объектив оламдаги айрим, алоҳида нарса-ҳодисаларнинг умумий ва муҳим томонларини акс эттириш орқали ҳосил бўлади (*Самарқанд, Фарғона, Хоразм*). Бир ёки бир неча гуруҳ нарсаларнинг муҳим ва умумий томонларни акс эттирувчи тушунчалар умумий тушунчалар дейилади (*китоб, жамият, фабрика, эстрада, адабиёт, компьютер*). Чегараланган аниқ тушунчалар маълум миқдордаги нарсаларни умумий акс эттиради (*Ўзбекистон шаҳарлари, олий ўқув юртлари*). Умумий тушунчалар чегараланмаган миқдордаги нарсаларни ҳам акс эттириши мумкин (*шаҳар, олимпиада, олам, кроссворд, автобус, коллеж*). Умумий тушунчалар ҳажми йўқ (ноль) тушунчаларни ҳам акс эттиради (*сув париси, жин, туш, хаёл, руҳий кечинмалар*). Тўплама тушунчалар бир тўплам, бир гуруҳ нарсаларнинг бир бутун, яхлит ҳолда акс эттирилишидир (*халқ – яратилган, Аллоҳ яратган махлуқотлар ичида ақли ва тафаккури, ижодкорлик қобилиятига эга инсонлар*).

Тушунчалар мазмунига кўра, конкрет ва абстракт тушунчага бўлинади. Реал нарса-ҳодисаларни акс эттирувчи тушунча конкрет (*ер, ўйинчоқ, стол*) тушунча, нарсдан фикран ажратиб мавҳумлаштирилган, маълум хусусият ва белгилар акс эттирилган тушунча абстракт (*соғинч, баҳс, мўъжиза, қаҳрамон*) тушунча дейилади. Тушунчалар нисбатдош ва нисбатсиз, ижобий ва салбий бўлади.

Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар. Оламдаги барча нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқ бўлиб, маълум алоқа ва муносабатда бўлади.

Тушунчалар таққосланадиган ва таққосланмайдиган тушунчаларга бўлинади. Таққосланадиган тушунчалар сиғишадиган ва сиғишмайдиган тушунчаларга бўлинади. Агар тушунчаларнинг ҳажми бир-бирига тўла ёки қисман мос келса, ҳажм жиҳатидан иккинчисининг ҳажмига кирса – сиғишадиган муносабатдаги тушунчалар дейилади (*китоб – дарслик*). Агар тушунчаларнинг ҳажми бир-бирига зид бўлса, ўзаро сиғишмайдиган тушунчалар дейилади (*дўст – душман, ҳаёт – ўлим*).

Сиғишадиган тушунчалар ўртасида айният, бўйсунуш, қисман мос келиш муносабатлари бўлиб, тушунчаларнинг ҳажми айният муносабатида тўла мос келади, яъни белгилар мазмун жиҳатидан айтилган бир предметни турли томондан ифодалайди.

А. Тошкент

В. Ўзбекистон Республикаси пойтахти

Қисман мослик муносабатида тушунчалар мазмун жиҳатидан бир хил бўлса ҳам, уларнинг ҳажмлари бир-бирига мос келади:

А. Олий ўқув юрти ўқитувчилари

В. Профессорлар

Бўйсунуш муносабатида бир тушунчанинг ҳажми бошқа бир тушунчанинг ҳажмини ўзининг бир қисми сифатида ўз ичида олади:

А. Фан *ёки* *А. Зиёли*

В. Мантиқ *В. Инженер*

Сиғишмайдиган тушунчалар ўртасида бирга бўйсунуш, қарама-қаршилик, зидлик муносабатлари бўлиб, бирга бўйсунуш муносабатида бир неча тушунчалар бир тушунчага бўйсунулади.

В, С, D, E, F, K, M. – ахлоқ, дин, сиёсат, фалсафа, социология, политология, тарих

А – ижтимоий онг шакллари.

Қарама-қарши муносабатдаги тушунчалар ўзининг ҳажми ва мазмуни жиҳатидан бир-бирига тесқари, қарама-қаршидир (оқ-қора, узун-қиска, яхши-ёмон). Бу тушунчаларнинг бири иккинчисини инкор қилади:

А. – оқ.

В. – қора.

Зид тушунчалар бир-бирини инкор қилса ҳам, инкор этган тушунча ноаниқ бўлади:

наст *ёки* *гўзал*

наст эмас *гўзал эмас*

Зид тушунчалар учинчи тушунчага ўрин қолдирмайди. Шунинг учун ҳар икки тушунчадан бири рост бўлса, иккинчиси албатта хато бўлади, учинчисининг бўлиши мумкин эмас. Бу тушунчалар ўртасида формал мантиқнинг учинчиси истисно қонуни амал қилади.

Тушунчаларни бўлишда бўлинувчи тушунчанинг ҳажми маълум асосда аниқланади, яъни у маълум тур тушунчаларига тақсимланади ва натижада тур тушунчалари ҳосил бўлади. Тушунчалар ҳажми тушунчада акс этган нарсаларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, тушунчани бўлиш

орқали билимлар конкретлашади, улар ўртасидаги фарқ ортади, билимлар янада конкрет, аниқ тус олади:

1 йил → 12 ой → 365 кун → ... соат → ... дақиқа → ... сония → ...

Бўлиш қоидалари. 1. *Бўлиш тенг ҳажмли бўлиши керак, бўлинувчи тушунчанинг ҳажми бўлинмаларга тенг бўлиши керак.*

2. *Бўлиш бўлишга асос қилиб олинган асосида изчиллик билан давом этиши керак. Бошқа асосга ўтиб кетмаслик лозим.*

3. *Бўлиш бўлаклари – бўлинма бир-бирини истисно қилиши керак.*

4. *Бўлиш тўғри, изчил бўлиши ва унда сакраш бўлмаслиги керак.*

Классификация (турларга бўламан) бир-бирига ўхшаш ва фарқ жиҳатларига кўра, маълум гуруҳ, синф, тур туркумларга бўлишдир. Табиий классификацияда нарса-ҳодисаларнинг муҳим белгиси, уларда амал қиладиган қонуниятларга қараб синф, гуруҳларга бўлинади ва нарсаларнинг белгилари ҳисобга олинади, бу эса нарсанинг хусусияти ҳақида фикрлашга имкон беради. Ёрдамчи классификация бошқа синфга тегишли нарсалар орасида индивидуал нарсаларни осонроқ топиш ва фарқлаш учун қўлланилади:

НамМИИ → Молия факультети → 1у-08, 2у-08, 2ау-08 гуруҳи.

Ёрдамчи классификация нарсаларнинг моҳияти ҳақида хабар бермайди. Сунъий классификация нарсаларни ташқи томондан сунъий равишда ифодалайди (*китоблар каталоги*).

Табиий классификация илмий классификация деб аталади, чунки унда нарса-ҳодисаларнинг қонуниятли боғланишлари, белгилари асос қилиб олинган. Илмий классификация нарсалар, уларнинг гуруҳи, синфи, турлари ҳақида хулоса чиқариш, умумий жараёнларни очишга ёрдам беради. Унда нарсалар энг умумий ва энг муҳим белгилар асосида тақсимланади, гуруҳларга бўлинади (*Менделевнинг кимёвий элементлар даврий системасидаги кимёвий элементлар атомлари оғирлигига қараб жойлаштирилган*).

Тушунчаларни таърифлаш (*дефиниция*) тушунчанинг мазмун-моҳияти, муҳим белгилари таърифлашда акс этади. Таърифлаш орқали билишнинг қуйидаги вазифалари ҳал этилади:

а) тушунчада акс этувчи нарсанинг муҳим белгиларини кўрсатади;

в) тушунчани ифода қилувчи сўзнинг маъносини очиб беради;

с) термин ҳосил қилишга ёрдам беради.

Квадрат тушунчасининг белгилари тенг томонли, тўғри бурчакли кўпбурчак, геометрик фигура ва бошқалар. Квадратнинг ўзига хос хусусиятлари тенг томонли ва тўғри бурчакли тўртбурчак бўлишидир.

Таърифлаш илмий билишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, таърифлашнинг номинал ва реал турлари мавжуд. Номинал (*юнонча potina – исм, ном*) таъриф маълум нарса-ҳодисаларни ифодалайдиган сўз ёки терминнинг асл маъносини билишда ишлатилади.

Масалан, *режа – форс-тожик тилидан олинган бўлиб, бирор ишни тартиби билан ва ўз вақтида бажариш учун олдиндан белгилаб олинган аниқ ёки тахминий мўлжал, чизик, тартиб, қоидадир.*

Номинал таъриф берилган терминнинг маъносини очиш учун қўлланилса, реал таърифда тушунчани ифодалаган сўз, термин эмас, балки тушунчада ифодалаган предметнинг моҳияти ва муҳим белгилари очиб берилди (*биология* юнонча *bio* – ҳаёт, *logos* – таълимот сўзларидан олиниб, ҳаёт ҳақидаги фан деган маънони билдиради (номинал таъриф). *Биология* – ҳаёт қонунлари ва жонли мавжудотларнинг ўсиши ҳақидаги фандир (реал таъриф).

Генетик таърифда тушунча ифодалаган нарса-ходисанинг келиб чиқиши, таркибий тузилиши ифодаланади (*Самарқанд шаҳри бундан 2500 йил аввал бунёд этилган, Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий ҳудудида жойлашган Самарқанд вилояти маркази*).

Таърифлаш қоидалари. Таърифлашнинг умумий, барча фанлар учун хос бўлган мантикий қоидалари бўлиб, уларга амал қилинмаса, хатолар келиб чиқиши мумкин: *а) таърифлаш тенг ҳажмли бўлиши керак. Масалан, тафаккур – билишнинг олий босқичи ёки теорема – тўғрилиги муҳокама йўли билан ишонч ҳосил қилинадиган математик ифодадир.*

б) таърифлашда энг яқин жинс тушунчасини олиши керак. Масалан, Таврот – яҳудийлик динининг муқаддас китоби.

в) таърифда тур белгиси фақат таърифланувчи нарсага тегишли бўлиши ва унинг барча нарсалардан фарқини кўрсатиб бериши керак. Масалан, предмет – сезги органлари орқали ҳис қилинадиган ҳар қандай моддий нарса, воқеа, ҳодиса.

г) таъриф инкор шаклида бўлмаслиги керак, масалан, ижобий нарса салбий нарса эмас, балки ижобий нарса мақтовга сазовор бўлган нарса дейилса тўғри бўлади.

д) таърифда қайтариш бўлмаслиги керак: Масалан, одам инсоний фазилатларга эга бўлган киши деган таърифда қайтариш бўлиб, таърифлаш таърифланувчи тушунчалар орқали ифодаланмоқда. Бу хато мантиқ илмида тавтология дейилади. Тавтология – фикрни керагидан ортиқ қайтаришидир.

е) таърифлашда фикрлар аниқ баён қилинган бўлиши керак. Ноаниқ фикр тўғри таърифга олиб келмайди. Масалан, сазан – карплар оиласига мансуб балиқ тури. Сазан – сувда яшовчи танга балиқ.

ж) таърифлашда образли сўз ва ибратлар бўлмаслиги керак. Масалан, хаёл – учқур от, хаёл – бирор иш-ҳаракатни амалга ошириш ҳақидаги ўй, ният, истак, фантазия.

Билиш жараёнида тушунчани таърифлаш мумкин бўлмаган ўринларда таърифга ўхшаш усуллардан фойдаланилади. Улар кўрсатиш, тасвирлаш ва тавсифлаш, ўхшатиш ва тафовутлашдир.

Тасвирлаш бадиий асарларда воқеалар баёни, табиат манзараси, шеъриятда қўлланилади. Масалан,

«Кўзда нурнинг нури кўнгил нуридир,

Нур, кўзнинг нури, қалбнинг қўридир». (Ж.Румий)

*Тавсифлаш*да айнан бир нарсага бўлган муҳим хусусиятларнинг белгилари кўрсатилади.

12у-08 гуруҳи талабаси Аҳмедова Комилага берилган тавсифнома.
Тафовутлаш – нарса-ҳодисалар ўртасидаги ўзига хос хусусият, фарқ, бирини иккинчисидан ажратувчи белги.

Пухта ҳолин билгайми, ҳеч хом...

Зар қадрини заргар билар.

Ўхшатиш – нарса-ҳодисани маълум умумийликка эга бўлган бошқа нарса ёки ҳодиса билан таққослаш орқали ифодалаш.

Боланинг ёшлиги худди отасиникига ўхшайди.

Кўрсатиш – нарса-ҳодисаларнинг бирор хусусиятга тегишли эканлигини далил, исботлар асосида кўрсатиб бериш.

Дўстлик бошга оғир кулфат тушганда билинади.

Илмий тадқиқот натижасини диссертация ҳимояси кўрсатади.

Тушунчаларни умумлаштириш орқали умумий тушунчадан энг умумий тушунчага борилади. Энг умумий тушунча умумлаштиришнинг сўнгги босқичи бўлиб, категориялар (юнонча – тур, туркум, даража, кўрсатма) дейилади.

Категория – оламдаги нарса-ҳодисаларнинг энг умумий хусусиятлари, алоқа ва муносабатларини акс эттирувчи энг умумий тушунчадир. Ҳар бир фан ўз категориясига эгадир. Мантиқ илмининг асосий категорияси мантиқий қонунлар, тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш, аргументлаш, исботлаш, раддия, муаммо, гипотеза, назария, аналогиядир.

Чегаралаш – ҳажми кенгроқ тушунчаларни ҳажми торроқ тушунчаларга келтириш бўлиб, тушунчаларни чегаралаш орқали энг умумийдан умумий ва якка тушунчага борилади. Якка тушунча тушунчани чегаралашнинг охиридир (*олам – мавжудот – ҳайвонот – умуртқалилар – сут эмизувчилар – от – «Саман»*).

Ҳукм – тафаккур шаклларида бири бўлиб, нарса-ҳодисаларда бирор белгининг бор-йўқлиги тасдиқланади ёки инкор қилинади. Фикрлаш жараёнида нарса-ҳодисанинг оддий ташқи хусусияти билан бирга унинг ички, зарурий боғланиш ва муносабатлари билинади. Ҳукмда ҳамма вақт тасдиқ ёки инкор билан айтилган фикр бўлади:

«Темир – қаттиқ жисмдир».

«Баъзи ёшлар – талаба эмас».

Фикрлар ҳақиқий (*тўғри*) ва ёлғон (*хато*) бўлиши мумкин:

«От – сут эмизувчилар оиласига киради» (Тўғри ҳукм).

«От – судралиб юрувчилар оиласига киради» (Хато ҳукм).

Воқеликка мос келиш даражасига кўра чин, хато ва ноаниқ ҳукмлар бўлади. Объектив воқеликка мос келган, уни тўғри ифодалаган ҳукмлар чин, мос келмаганлари эса хато бўлади. Айни пайтда чинлигини ҳам, хатолигини ҳам аниқлаб бўлмайдиган ҳукмлар ноаниқ ҳукм дейилади. Ҳукмлар дарак гап орқали ифодаланади, чунки дарак гапда фикр тасдиқ ёки инкор ҳолда бўлади: *«Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахтидир».*

Ҳукмнинг гап орқали ифодаланиши унинг тил билан боғлиқлигини кўрсатади. Тил – кишиларнинг фикр алмашувидаги алоқа воситаси бўлиб, тил сўз ва гаплардан иборат бўлади. Ҳар қандай ҳукм гапда ифодаланади,

бирок ҳар қандай гап ҳукм бўлавермайди, яъни тафаккур билан тил айнан бир нарса эмас, сўроқ ва ундов гаплар ҳукм бўла олмайди.

«Сиз мантиқ фанини яхши ўзлаштирдингизми?»

«Сиз Мустақил Ўзбекистоннинг баркамол авлодисиз!»

Ҳукмнинг ҳақиқат ёки ҳақиқат эмаслигини текшириш контекстни анализ қилиш асосида аниқланиши лозим (*институт сўзи ҳукм эмас, тушунчадир. Агар бу сўз институт биносига ёзиб қўйилган бўлса, (Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти), у ҳолда ҳукм бўлади. Чунки «бу – институтдир» деган маънони билдиради. Яна бир мисол, «Аҳмад» тушунча, «14у-08 гуруҳи талабаси» дейилса, ҳукм бўлади.*

Оддий ҳукмнинг таркиби, унинг турлари. Ҳукм эга (S) ва кесим (P) ҳамда боғловчилардан ташкил топади. Ҳукм субъекти фикримиздаги нарсани билдиради. Шунинг учун ҳукмдаги фикр нимага қаратилган бўлса, ўша унинг субъекти ҳисобланади. **S – P дир.**

«Мантиқ - тўғри тафаккур шакли ва қонунларини ўрганадиган фандир».

Ҳукм предмети тўғрисида тасдиқ ёки инкор қилиб айтилган қисми предикат дейилади. Боғловчи S ва P ўртасидаги алоқани ифодалайди. (*«дир», «эмас»*)

S – P дир (тасдиқ ҳукм). *«Барча талабалар ёшлардир».*

S – P эмас (инкор ҳукм). *«Баъзи ёшлар талаба эмас».*

Тасдиқ ҳукмда бирор белгининг нарсада мавжудлиги кўрсатилади. Инкор ҳукмда бирор белгининг шу нарсада мавжудлиги рад этилади. Ҳукмлар миқдор жиҳатдан умумий, жузъий ва якка ҳукмга бўлинади.

Умумий ҳукм – нарсалар ва уларнинг хусусиятларини тўлалигича акс эттиради. **Ҳамма S – P дир.**

«Барча металллар электр ўтказувчанлик хусусиятига эгадир».

Агар ҳукм нарсаларнинг хусусиятларини бир қисмини акс эттирса жузъий ҳукмлар дейилади. **Баъзи S – P дир.** *«Баъзи ёшлар тадбиркордир».*

Агар ҳукм нарса ва ҳодисаларнинг айрим, якка хусусиятларини акс эттирса якка ҳукмлар дейилади.

«Ислом Каримов – Ўзбекистон Республикаси 1-Президентидир».

Ҳукмлар миқдор ва сифат жиҳатидан бирлаштирилса, қуйидаги ҳукмлар ҳосил бўлади:

а) умумий тасдиқ (миқдор жиҳатдан умумий, сифат жиҳатдан тасдиқ) **Ҳамма S – P дир.** *«Ҳамма талабалар фалсафа фанини ўрганади».*

б) жузъий тасдиқ (миқдор жиҳатдан қисман, сифат жиҳатдан тасдиқ) **Баъзи S – P дир.** *«Баъзи ҳашаротлар уча оладилар».*

в) умумий инкор (миқдор жиҳатдан умумий, сифат жиҳатдан инкор) **Ҳеч бир S – P эмас.** *«Ҳеч бир сахий хасис эмас».*

г) жузъий инкор (миқдор жиҳатдан қисман, сифат жиҳатдан инкор) **Баъзи S – P эмас.** *«Баъзи файласуфлар идеалист эмас».*

Ҳукмлар латин ҳарфларида ифодаланади.

A – умумий тасдиқ – *«affirto» тасдиқлайман.*

I – қисман тасдиқ – *«(i) affirto» сўзининг иккинчи унли ҳарфи.*

E – умумий инкор – *«nego» инкор қиламан.*

О – қисман инкор – «(о) nego» сўзининг иккинчи унли ҳарфи.

Эҳтимоллик ҳукми. Фикрлар аниқ ёки эҳтимол айтилиши мумкин. Эҳтимоллик ҳукмида предикат субъектининг белгисини тахминан тасдиқлайди ёки инкор қилади.

Эҳтимол S – P дир. «Эҳтимол, эртага ҳаво очиқ бўлар».

Эҳтимол S – P эмас. «Эҳтимол, фалсафадан таянч ёзилмас».

Эҳтимоллик ҳукми фанда, илмий-тадқиқот жараёнида, кундалик ҳаётимизда нарса ва ҳодисаларнинг тўла сабаби аниқланмаган ҳолатларда қўлланилади. Аниқлик ҳукми предикат (P) субъектдаги (S) белгининг мавжудлигини тасдиқлайди ёки инкор қилади.

S – P дир. «Жинойатчи жавобгарликка тортилиши муқаррардир».

S – P эмас. «Ҳамма талабалар аълочи эмас».

Аниқлик ҳукми воқелик ва зарурий ҳукмларга бўлинади. Воқелик ҳукмида предикат субъектдаги белгининг мавжудлигини ё тасдиқлайди, ё инкор қилади. Бундай ҳукмлар факт, далилларга асосланса ҳам, зарурий қонуниятга олиб келмайди.

«Ибн Сино – тиб илмининг билимдонидир».

«Нажмиддин Комилов – Ўзбекистон қаҳрамонидир».

Зарурий ҳукмда предикат субъектдаги белгини албатта тасдиқлайди ёки инкор қилади. Зарурий ҳукмда нарса-ҳодисаларнинг мавжудлиги, шунингдек, улар ўртасидаги қонуний, зарурий муносабатлар ҳам акс эттирилади. «Дунё халқлари террорни лаънатлайди».

Ҳукмларда терминлар ҳажми деганда субъект ва предикат муносабатини билиш, субъект предикатнинг қанча қисмини ҳамда предикат субъектнинг қанча қисмини ҳажм жиҳатидан ташкил этиши тушунилади. Ҳукмда субъект ва предикат ифодалаган нарса-ҳодисаларнинг ҳаммаси кирса ва улар ҳажм жиҳатидан тўлиқ олинган бўлса, бундай ҳукмда терминлар бўлинган дейилади.

Агар ҳукм субъекти ва предикати ифодалаган нарса-ҳодисаларнинг бир қисмини акс эттирса, бундай ҳукм терминлари бўлинмаган дейилади.

А. Е. 1. О. ҳукмларидаги субъект ва предикат ўртасидаги муносабатни ифодаловчи структура таҳлил қилинса, терминларнинг ҳажми билиб олинади.

а) А – умумий тасдиқ ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт тўлиқ ҳажмда олинган, предикати эса баъзан тўлиқ, баъзан тўлиқсиз ҳажмда бўлади. «Ҳамма ҳашаротлар – тирик мавжудотлардир».

Умумий тасдиқ ҳукмларнинг баъзиларида S ҳам P ҳам тўла ҳажмда бўлиши мумкин. «Барча мусулмонлар ислом динига эътиқод қиладилар».

б) Е – умумий инкор ҳукмларнинг субъекти ҳам предикати ҳам тўлиқ ҳажмда олинган бўлади.

«Ҳеч бир порахўр виждонсиз эмас».

«Ҳеч бир ҳодиса сабабсиз бўлмайди».

в) I – жузъий тасдиқ ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт тўлиқсиз ҳажмда олинади, предикати эса тўлиқ ёки тўлиқсиз ҳажмда бўлади.

«Баъзи тушунчалар конкрет бўлади».

«Баъзи ҳодисалар тасодифан содир бўлади».

г) О – жузъий инкор ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт тўлиқсиз ҳажмда, предикати эса тўлиқ ҳажмда олинади.

«Баъзи халқлар мусулмон эмас».

Умумий ҳукмларнинг субъекти ҳамма вақт тўлиқ ҳажмда, жузъий ҳукмларнинг субъекти тўлиқсиз ҳажмда олинади. Инкор ҳукмларнинг предикати ҳамма вақт тўлиқ ҳажмда бўлади.

Мураккаб ҳукмларнинг тузилиши. Мураккаб ҳукмда бир неча содда ҳукмлар мантиқий боғловчи орқали боғланган бўлади. Мураккаб ҳукмлар «*ва*», «*ёки*», «*агар*», «*унда*» каби мантиқий боғламалар орқали ифодаланиб, *бирлаштирувчи, айирувчи, шартли, эквивалент* каби турларга бўлинади. Бирлаштирувчи ҳукм – икки ёки ундан ортиқ оддий ҳукмларнинг «*ва*», «*ҳам*», «*ҳамда*» каби мантиқий боғловчилар воситасида ўзаро бирикишидан ҳосил бўлган ҳукмлардир. **S – P₁ ва P₂ дир.**

«Хожа Аҳрор Валий ўз даврида нақибандийлик тариқати ривожини ва ислом дини тараққиётига катта ҳисса қўшди».

S – ҳам P₁ ҳам P₂ дир. *«Хожа Аҳрор Валий ҳам диний, ҳам дунёвий ишларни уйғунлаштирган ҳолда умр кечирган».*

Айирувчи ҳукмлар «*ё*», «*ёки*», «*ёхуд*» мантиқий боғламалари воситасида оддий ҳукмлардан ташкил топган мулоҳазалардир. Бу боғловчилар икки оддий ҳукмни ёки бир қанча предикатларни ёки бир қанча субъектларни бир-биридан айириб туради.

«Ҳасан Япония грантини ё юта олади, ё юта олмайди».

«Бу учбурчак ёки ўтқир, ёки ўтмас, ёки тўғри бурчакдир».

«Абитуриент ё имтиҳондан ўта олади ё ўта олмайди».

Шартли ҳукм икки оддий ҳукмнинг «*агар, ... унда*» мантиқий боғламаси орқали бирикишидан ташкил топади.

«Агар талаба имтиҳонга яхши тайёрланса, унда аъло баҳо олади».

Шартли ҳукм икки қисмдан иборат бўлиб, бири шарт қўяди, иккинчиси натижада ҳосил бўладиган ҳукмни ифодалайди, биринчиси асос бўлса, иккинчиси натижа бўлади.

1. *«Агар электр токи бўлмаса, трамвай тўхтамайди» (чин).*

2. *«Агар қор ёгса, ер қуруқ бўлади» (хато).*

3. *«Агар ёмғир ёгмаса ҳам, ер хўл бўлади» (сув сепиши, қор ёғиши, сув тоишиши мумкин) (чин).*

4. *«Агар талаба контракт тўлов мажбуриятларини бажармаса ҳамда имтиҳондан ўтолмаса, талабалик сафидан чиқарилади» (чин).*

Эквивалентлик ҳукмлари «*агар ва фақат агар ... унда*» мантиқий боғловчи ёрдамида икки оддий ҳукмнинг ўзаро боғланишидан ҳосил бўлади. Эквивалент ҳукмнинг чин бўлиш шартлари қуйидагича:

«Агар берилган сон жуфт сон бўлса, у ҳолда иккига қолдиқсиз бўлинади».

«Агар фарзанд тарбиясига унинг ёшлигидан жиддий ёндашилса, у ҳолда етук инсон бўлиб етишади».

Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар. Ҳукм ҳам тушунчалар каби объектив борлиқнинг алоқа, муносабатларини ўзида акс эттиради.

Ҳукмлар ўртасидаги муносабатларда уларнинг ҳажми ва мазмунининг тўғри ёки хато эканлиги муҳим аҳамиятга эга.

Агар ҳукмлар субъект ёки предикат жиҳатдан ҳар хил бўлса, таққосланмайдиган ҳукмлар дейилади. Масалан, *«тарих фандир»*. Бу ерда ҳукмларнинг предикатлари бир хил, аммо субъектлари ҳар хил. Шунинг учун уни мантиқий муносабатга киритиб бўлмайди ва уларни ўзаро таққослаш мумкин эмас. Агар ҳукмлар ҳар хил миқдорга эга бўлса ҳам бир хил терминга эга бўлса, бу ҳукмлар *таққосланадиган ҳукмлар* дейилади.

«Амир Темур – Мовароуннаҳрнинг энг буюк ҳукмдори».

«Амир Темур теурийлар салтанатининг энг босқинчи ҳукмдори».

Таққосланадиган ҳукмлар ўртасида сиғишадиган ва сиғишмайдиган алоқалар мавжуд. Сиғишмайдиган ҳукмлар икки хил бўлади:

а) қарама-қаршилик;

б) зид муносабатлари.

Сиғишадиган ҳукмлар айнан бир фикрни тўлиқ ёки қисман ифодалайди: а) тўлиқ мос келиш муносабати;

б) қисман мос келиш муносабати;

в) бўйсунуш муносабати.

Тўлиқ мос келиш муносабатида икки ҳукмнинг субъекти ёки предикати ҳар хил сўзларда ифодаланса-да, предикат бир хил бўлади. Биринчи фикрнинг тўғрилигидан ўз-ўзидан иккинчи фикрнинг тўғрилиги келиб чиқади.

«Талаба мавзунини тўғри гапирди».

«Талаба мавзунини нотўғри гапиргани йўқ».

Бўйсунуш муносабати умумий ҳукмлар (А, Е) билан жузъий (I, O) ҳукмлар ўртасида мавжуд. Агар умумий ҳукмлар тўғри бўлиб, унга бўйсунувчи жузъий ҳукмлар ҳам тўғри бўлса, бўйсунувчи жузъий ҳукмлар ҳам тўғри бўлади. Агар умумий ҳукм хато бўлса, қисман ҳукм ҳам хато бўлади. Жузъий ҳукмларнинг (I, O) тўғрилигидан умумий ҳукмларнинг (А, Е) тўғрилиги келиб чиқмайди. Умумий ҳукмнинг (А, Е) хатолигидан жузъий ҳукмнинг (I, O) хатолиги келиб чиқмайди. Чунки, умумий ҳукм хато бўлса, жузъий ҳукм тўғри ҳам, хато ҳам бўлиши мумкин.

«Иқтисод» факультети 14-08 гуруҳидаги барча талабалар чет тилини аъло даражада билади.

«Баъзи талабалар чет тилини аъло даражада билади».

Қисман мос келиш муносабати. Сифат жиҳатидан фарқ қилувчи жузъий ҳукмлар (I, O) ўртасида қисман мос келиш муносабати бор. Бунда фикрлар бирданига тўғри келиши мумкин, бироқ бирданига хато ҳам бўлиши мумкин.

«Баъзи ҳашаротлар заҳарли».

«Баъзи ҳашаротлар зарарли эмас».

Сиғишмайдиган муносабатлар. Сиғишмайдиган ҳукмлар контрап (қарама-қаршилик) ва контрадиктор (зидлик) муносабатида бўлади. Икки мулоҳазадан бирининг чинлигидан иккинчисининг хатолиги зарурий келиб чиқадиган бўлса, улар ўзаро сиғишмайдиган ҳукм дейилади. Ҳукмлар

ўртасидаги муносабатларнинг схематик ифодаси «*мантикий квадрат*» дейилади. Мантикий квадрат орқали ҳукмлар ўртасидаги чинлик муносабатлари аниқланади.

А Е - қарама-қарши муносабатлар. Бир ҳукм (А) тўғри бўлса, иккинчи ҳукм (Е) хато, ёки аксинча, иккаласи бирданига хато бўлиши мумкин, лекин иккаласи бирданига тўғри бўлмайди ва аксинча, бу ҳукмларнинг иккаласидан бири чин бўлади.

«Гўзал меҳрибон, бошқалар учун ёрдамини аямайди».

«Гўзал ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган қиз».

А О ва I Е. Зид муносабатда биринчи ҳукм тўғри бўлса, иккинчиси хато бўлади ва аксинча, аммо иккаласи хато бўлиши мумкин эмас.

«Ҳеч бир қуш қишда иссиқ мамлакатларга учиб кетмайди» (хато).

«Баъзи қушлар қишда иссиқ мамлакатларга учиб кетади» (тўғри).

Эквивалентлик муносабатидаги ҳукмлар ҳамма вақт чин бўлади, чунки уларда айнан бир фикр турли шаклларда ифодаланади (*А.Орипов Ўзбекистон Республикаси мадҳияси муаллифи ва А.Орипов Ўзбекистон Қаҳрамони ҳукмлари ўзаро тенгдир, яъни улар бир хил субъектга, лекин ҳар хил предикатга эга бўлган ҳукмлардир*).

Савол ва жавобнинг муҳокамадаги ўрни. Билимлар нарса-ҳодисалар ҳақидаги аввалги қилинган ҳукмлардан янги, уларни тўлдирадиган, кенгайтирадиган ҳукмларни ҳосил қилишга қараб тараккий этади. Бу жараён маълум саволларни қўйиш ва уларга жавоб қидириш тарзида содир бўлади. Ҳукмнинг вазифаси нарса ҳақидаги мавжуд билимларни қайд қилишдан иборат бўлса, савол унинг янги хусусиятлари, алоқаларини қидириб топишга ва ўрганишга қаратилган бўлади. Савол сўроқ гап ёрдамида ифода қилингани учун ҳукмни ифода қила олмайди.

Саволнинг мантикий хусусиятлари қуйидагича: *а) саволда маълум бошланғич билим мужассамлашган бўлади; б) савол қўйиш ва унга жавоб қидириш йўли билан янги билим ҳосил қилиниши лозим бўлади; в) саволда нарса ҳақида тўлароқ билимга эга бўлиши эҳтиёжи ўз ифодасини топади.*

Савол билимдаги ноаниқлик, шубҳаларни йўқотиш ҳамда аниқроқ ва тўлароқ билимлар ҳосил қилишга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қиладиган фикрлаш воситасидир. Савол ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, унинг асосини унда мужассамлашган билим ташкил этади. Савол ўзининг асосига кўра, тўғри ва нотўғри қўйилган саволларга бўлинади. Асоси чин ва зиддиятсиз билимдан иборат бўлса, савол тўғри қўйилган бўлади. (*Мантиқ нима?*) Хато ва зиддиятли асосга эга савол нотўғри қўйилган савол ҳисобланади. Савол билишдаги вазифасига кўра, аниқловчи ва тўлдирувчи, тузилишига кўра, оддий ва мураккаб саволларга бўлинади. Таркибида биттадан бошқа савол бўлмаса, оддий савол, биттадан кўп бўлса, мураккаб савол дейилади. Саволни тўғри қўйиш учун савол тил талабларига жавоб бериши, савол аниқ, равшан, қатъий ҳолда ифода қилинган бўлиши, саволнинг асоси чин ҳукмлардан иборат бўлиши керак.

Масала – саволнинг алоҳида бир тури бўлиб, уни ҳал қилиш саволнинг асосини мантиқан ўзгартириш, етишмаётган маълумотлар билан

тўлдириш, муҳим томонларини ажратиш, муҳим бўлмаганларини чиқариб ташлашни тақозо этади.

Жавоб – нарса ҳақидаги аввалги билимни қўйилган саволга мувофиқ аниқлаштирадиган ва тўлдирадиган янги ҳукмдан иборат. Жавоб саволнинг асосини ташкил этувчи билимга таянилган ҳолда янги билим олишига имкон беради. Жавобнинг моҳиятини саволда мавжуд бўлган ноаниқликни йўқотиш ташкил этади. Жавобнинг бевосита ва билвосита, тўлиқ ва тўлиқсиз, чин ва хато, қисқа ва батафсил, аниқ ва ноаниқ турлари бор. Бевосита (тўғри) жавоб берилган саволга тааллуқли мулоҳазалардан иборат. Билвосита жавоб жавоб қидириш асосида қўшимча маълумотларга мурожаат қилиш асосида ҳосил қилинадиган мулоҳазалар тўпламидан иборат бўлиб, бевосита (тўғри) жавоб улардан хулоса чиқариш йўли билан ҳосил қилинади. Масалан, «*Мантиқ фалсафий фанми?*» деган саволга «*Мантиқ тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан*» деган жавоб билвосита жавобдир. Тўлиқ жавоб ўзида саволнинг барча қисмлари ҳақидаги маълумотларни мужассамлаштирган мулоҳазалар тўплами бўлса, тўлиқсиз жавоб саволни ташкил этувчи қисмларнинг бир қисми ҳақидаги маълумотни ифода этган мулоҳазалардан иборат. Жавобда ифодаланган фикр-мулоҳазалар борлиққа мувофиқ келиб, уни адекват (*тенг ўхшаши*) ҳолда акс эттирса, чин жавоб дейилади. Масалан, «*Маснавийи маънавий*» муаллифи ким? «*Маснавийи маънавий*» муаллифи Жалолиддин Румий (*Чин жавоб*). Жавобда ифодаланган фикр-мулоҳазалар борлиққа мувофиқ келмаса, хато жавоб дейилади. Масалан, «*Шоҳнома*» асарининг муаллифи ким? «*Шоҳнома*» асарининг муаллифи Х.Деҳлавий (*хато жавоб*). Грамматик шаклига кўра жавоблар қисқа ва батафсил бўлади. Қисқа жавоб «*ҳа*» ёки «*йўқ*» тарзида ифодаланади, батафсил жавоб саволнинг ҳар бир қисми такрорланадиган мулоҳазадир.

Жавобнинг аниқ ёки ноаниқ бўлиши саволнинг сифатига боғлиқ бўлади. Шунинг учун баҳс юритиш жараёнида «*томдан тараши тушган*» саволнинг «*саломига яраша алик*» олинади, яъни «*нима экса, ўшани ўради*». Аниқ жавоб – мантиқан тўғри қўйилган саволга берилган мазмуни, маъноси конкрет ва равшан мулоҳазадан иборат жавобдир. Ноаниқ жавобни ифода этувчи мулоҳазалар икки хил маъноли тушунчалар, сўзларни ишлатиш натижасида ҳосил бўлади. Жавоб тўғри бўлиши учун аниқ, равшан, ихчам, мантиқан зиддиятсиз, етарли даражада асосланган саволдаги ноаниқликни камайтириши, иложи борича тўла бўлиши керак.

Меъёрий қоидалар илмий билишда қоида ва усуллар, ҳуқуқий соҳада – ҳуқуқий меъёрий хужжатлар, қонун, кодекс, буйруқ, қарорлар, ахлоқ-одоб меъёрларини ўзида ифода қилади. Меъёр талабларига риоя қилиш кундалик ҳаётимиз, билиш жараёнида кўзланган мақсадга эришишимизга имкон беради. Масалан, *овқатга кўпроқ туз солинса, шўр, озроқ туз солинса бемаза бўлади*. Тушунчаларга берилган таъриф ҳам кенг ёки тор бўлмаслиги, ўртача бўлиши лозим. Меъёрий ҳукмлар бошқа ҳукмлар сингари мантиқий қийматга эга, яъни унда чин ёки хато фикр ифодаланади.

9-мавзу. Хулоса чиқариш. Далиллашнинг мантикий асослари

1. Хулоса чиқаришнинг умумий мантикий тавсифи. Дедуктив хулоса чиқариш ва унинг турлари
2. Индуктив хулоса чиқариш. Оммабоп индукциянинг моҳияти.
3. Аналогия. Далиллаш ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиш жараёни.
4. Исботлаш ва рад этиш тушунчаси. Исботлаш ва рад этиш қоидалари. Баҳс юритишнинг моҳияти ва шакллари

Хулоса чиқариш тафаккурнинг универсал шакли бўлиб, унда бир ёки бир нечта чин мулоҳазалардан янги билимлар келтириб чиқарилади. Хулоса чиқариш жараёни иккита асослардан хулосага ўтишдан ташкил топади. Хулоса чиқариш орқали янги билимлар ҳосил қилинади. Тўғри хулоса чиқариш учун қуйидагиларга асосланилади:

1. Асослар чин мулоҳазалар бўлиши керак
2. Асослар ўзаро мантикий боғланиши керак.

Масалан, «*Абу Наср Форобий Шарқ файласуфидир*».

«*Абу Наср Форобий Шарқ Аристотелидир*».

Бу ерда иккита чин мулоҳазадан битта хулоса чиқариб бўлмайди. Хулоса чиқариш хулосанинг чинлик даражаси, хулоса чиқариш қоидаларининг қатъийлиги, хулоса асосларининг сони ва фикрнинг ҳаракат йўналишига кўра дедуктив, индуктив, аналогия бўйича хулоса чиқариш каби турларга бўлинади.

Дедуктив хулоса чиқариш – зарурий хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш ва аналогия – эҳтимолий хулоса чиқаришдир. Дедукция бевосита ва бавосита хулоса чиқариш каби турларга бўлинади. Фақат битта мулоҳазага асосланиб, янги билимни ҳосил қилиниши бевосита хулоса чиқариш дейилади.

Бевосита хулоса чиқаришнинг мантикий усуллари қуйидагича:

I. Айлантириш (*obversio*) – берилган мулоҳазанинг миқдорини сақлаган ҳолда, сифатини ўзгартириб, янги мулоҳаза ҳосил қилинади:

$$\frac{S - P}{S - P} \quad \frac{S - \text{субъект}}{P - \text{предикат}}$$

Бу усулда кўш инкор содир этилади, яъни аввал асоснинг предикати, кейин эса боғловчиси инкор этилади. Инкор қилиш жараёнида (-та, -сиз, -мас) каби инкор юкламаларидан ва «ҳеч бир, баъзи, эмас» каби зид тушунчалардан фойдаланилади. Айлантириш усулида оддий, қатъий мулоҳазаларнинг ҳаммасидан айлантириш орқали хулоса чиқарилади. Айлантиришда оддий, қатъий мулоҳазаларнинг шакли ўзгаради.

Ҳамма S-P «*Ҳамма файласуфлар донишманддир*».

Ҳеч бир S-P эмас. «*Ҳеч бир файласуф нодон эмас*».

Ҳеч бир S-P мас эмас. «*Ҳеч бир уй пойдеворсиз эмас*».

Ҳамма Sэмас Pдир. «*Ҳамма уй бўлмаган жой пойдеворсиз*».

«*Ҳеч бир қулликда яшаётган одам эркин эмас*».

«*Ҳамма қулликда яшамаётган одам эркиндир*».

«*Ҳеч бир ватанпарвар сотқин эмас*».

«Хамма ватанпарвар бўлмаганлар – сотқиндир».

Баъзи S-P. *«Баъзи одамлар касалдир».*

Баъзи S-P эмас. *«Баъзи одамлар касал эмас».*

«Баъзи қонунлар халқ учун фойдалидир».

«Баъзи қонунлар ишчилар учун фойдали эмас».

«Баъзи мусиқачилар ашула айтади».

«Баъзи мусиқачилар ўқитувчи эмас».

Баъзи S-P сиз эмас. *«Баъзи натурал сонлар жуфт эмас».*

Баъзи S эмас-P дир. *«Баъзи натурал сонлар тоқдир».*

«Баъзи табиатиунослар файласуф эмас».

«Баъзи табиатиунослар олимдир».

II. Алмаштириш (konversio) усулида хулоса берилган мулоҳазадаги субъект ва предикатнинг ўрнини алмаштириш орқали келтириб чиқарилади. Алмаштиришда терминлар ҳажми ўзгармаслиги лозим бўлади, акс ҳолда берилган мулоҳазадан нотўғри хулоса чиқиши мумкин.

Соф алмаштириш: **Хамма S-P**

«Хамма тирик мавжудотлар кўнайиши хусусиятига эга».

«Хамма кўнайиши хусусиятига эга бўлганлар – тирик мавжудотдир».

Торайтирилган алмаштириш:

«Хамма дельфинлар сут эмизувчилардир».

«Баъзи сут эмизувчилар дельфинлардир».

Соф аламаштириш.

Баъзи S-P *«Баъзи қушлар йиртқичдир».*

Баъзи P-S эмас *«Баъзи йиртқичлар қуш эмас».*

Кенгайтирилган алмаштириш

Баъзи S-P *«Баъзи мусиқачилар скрипкачи».*

Хамма P-S *«Хамма скрипкачилар мусиқачилардир».*

Алмаштириш усулида мулоҳазадаги терминларнинг ўрни алмаштирилиб хулоса чиқарилади. Мулоҳазадаги S ва P нинг ҳажми аниқланади, агар ҳажми мос келмаса тўғри хулоса чиқариб бўлмайди.

Алмаштириш усули тушунчага берилган таърифларнинг тўғрилигини аниқлашда ёрдам беради.

III. Предикатга қарама-қарши кўшиш (kontraposio) бу усулда берилган мулоҳаза аввал айлантирилади, сўнг алмаштирилади. Натижада ҳосил қилинган мулоҳазанинг субъекти асос мулоҳаза предикатига зид, предикати эса унинг субъектига мос бўлади:

S-P P-S

1) **Хамма S-P** *«Хамма жирафалар умуртқали ҳайвонлардир».*

Ҳеч бир P эмас-S эмас.

«Ҳеч бир умуртқасиз ҳайвон жирафа эмас».

«Хамма тирик мавжудотлар нафас олади».

«Ҳеч бир нафас олмайдиган нарсалар – тирик мавжудот эмас».

2) **Ҳеч бир S-P эмас.**

«Ҳеч бир талаба дарсга кеч қолишни хоҳламайди».

Баъзи P эмас S дир.

«Баъзи дарсга кеч қолмайдиганлар талабалардир».

3) Баъзи S – P эмас. *«Баъзи ишчилар талаба эмас».*

Баъзи P эмас – S дир.

«Баъзи талаба бўлмаганлар ишчилардир».

Силлогизм (қўшиб ҳисоблаш) дедуктив хулоса чиқаришнинг мантиқий системаси бўлиб, унда ўзаро мантиқий боғланган икки қатъий мулоҳазадан учинчи янги қатъий мулоҳаза келтириб чиқарилади.

«Ҳар қандай металл – электр ўтказувчидир».

«Баъзи суюқликлар – металллардир».

«Баъзи суюқликлар – электр ўтказувчидир».

Силлогизмнинг умумий қоидалари қуйидагича:

1. Силлогизмда катта, ўрта, кичик терминлар бўлиши керак. Акс ҳолда хулоса янги билим бермайди. Агар терминлар қўпайиб кетса айният қонуни бузилади ва тўғри хулоса чиқариб бўлмайди. Агар битта термин икки хил маънода келса, мулоҳазалар орасида мантиқий боғланиш бўлмайди.

2. *Ўрта термин асослардан бирида тўла ҳажмда олиниши керак.*

3. *Иккита инкор асосдан хулоса чиқариб бўлмайди.*

4. *Иккита жузъий ҳукмдан хулоса чиқариб бўлмайди.*

5. *Асослардан бири инкор ҳукм бўлса, хулоса ҳам инкор бўлади.*

6. *Асослардан бири жузъий ҳукм бўлса, хулоса ҳам жузъий бўлади.*

Силлогизмларнинг оддий қатъий силлогизм, қисқартирилган қатъий силлогизм (*энтимема – ақлда, фикрда*), мураккаб силлогизм, мураккаб қисқартирилган силлогизм (*эпихейрема – ажратиш, фарқлаш*) каби турлари мавжуд.

Индуктив хулоса чиқариш бир неча эҳтимолий хулосалардан бир умумий хулоса чиқариш усулидир. Нарса-ҳодисаларни идрок этиш билан унинг моҳияти, хусусияти, хоссаларига ҳам аҳамият берилади. Бир ва бир неча хоссанинг такрорланишига кўра, умумий хулосага келиш мумкин.

Индукция (*лотинча – ягона асосга келтириш*) асосида чиқарилган хулосалар илмий билишда ўрнатилган турли эмпирик қонуниятлар, яратилган умумлашмалар тарзида ўз аксини топади, нарса ва ҳодисалар ҳақидаги билимлар кенгайишига олиб келади.

Индуктив хулоса чиқариш билвосита хулоса чиқариш бўлиб, унинг асослари икки ва ундан ортиқ мулоҳазалардан ташкил топган бўлади:

«Ер ўз ўқи атрофида Қуёш бўйлаб эллипс ҳаракат қилади».

«Марс ўз ўқи атрофида Қуёш бўйлаб эллипс ҳаракат қилади».

«Юпитер ўз ўқи атрофида Қуёш бўйлаб эллипс ҳаракат қилади».

«Сатурн ўз ўқи атрофида Қуёш бўйлаб эллипс ҳаракат қилади».

«Плутон ўз ўқи атрофида Қуёш бўйлаб эллипс ҳаракат қилади».

«Нептун ўз ўқи атрофида Қуёш бўйлаб эллипс ҳаракат қилади»...

«Демак, барча планеталар Қуёш бўйлаб эллипс ҳаракат қилади».

Индуктив хулоса чиқаришда яққалик, жузъийлик ва умумийликнинг диалектик алоқасини кузатиш мумкин. Жузъий билимлар умумий билим ҳосил қилишда мантиқий асос бўлиб хизмат қилади. Индуктив хулоса

чиқариш кузатиш ва тажриба натижаларини умумлаштиради. Кузатиш ва тажрибалар орқали энг оддий кундалик ишлардан тортиб эмпирик ва назарий қонун, гипотезалар илмий тадқиқотларни умумлаштириб, билимлар ҳосил қилинади. Илмий кашфиётлар, қонунлар, алоқадорликлар айнан индуктив йўл билан кашф этилган (*электр, оптика кимёвий элементлар, физика қонунлари ва ҳаказо*).

Тўлиқ индукцияда бирор нарса ва ходисани ўрганилаётганда унинг маълум бир синфга мансуб хоссалари аниқланади, ўша хосса берилган синф учун умумийлигини кўрсатади. Масалан, *Қуёш системасига кирувчи планеталар, БМТга аъзо ташкилотлар, сут эмизувчилар синфига кирувчи умуртқали ҳайвонлар, бирор шаҳардаги корхона ва ташкилотлар ҳақидаги хулосалар тўлиқ индукция йўли билан олинган. Шу билан бирга Қуёш системасига кирувчи планеталар ҳаракатининг йўналиши соат стрелкаси ҳаракати йўналишига тесқари эканлигини ҳам тўлиқ индукция усули орқали ҳосил қилинган. Барча металллар электр тоқини ўтказади, Тошкент шаҳридаги барча корхоналар давлат солиқ қўмитаси рўйхатидан ўтган каби умумий ҳукм орқали ифодаланган билимлар ҳам тўлиқ индукцияни қўллаш орқали олинган.*

Тўлиқ индукциянинг ифодаси қуйидагича:

S₁ предмети P белгига эга.

S₂ предмети P белгига эга.

S₃ предмети P белгига эга.

S₄ предмети P белгига эга.

Демак, S_N предмети P белгига эга.

Тўлиқ индукцияда бирор хосса бутун синфга кўчирилиб, унга тегишли умумий хоссасида қайд этилади.

«Зардушт Озарбайжонда тугилган».

«Будда Ҳиндистонда тугилган».

«Мусо Мисрда тугилган».

«Исо Қуддус яқинида Вифлеем (ҳозирги Байт Лаҳм)да тугилган».

«Муҳаммад с.а.в. Маккада тугилган».

«Улар буюк динлар асосчиларидир».

«Демак, буюк динларнинг асосчилари Шарқда тугилганлар».

Тўлиқ индукцияга хос бўлган яна бир хусусият борки, асослар ва хулосада кўрсатилган нарсалардан бошқа нарсалар ҳақида билим бермайди. Тўлиқ индукциянинг хулосаси аниқ ва чин бўлади.

Тўлиқсиз индукция эҳтимолий хулоса чиқариш тури бўлиб, бирор белгининг бирор синфга хос ёки хос эмаслигини, шу белгининг берилган бирор синфга мансуб барча нарсаларга хослиги ёки хос эмаслиги ҳақида маълумот беради. Тўлиқсиз индукцияда хулоса кузатиш, тажриба давомида қайд этилмаган, ўрганилмаган нарсаларга ҳам тегишли бўлади. Тўлиқсиз индукция қуйидагича ифодаланади:

S₁ нарса P белгига эга.

S₂ нарса P белгига эга.

S₃ нарса P белгига эга.

S_4 нарса P белгига эга.

S_N нарса P белгига эга.

$S_1, S_2 \dots$ нарсалар C синфга тегишли.

Эҳтимол, C синфнинг ҳар бир нарсаси P белгига эгадир.

Масалан, «2 сони 2 га қолдиқсиз бўлинади».

«4 сони 2 қолдиқсиз бўлинади».

« n сони 2 га қолдиқсиз бўлинади».

«2, 4 . . . n сонлари 2 га қолдиқсиз бўлинади».

«Эҳтимол, жуфт сонлар барчаси 2 га қолдиқсиз бўлиниши мумкин».

Оммабоп индукция халқ донолигининг оқилона кўринишидир. Оммабоп индукцияда кузатилаётган ҳолатларга зид бўлган ҳолат йўқлигига ишонч ҳосил қилинади, текширилаётган буюмнинг белгисини тадқиқ этиш билан бирга, зид ҳолати бор-йўқлиги ҳам аниқланади, яъни «шошмай тур-чи», «қани, бироз текширайлик-чи», «етти ўлчаб бир кес» каби фикрларга таяниб иш кўрилади. Масалан, деҳқончилик, халқ хунармандчилиги, кундалик ҳаёт юмушлари, хўжалик ишлари оммабоп индукцияни қўллаш орқали амалга оширилади.

Социологик тадқиқотлар ҳам оммабоп индукция усули бўлиб, улар орқали халқнинг ижтимоий аҳволи, билим савияси, қизиқиши, яшаши ва бошқа жиҳатлари ҳақида маълумот олинади. Оммабоп индукциянинг камчилиги шундаки, унда хулоса тахминий-эҳтимолий бўлишдан юқорига ўта олмайди ёки хулоса тасодифий, яъни зарурият билан боғланмайди. Сўровномаларда аҳолининг ёши, жинси, касби, нуқтаи назардан нотўғри кўрсаткичлар олинса-да, фактлар яширилган ёки атайлаб орттириб кўрсатилган бўлиши мумкин. Шунингдек, турли ғаройиботларга ишониш, «кўз тегиши», «тушдан таъсирланиб нотўғри хулоса чиқариши» ҳам кўпинча ҳақиқатга мос келмаслиги мумкин. Ҳодисаларнинг сабабини аниқлашга, қонунларни очишга қаратилган хулоса илмий индукция бўлиб, нарса-ҳодисаларнинг белгилари шунчаки қайд этилмай, улар ҳақида тўла маълумотга эга бўлиш учун бошқа сабабий боғланишлар ҳам ўрганилади.

Илмий индукциянинг усуллари қуйидагича:

а) ўхшашлик. Агар ҳодисанинг кузатилаётган ҳоллари учун фақат битта ҳолатгина умумий бўлса, мазкур ҳодисанинг сабаби ҳисобланади;

б) тафовут. Ҳодиса вужудга келаётган ва вужудга келмаётган ҳоллар улардан аввал келаётган ҳолатларнинг биттасидангина фарқ қилиб, қолганларида ўхшаш бўлса, ана шу битта ҳолат кузатилаётган ҳодисанинг сабабидир (иккита қорхонанинг тафовути, фарқлари ўрганилади, сабаблари очиб берилади).

Айрим мутафаккирлар дедукциянинг аҳамиятини юқори баҳолаб, уни тадқиқ этишга эътибор қаратган бўлсалар (*Арасту, Декарт*), бошқалари индукциянинг ўрнига катта баҳо берганлар (*Демокрит, Суқрот, Бэкон, Милль*). Баъзи файласуфлар ҳар икки хулоса чиқариш усулини ўзаро боғлиқ ҳолда олиб тадқиқи этганлар (*Галилей, Гегель*). Демак, билишнинг турли босқичларида индукция ва дедукция турли аҳамиятга эга бўлади, лекин билишнинг барча босқичлари соҳа ва

йўналишларида индуктив ва дедуктив хулоса чиқариш ўзаро алоқадорликда бўлади, яъни бири иккинчисини тўлдириб боради, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Дедуктив хулоса чиқариш асосларини индуктив йўл билан ҳосил қилинган умумий билим ташкил этади. Индуктив хулосанинг чинлиги дедукция ёрдамида текширилади. Дедукцияда фикр умумийдан жузъийлик ва яккаликка, индукцияда эса яккалик ва жузъийликдан умумийликка қараб боради. Индукция ва дедукциянинг асосини борликдаги яккалик, жузъийлик ва умумийликнинг ўзаро алоқаси, уларнинг бирини иккинчиси орқали намоён бўлиши ташкил этади.

Аналогия (*юнонча – мослик, ўхшашлик*) бевосита хулоса чиқаришнинг тури бўлиб, фикр бир хусусий ҳолатдан бошқа бир хусусий ҳолатга қараб ҳаракатланади. Аналогия хулосаси доимо эҳтимоллик характериға эга бўлади, яъни бир нарсада a, b, c, d, f белгилари мавжуд, текширилаётган нарсада ҳам a, b, c, d, f белгилари мавжуд. Демак, иккинчи нарсада d, f белгилар ҳам мавжуд бўлиши керак, деган хулоса чиқариш мумкин. Масалан, ота-оналар болаларининг бир неча ўхшаш белгиларига қараб уларнинг бошқа томонлари ҳақида хулоса чиқаришади. Ҳар қандай ўхшатиш ҳам аналогия бўлавермайди. Шоирлар аёлларни гулга, севгини дарёға ўхшатишади, бу оддий ўхшатишдир. Олимлар эса нарса ва ҳодисаларнинг зарурий боғланиши ва ички моҳияти, сабабияти ҳақида аниқ далил асосида хулоса чиқарадилар. Инсон мияси хусусиятлари асосида компьютер яратилган, яъни аналогия орқали бевосита бир моделдан бошқа прототипга ахборот ўтказилган. Қадимги юнон афсоналарига кўра, Дедал қуш модели асосида қанот ясаган ва инсон ҳам қаноти бўлса, уча олади деган хулосага келган: *«қуш тирик мавжудот, унинг қаноти бор, учади. Инсон тирик мавжудот, унинг қаноти йўқ, учмайди. Инсоннинг ҳам қаноти бўлса, эҳтимол у уча олар»*.

Аналогия асосида самолёт, вертолёт, поезд, компьютер, оддий омбур каби кўплаб ажойиб кашфиётлар қилинган.

Аналогия орқали хулоса чиқариш билиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга, чунки эҳтимолий хулоса асосида тажрибалар ўтказилади, оқибатда янги, муҳим назарияларнинг кашф этилишига олиб келади. Аналогия мураккаб масалалар ечимини оддий масалалар орқали топишда қўл келади. Аналогия хулосаси эҳтимолий бўлгани учун уни ҳар доим текшириш, тажриба ўтказиш ва жиддий ўрганишни тақозо этади. Аналогия илмий назариялар вужудга келишида муҳим аҳамиятга касб этади.

Далиллаш (аргументлаш)нинг мантикий асослари. *Далиллаш* – бирор фикр мулоҳаза ёки мулоҳазалар тизимини воқеликка бевосита мурожаат қилиш йўли билан (*кузатиш, тажриба-эксперимент*) ёки чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар ёрдамида асослашдир.

Далиллаш бевосита ва воситали бўлади. Бевосита далиллаш тажриба-кузатиш орқали амалга ошса, воситали далиллаш чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазаларга асосланган ва хулоса чиқариш кўринишида намоён бўлади. Далиллашнинг биринчи усули

эмпирик, иккинчи усули назарий билимларга асосланади. Далиллашнинг хусусий кўриниши мантикий исботлашдир. Исбот инсоннинг ўз атрофидаги нарсаларни билиши жараёнида, ўзаро мулоқотда тўғри фикрни тасдиқлашдир. Мантикий исботлаш эса бирор фикр, мулоҳазанинг чинлигини, чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳаза орқали асослашдир. Исботлаш хулоса чиқариш шаклида бўлса, далиллаш кўпроқ диалог кўринишида бўлиб, бири иккинчисининг фикрини рад этишга, ўз фикрининг чинлигини исботлашга, ўз фикрлари тўғрилигига ишонтиришга ҳаракат қилади. Далиллаш асосида шахснинг барча сифатлари, сўз санъатини қай даражада эгаллаганлиги, нотиклик маҳорати акс этади.

Далиллаш орқали кишиларда маълум воқеа-ҳодисаларга ишонч-эътиқод шаклланади. Фактларга асосланган далиллаш юксак ишонтириш кучига эга бўлади. Билимнинг мақсади ҳам илмий асосга эга бўлган эътиқодни шакллантиришдан иборат бўлиб, далиллаш ва исботлаш орқали амалга оширилади. Ишонч-эътиқод – шахснинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган қарашлари ва тасаввурларидир.

Исботлаш, унинг таркиби, турлари, қоидалари. Исботлаш усули орқали бирор фикрнинг тўғрилиги, ҳақиқийлиги исботланган бошқа бир фикр билан асослаб берилади. Масалан, ҳар қандай математик масаланинг тўғрилиги олдиндан исботланган бошқа қоидаларга асосланади. Бирор жиноят ишини исботлаш учун қонунлар мажмуасида кўрсатилган моддаларга асосланилади.

«*Темир иссиқлик ўтказиши*» деган фикрни исботлаш учун ҳамма металлнинг иссиқлик ўтказишини далил қилиш мумкин. Исботлаш ҳамма вақт ҳам хулоса чиқаришининг оддий шаклидек бўлавермайди. Баъзан бирор фикрни исботлаш учун кўплаб далил келтирилади. Масалан, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, Наполеон уруши, жиноят содир этган шахснинг айнан ўша жиноятчи эканлигини исботлаш шулар жумласидандир.

Исботлаш тезис, аргумент (*асос*) ва исботлаш усули (*демонстрация*) дан иборатдир. Исботлашнинг тезиси исботланиши лозим бўлган фикрдир. Аргумент тезиснинг исботи учун келтирилган фикрлардир. Таъриф, теорема, аксиома, қонун ва бошқа эмпирик ва назарий умумлашмалар аргумент бўлиб хизмат қилади. Исботлаш усулида асослардан тезис келтириб чиқарилади. Бу исботлаш шаклидир.

Исботлашнинг бевосита ва бавосита исботлаш тури бўлиб, бевосита исботлашда тезиснинг чинлиги тўғридан тўғри аргументлар билан асосланади. Масалан, «*такрорлаш билимнинг онасидир*», яъни такрорлаш натижасида билимлар мустаҳкамланади, хотирага жойлашиб, билим манбаи бўлиб хизмат қилади. Бавосита исботлашда тезиснинг чинлиги унга зид бўлган ҳукмнинг хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Бунда тезисга қарши антитезиснинг хатолигини исботлаш керак бўлади. Масалан, жиноят содир этганликда гумон қилинган шахслар А., Б., С., Д. деган тезис ўртага ташланади. Улардан С. жиноят қилган деган хулосага келинади, қолганлари жиноят қилмаганлиги аниқланади. Бевосита исботда тезиснинг тўғрилиги унга зид бўлган тезиснинг хатолигини исботлаш йўли

билан ҳам аниқланади. Бунда бир-бирига қарама-қарши бўлган тезиснинг бири хато бўлса, иккинчи тўғри ёки аксинча бўлади. Масалан, «*Аъзам ҳаммани ўзига карата оладиган, ўзига ишонган, дунёқараши кенг, баҳс-мунозарада фаол иштирок этадиган, мулоҳазали шахс*». «*Йўқ, Аъзам мақтанчоқ, такаббур, иши битгунга қадар муомала қиладиган, вақтинчалик дўст, ҳар бир ҳодисага, ҳолатга «силлиқ» мослаша оладиган шахс*». Бу тезисни исботлаш учун улардан бири хато эканлигини исботлаш зарур бўлади.

Раддия, унинг турлари, усуллари. Илмий танқид. Раддия у ёки бу фикрнинг хатолигини исботловчи мантикий амал бўлиб, тезис, аргумент ва демонстрацияни рад этишдан иборат. Раддия баҳс-мунозараларда учрайди. Баҳс қатнашчилари бирор тезисни ҳимоя қилса – **пропонент** (*ҳимоячи*), унга қарши чиқса – **оппонент** (*раддиячи*) бўлади. Ҳал қилинмаган мунозарали баҳслар – **полемика** дейилади. Тезисларни рад этишда фактлар, тезисдан келиб чиқадиган натижалар хатолиги кўрсатилади, антитезис исботланади, исботлаш усули танқид қилинади.

Антитезиснинг чинлигидан тезиснинг хатолиги келиб чиқади. Аргументларни рад этишда тезисни исботлаш учун оппонент далиллари танқид қилинади, келтирган далиллари тезисни исботлаш учун етарли эмаслиги аниқланади. Аргумент хато бўлса, тезис ҳам хато, деган фикр исботламайди. Бунда тезис чин фикр бўлиши мумкин. Аргументларни рад этиш орқали тезиснинг исботланмаганлиги асосланади. Исботлаш усулини танқид қилиш орқали рад қилишда исботлашда йўл қўйилган хатолар аниқланади, тезис рад этилмай, уни қайта исботлаш талаб этилади. Рад этиш усуллари амалиётда бир-бирини тўлдирган ҳолатда қўлланилади.

Исботлаш ва рад этиш қоидалари, улар бузилганда келиб чиқадиган мантикий хатолар. Исботлаш ва раддия тўғри ёки хато бўлиши мумкин. Исботлаш ва раддия тўғри бўлиши учун хулоса чиқариш қоидалари ва тафаккур қонунларига амал қилинган бўлиши керак. Акс ҳолда эса исботда хатоликка йўл қўйилган бўлади. Исбот тўғри бўлиши учун даставвал тезис ҳақиқий бўлиши керак. Исботда тезис натижа вазифасини ўйнайди. Дастлабки олинган натижа тўғри бўлса исбот тўғри бўлади. Агар натижа хато бўлса, исбот ҳам хато бўлади. Шунга кўра, исботдаги хатолар тезисга тегишли, аргументлашга доир, исботлаш усули билан боғлиқ хатоларга бўлинади.

Мантикий хатолар тафаккур қонунларини бузиш, хулоса чиқариш қоидаларига амал қилмаслик натижасида юзага келади. Инсон фикрлаш жараёнида хатога йўл қўйиши мумкин. Мантиқ тарихида атайлаб хатога йўл қўйган софистлар (юнонча – айёрлик, муғомбирлик) ёлғон ва хато фикрларни турли йўллар билан ҳақиқатга ўхшатиб, одамлар кўзига ростдек кўрсатишга уриниб, ҳақиқатни атайлаб бузиб, баҳс-мунозарада енгиб чиққанлар.

Софистлар мантиқ қонунларини тўла ўзлаштирган ҳолда бузиб талқин этганлар. Кейинчалик нисбийликнинг билиш назариясига тадбиқ этиш, ҳақиқатни субъектив деб қараш, нисбийликни абсолютлаштириш

орқали софистика сўз ўйини, сафсатабозликка айланган, яъни бир фикр айни вақтда тўғри эканлиги ҳам, хато эканлиги ҳам исботланаверган.

«Ўғри ҳеч қачон ёмон нарсани олмайди».

«Яхши нарсани олиши яхшиликдир».

«Демак, ўғрилик яхшиликдир».

Бу ерда бир сўзнинг бир неча маъноларда қўлланиши орқали натижанинг хато бўлиши кутилади.

Фикрлаш жараёнида билмасдан йўл қўйилган мантиқий хато **паралогизм** дейилади. Чинлигини ҳам, хатолигини ҳам бирдай исботлаш мумкин бўлган фикрлар **парадокс** дейилади. Парадокс (*қарши фикр*) умумий қабул қилинган ва кўзга ташланиб турган, ҳатто соғлом фикрларга қарши турадиган, кескин фарқ қиладиган одатдан ташқари ажойиб фикрлардир. XIX асрга келиб парадокс илмий текшириш предметига айланиб, мантиқ ва математикада ажойиб кашфиётларнинг вужудга келишига замин яратди.

Баҳс юритиш санъати (эристика) ўзига хос қонун-қоидалар (заруриятсиз баҳслашмаслик, мавзусиз баҳс юритмаслик, баҳс давомида мавзудан четга чиқмаслик, мавзуни ўзгартирмаслик, баҳс юзасидан зид фикрлар бўлмаса баҳсни тўхтатиш, мавзуни яхши биладиганлар билан баҳслашиш, баҳс юритишда мантиқ қонун-қоидаларига риоя қилиш, баҳс давомида фикрлардан хулоса чиқариш, мантиқий зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этиш кабилар)га амал қилишни талаб этади. Асослашнинг мантиқий асосларини билиш ва баҳслашиш қоидаларига амал қилиш тафаккур маданиятини юқори даражага кўтаради.

Муаммо – жавоби бевосита мавжуд бўлмаган ва ечиш усули ноъмалум бўлган саволдир. Муаммони қўйиш ва ҳал этиш мавжуд билимлар доирасидан четга чиқишни, янгича ечиш усулини қидириб топишни тақозо этади. Муаммони муваффақиятли ҳал этишнинг зурур шартларидан бири уни тўғри қўйиш ва аниқ баён қилишдан иборатдир. Чунки тўғри қўйилган савол ярим жавобдир. Муаммони ҳал қилиш учун муаммони қўйишда кишиларнинг ҳаётий тажрибаси, билими, таланти муҳим аҳамиятга эга.

Илмий муаммо маълум бир назария доирасида вужудга келади ва маълум назария ёрдамида ҳал қилинади. Муаммони ечиш учун мавжуд назариялар доирасида тушунтириб бўлмайдиган факт ва ҳодисалар аниқланиши, муаммони ҳал қилиш ғоя ва усуллари таҳлил қилиниши ва уларга баҳо берилиши, муаммони ҳал қилиш мақсади, олинган натижани текшириш йўллари белгиланиши, муаммонинг асоси билан уни ечиш учун илгари сурилган ғоялар ўртасидаги изчил муносабат ва боғланишлар кўрсатилиши керак бўлади.

Гипотеза (*юнонча – фараз, асос, тахмин*) орқали бир қанча фактлар асосида нарсаларнинг алоқаси ёки сабаби мавжудлиги ҳақида хулоса чиқарилади, лекин хулоса ҳали тўла исботланган деб бўлмайди. Гипотеза номаълумдан маълумга берадиган тадрижий илмий билиш шакли бўлиб, назарий билимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Билиш жараёни чексиз

бўлиб, бунда билмасликдан билишга, оддийдан мураккабга қараб борилади. Гипотеза мураккаб фикрлаш жараёни бўлиб, уни тузиш ва исботлаш вақтида аналогия, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, билишнинг бошқа шакли ва усулларида фойдаланилади. Фараз гипотезага айланиши учун текшириш ўтказиш керак. Фараз гипотеза даражасига кўтарилиши учун илмий билим, илмий дунёқарашга қарама-қарши бўлмаслиги, ҳал қилишга ташланган фактлар учун умумий бўлиши ва уларнинг ҳал қилинишида иштирок этиши, бошқа ҳар қандай тахминларга қараганда тўла ва яхшироқ ҳал этиш имконини бериши лозим.

Умумий гипотеза – табиат, жамият, билиш ҳодисаларининг қонуниятлари ҳақида билдирилган асосли тахминдир (Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, онгнинг келиб чиқиши, Қуёш системасининг вужудга келиши, ҳашаротларнинг ўз манзилени аниқ топиб олиши кабилар). Айрим, хусусий гипотезалар алоҳида нарса-ҳодисаларнинг хусусияти ҳамда сабаби тўғрисидаги аниқ ҳодисалар тўғрисидаги тахминлардир. Ишчи гипотеза энг дастлабки фактлар асосида қилинган тахмин бўлиб, фаразга яқин турса-да, фараздан аниқлиги билан фарқ қилади. Ишчи гипотезадан кундалик ҳаётда, суд-тергов ишлари, кишлоқ хўжалигида кўп фойдаланилади.

Илмий гипотеза – табиат, жамият, тафаккур қонунларини очишда ишлатиладиган тахминлардир. Ҳар қандай гипотеза текширишни талаб қилади. Уни текшириш натижасида гипотезанинг ҳақиқатлик эҳтимоллиги ё ортади, ё камади, гипотезанинг ҳақиқатлиги исботланади ёки гипотеза рад этилади. Гипотеза инсон амалий фаолияти натижасида вужудга келади, такомиллашади, айрим ҳолларда рад этилади, исботини топгач, назарияга айланади.

Назария – маълум бир билиш соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, гипотеза ва ғояларни системага солиб, улар ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қиладиган, янги фундаментал умумлашмалар яратишга олиб келадиган, шу соҳадаги ҳодисаларни тушунтириш, олдиндан кўриш имконини берадиган ишончли билимдан иборат.

Илмий назария таркибига эмпирик асос (илмий факт тўплаш, ўрганиш, системага солиш, жадвал, схема, график тузиш, муайян умумлашма, эмпирик тушунчалар, фаразлар, эмпирик қонунлар), бошланғич назарий асос (назариянинг асосий тушунчалари, постулатлари, аксиомалари, фундаментал қонунлар, принциплар), назариянинг мантиқий усули (тушунчаларни ҳосил қилиш ва таърифлаш қоидалари, хулоса чиқариш, исботлаш қоидалари), олинган натижалар (хулосалар) киради.

Назария муаммони қўйиш, гипотезаларни яратиш, қонунларни шакллантириш, ғояларни илгари суриш ва асослашдан иборат билимнинг узоқ ва машаққатли йўлини босиб ўтишнинг натижаси бўлиб, билишга доир қонунларни аниқлаш ва уларни ўрганиш имконини яратади. Хуллас, назария тафаккурнинг шакл ва қонунларини мукамал ўзлаштириш имконини беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абу Али ибн Сино. Фалсафий қиссалар. – Т.: Фан, 1963.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
3. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр / Тузувчи Н.Раҳмонов. Сўзбоши муаллифи, изоҳ ва луғатлар тузувчиси В.Раҳмонов. – Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
4. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998.
5. Гетманова А. Логика. – М.: Владос, 1998.
6. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили / Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ / Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
11. Мантиқ. Маърузалар матни. – Т.: ЎАЖБНТ, 2001.
12. Мўминов И. Ўзбекистонда табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. – Т.: Фан, 1998.
13. Раҳимов И. Логика. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
14. Раҳимов И. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. – Т.: Ўқитувчи, 1988.
15. Фалсафа тарихи. – Т.: Шарқ, 2002.
16. Хайруллаев М., Хакбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993.
17. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. – Т.: ЎАЖБНТ, 2000.
18. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004.
19. Ўринбоев Б. Нотиклик маҳорати. – М.: Ўқитувчи, 1984.
20. Ўрта Осиё халқлари хурфликчилиги тарихидан / Масъул муҳаррир академик М.Хайруллаев. – Т.: Фан, 1990.
21. Ғарб фалсафаси / Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: Шарқ, 2004.
22. Абдулла Шер. Тасаввуф, Ғаззолий ва ғўзаллик фалсафаси // Соғлом авлод учун. – Т.: 2002.
23. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб (Қалблар кашфиёти). I-II-китоблар / Таржимон М.Аъзам. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.
24. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Руҳ ҳақиқати. I-китоб / Нашрга тайёрловчилар Маҳкам Маҳмуд Андижоний, Абдуллоҳ Умар Тошкандий. – Т.: Адолат, 2005.
25. Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.

26. Абдурахмон Жомий. Баҳористон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
27. Авесто. – Т.: ЎзМЭ, 2003.
28. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-хақойиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи) / Форс тилидан Н.Комилов таржимаси. – Т.: Камалак, 1995.
29. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1986.
30. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
31. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. 13-жилд. – Т.: Фан 2000.
32. Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: Фан, 2002.
33. Аристотель. Поэтика. Ахлоқи кабир. – Т.: Фан, 1980.
34. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Иброҳим Ҳаққулов. – Т., 1991.
35. Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир / Улуғбек Ҳамдам таржимаси. – Т.: Меҳнат, 2001.
36. Жалолиддин Румий. Маснавий-маънавий. 1-6-китоблар. – Т.: Шарқ ва Ал-Худо нашриётлари, 2002-2004.
37. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Т.: 1990.
38. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Комил инсон ахлоқи. – Т.: Ёзувчи, 1996.
39. Кайковус. Қобуснома. – Т.: 1994.
40. Комил инсон ҳақида тўрт рисола / Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. – Т.: Маънавият, 1997.
41. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: 1997.
42. Умар Хайём. Наврўзнома. – Т.: 1990.
43. Умаров Э. Эстетика. – Т.: 1995.
44. Шарқ миниатюра мактаблари. – Т.: Фан, 1982.
45. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси / Таржимон ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: ТИУ нашриёти, 2001.
46. Ҳаққулов И. Ирфон ва идрок. – Т.: Маънавият, 1995.
47. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: 1992.
48. Шер А. Ахлоқшунослик. – Т.: 2000.
49. Ғайбуллоҳ ас-Салом, Сайди Умар. Толибнома. – Т.: 1996.
50. Фитрат. Оила. – Т.: 1999.
51. Абу Ҳомид Ғаззолий. Эй, ўғлон (Айноҳал, валад). – Т.: Мовароуннахр, 2004.
52. Саъдий Шерозий. Гулистон. – Т.: 1968.

МУНДАРИЖА

Кириш	5
Ахлоқий тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари	7
Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар. Ахлоқшуносликнинг асосий тушунчалари	14
Шахс ахлоқий тарбияси	24
Эстетик тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари	31
Эстетиканинг асосий тушунчалари	44
Бадиий асарни эстетик идрок этиш ва эстетик тарбия	53
Мантиқ илми предмети ва аҳамияти. Мантиқ фани ривожининг асосий босқичлари	60
Тушунча. Ҳукм	74
Хулоса чиқариш. Далиллашнинг мантиқий асослари	86
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	96

Наманган – 2017